ISSN: 2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

iD doi crossref CYBERLENINKA НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ БИБЛИОТЕКА eLIBRARY.RU

ISSN 2181-9416
Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

1 СОН, 3 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 1, ВЫПУСК 3

LAWYER HERALD

VOLUME 1, ISSUE 3

TOSHKENT-2023

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№1 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1

Бош муҳаррир:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Аброржон Анварович

Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлари доктори,
профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Окюлов Омонбой

Юристлар малакасини ошириш маркази профессори, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист

Саидова Лола Абдувахидовна

Юридик фанлари доктори, профессор

Тошев Бобокул Норкобилович

Юридик фанлари доктори, профессор

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бошлиғининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг директори, юридик фанлари доктори, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Қозоғистон Республикаси Олий Суди Академияси ректори, юридик фанлари номзоди

Здрок Оксана Николаевна

Белорус давлат университети судьялар, ҳамда суд, прокуратура ва адлия муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти директори

Масъул котиб:
Рахманов Шухрат Наимович

Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлари номзоди

Саҳифаловчи: Халиков Миртоҳир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА
№1 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1

Главный редактор:
Рабиев Шерзод Миржалилович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:
Отажонов Аброржон Анварович

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:
Общественно-правовой и научно-практический журнал ВЕСТНИК ЮРИСТА

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Доктор юридических наук, профессор

Тошев Бобокул Норкобилович

Доктор юридических наук, профессор

Мамасиддиков Музаффаржон Мусажонович

Заместитель начальника Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Директор Института проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор

Баймолдина Зауреш Хамитовна

Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук

Здрок Оксана Николаевна

Директор Института переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета

Масъул котиб:
Рахманов Шухрат Наимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Халиков Миртохир Мирзакирович

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD
№1 (2023) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1

Chief Editor:
Rabiyev Sherzod Mirjalilovich

Director of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice

Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD

Oqyulov Omonboy

Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the Republic of Uzbekistan

Saidova Lola

Doctor of Law Sciences, Professor

Toshev Bobokul

Doctor of Law Sciences, Professor

Mamasiddikov Muzaffarjon

Deputy Head of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

Otaxonov Foziljon

Director of the Legislation and Parliamentary Research Institute under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Law Science, Professor

Baymoldina Zauresh

Rector of the Academy of Justice at the Supreme Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of Legal Sciences

Zdrok Oksana

Director of the Institute for Retraining and Qualification Upgrading of Judges, Prosekutors and Legal professionals at the Belarusian State University

Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat

Head of the Department at the Lawyers' Training Center, Candidate of Juridical Science

Pagemaker: Khalikov Mirtokhir

Контакт редакции журнала:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99871) 2345345

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99871) 2345345

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

1. ХУСАНОВ Озод Тиллабоевич
МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ 8
2. JUMAYEV Shohjahon Begimqul o‘g‘li
JISMONIY VA YURIDIK SHAXSLARNING MUROJAATLARI BILAN ISHLASH: QONUNCHILIKDAGI MUAMMOLAR VA TAHLIL 13

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

3. YAKUBOVA Iroda Bahramovna
MUALLIFLIK HUQUQLARINI JAMOAVIY BOSHQARISH FAOLIYATINING SUN’IY INTELLEKT BILAN BOG‘LIQ MUAMMOLARI: XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI 18
4. РАХМОНОВ Отабек Қўчқор ўғли
КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ 27
5. ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович
АКЦИЯДОРЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 34
6. ЛОБАНОВА Галина Юрьевна
ПАРАЛЛЕЛЬНЫЙ ИМПОРТ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И НЕОБХОДИМОСТЬ ЕГО ВНЕДРЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО 40
7. БАҲРАМОВА Моҳинур Бахрамовна
ОНЛАЙН АРБИТРАЖДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСТИҚБОЛИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ 45

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

8. ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович
МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ 51
9. ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович
ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ – МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР 58
10. ХОЖАБЕКОВ Муфтулла
ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ РАБОТЫ ПО СОВМЕСТИТЕЛЬСТВУ 64

СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

11. САФАРОВ Тахиржон Баходирович
ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА СУДЬЯЛАРНИНГ ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИГИ – СУДЬЯ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИНГ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА 71

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

12. АХРАРОВ Бахром Джаббарович, БАРАТОВ Миродил Хомуджанович, ХАЛИЛОВ Назарбек Олимжанович
ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 76
13. ТОШПУЛАТОВ Акром Икромович
ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ ПРИНЦИПИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА АКС ЭТИШИ 84
14. МАМАНОВ Сардоржон Собир ўғли
ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА СТАНДАРТ ВА ТАВСИЯЛАР 90
15. ПРИМОВ Обиджон Мусирманович
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕГЛАМЕНТАЦИИ КОНФЛИКТА ИНТЕРЕСОВ КАК МЕРА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ 98
16. БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи
НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ 103

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

17. МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли
ЯРАШГАНЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР 111

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

18. ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна, ТОШМАТОВА Висолахон
ЕВРОПЕЙСКАЯ ПРАКТИКА ЗАЩИТЫ ПРАВ ПАЦИЕНТОВ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19 119
19. ЭГАМБЕРДИЕВ Дилшод Алишерович
ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ХАЛҚАРО ТЕРГОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ПРЕДМЕТ СОҲАСИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ 132

ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

20. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович
ЮРИСКОНСУЛЬТ КОМПЕТЕНТЛИГИ ТУШУНЧАСИ ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА 138

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

21. SOGA Manabu
DAMAGES IN JAPANESE TORT LAW WITH REFERENCE TO THE COMPARATIVE ASPECT 145
22. АБДУҲАЛИМОВ ШУҲРАТ АБДУҲАЛИМОВИЧ
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ – ДАВР ТАЛАБИ 158

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

ХУСАНОВ Озод Тиллабоевич
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессори, юридик фанлар доктори

МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХУСАНОВ О.Т. Маъмурий ислоҳотлар ва маҳаллий ижроия ҳокимияти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 8-12.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-1

АННОТАЦИЯ

Маҳаллий давлат ҳокимиятини ислоҳ қилиш давлат бошқарувини ислоҳотининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси”да маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди. Бундан ташқари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида маҳаллий ижро ҳокимияти ва Халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мослаштириш қайд этилган эди. Шу мақсадда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари тўғрисида махсус қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мақолада шу қонун лойиҳасини аҳамияти, ундаги ижобий жиҳатлар билан бирга, лойиҳани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар баён этилган. Жумладан, қонун лойиҳасининг 3,5,6,12,16-моддаларини такомиллаштириш бўйича мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: маҳаллий давлат ҳокимияти, маҳаллий ижро ҳокимияти, маъмурий ислоҳот, принциплар, самарадорликни баҳолаш, ҳокимият ваколатлари, ҳисобдорлик, лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш, қонунийлик.

ХУСАНОВ Озод Тиллабоевич
Профессор Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан, доктор юридических наук

АДМИНИСТРАТИВНЫЕ РЕФОРМЫ И МЕСТНАЯ ИСПОЛНИТЕЛЬНАЯ ВЛАСТЬ

АННОТАЦИЯ

Реформа местного самоуправления является важным компонентом реформы государственного управления. В Концепции административной реформы в Республике Узбекистан поставлена задача совершенствования нормативно-правовой базы органов государственной власти на местах. Кроме того, в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 г.г. отмечено совершенствование деятельности местных исполнительных органов и Советов народных депутатов и адаптация их правовых основ к современным

требованиям. Для этого был разработан специальный законопроект о местных органах исполнительной власти. В статье описывается важность данного законопроекта, наряду с его положительными сторонами, а также предложениями по дальнейшему совершенствованию проекта. В частности, были высказаны замечания по совершенствованию статей 3, 5, 6, 12, 16 проекта закона.

Ключевые слова: местная государственная власть, местная исполнительная власть, административная реформа, принципы, оценка деятельности, полномочия, подотчетность, назначение, увольнение, легитимность.

KHUSANOV Ozod
Professor of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law

ADMINISTRATIVE REFORMS AND LOCAL EXECUTIVE AUTHORITY

ANNOTATION

Local government reform is an important component of public administration reform. In the “Concept of Administrative Reforms in the Republic of Uzbekistan” the task of improving the legal framework of local state authorities was set. In addition, in the development strategy of New Uzbekistan for 2022-2026, it was noted to improve the activities of local executive authorities and Councils of People’s Deputies and adapt their legal bases to modern requirements. For this purpose, a special draft law on local executive authorities was developed. The article describes the importance of this draft law, along with its positive aspects, as well as suggestions for further improvement of the project. In particular, comments on improving articles 3, 5, 6, 12, 16 of the draft law were put forward.

Keywords: local state power, local executive power, administrative reform, principles, performance evaluation, powers of authority, accountability, appointment, dismissal, legitimacy.

Ўзбекистон Президентининг “олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришнинг асосий шарти – замонавий оқилона бошқарув тизимини жорий этиш” [1, Б.40], деган сўзлари жаҳон давлатчилик тажрибалари асосида айтилган айни ҳақиқатдир. Мукаммал давлат бошқарув тизими бўлмаса иқтисодий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бу исботланган ҳодиса. Мукаммал давлат бошқаруви тизимисиз инсон қадрини таъминлаш фаровон турмушга эришиш қуруқ гап бўлиб қолаверади. Адолатни рўёбга чиқариш ҳам кўрсатма, ваъзхонлик, тарғибот-ташвиқот, ўқитиш билан бўлмайди. Албатта булар ҳам керак. Лекин самарали бошқарув тизимига эришиш, адолат тантанаси учун, аввало кучли ҳуқуқий асос бўлиши ва қонун устуворлиги таъминланиши асосий шартдир. Хар бир фуқарода, давлат хизматчиларида, барча даражадаги мансабдорлар, депутатларда қонунга ҳурмат ҳисси шаклланмаса, қонун олдида барчани бирдек тенглиги таъминланмаса, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасиз бўлиб қолаверади.

Буларга мамлакатимизда маълум ишлар қилинмоқда, бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган маъмурий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси” қабул қилинган эди. Унда давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали тизимини яратиш, марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш асосий мақсад қилиб қўйилиб, унга эришишнинг вазифалари белгиланди. Айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти тизими самарадорлигини ошириш борасида ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш; халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш; тегишли ваколатларни ҳокимга босқичма-босқич ўтказиш

орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш; маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш каби вазифалар белгиланган эди [2]. Бу вазифалар тўла бажарилди, деб айта олмаймиз.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси биринчи йўналишида ҳам "Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш", "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш", "Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш", "Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш" каби аниқ мақсадлар белгиланди. Ушбу мақсадлар эришиш учун эса маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш; маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш; маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқ белгилаш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш каби вазифалар белгиланганди. Бу вазифалар доирасида эса "Маҳаллий ижро ҳокимияти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида"ги Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилди [3].

Белгиланган вазифаларни босқичма босқич ҳаётга татбиқ этилиши асосида Ўзбекистон Президенти 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида "ихчам ва самарали бошқарув тизимга ўтишни таклиф қиламан" [4], деган даъват билан чиқди.

Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармони [5] ва 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида" қарори [6] давлат бошқарув тизимини ислоҳини янги, юқори босқичга кўтаради.

Тегишли ҳужжатга асосан марказий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини оптималлаштиришга қаратилган бўлиб, марказий органларни қисқартириш, уларда ишловчи давлат хизматчилари (ходимлари) штатини оптималлаштириш, вазирларга янгича мақом бериш, уларни давлат бошқарувида иштирокини фаоллаштириш билан бирга уларнинг масъулиятини кучайтиришни назарда тутади. Бу ҳужжатларда кўпдан бери мунозараларга сабаб бўлаётган: "вазирлик нима", "қўмита нима", "инспекция нима" деган саволларга жавоб берилди. Уларнинг хар бирига ҳуқуқий таъриф берилди. Ҳукумат таркиби ихчамлаштирилди. Ихчамлик эса самарадорлик гаровидир. Шунингдек ҳужжат "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги янги замонавий қонун ишлаб чиқишига асос бўлади.

Эндиги асосий вазифа маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимиятини ажратиш, уларни мустақил ҳокимият тизимига айлантириш ҳисобланади. Ҳозиргача бир нечта ўзгартиришлар билан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун амал қилади [7]. Икки ҳокимият органи фаолияти бир қонунда белгиланганлиги унинг устига у эскириб, ҳозир кўплаб янги ижтимоий муносабатларни вужудга келганлиги янги қонун қабул қилиш ва қонун хар икки ҳокимият органи учун алоҳида-алоҳида бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги кунда "Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тайёрланиб муҳокамага қўйилган [8]. Қуйида шу лойиҳа бўйича айрим мулоҳазаларни билдиришни лозим топдим.

Лойиҳада маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятининг асосий принциплари; маҳаллий ижроия ҳокимияти ва унинг асосий вазифалари; ижроия ҳокимияти раҳбарлари ва уларнинг лавозимга тайинлаш, лавозимдан озод этиш тартиби; ижро ҳокимияти органига ишончсизлик вотуми билдириш тартиби; маҳаллий ижроия ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асослари; ижроия ҳокимияти органларининг структураси штатлари, уларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тартиби; раҳбарларнинг самарадорлигини баҳолаш; ижро ҳокимияти органлари қабул қиладиган ҳужжатлар, уларни жамоатчилик муҳокамасидан

ўтиши; ижро ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқа органлар билан муносабати; ҳокимнинг ваколатлари; унинг қарорларини қонунийлигини назорат қилиш каби масалаларнинг қонуний асослари белгиланмоқда.

Лойиҳада диққатга сазовор ва аҳамиятли масалалар: барча бўғиндаги ҳокимларни лавозимга тайинлашда, номзод танлашда сиёсий партияларнинг иштироки; ҳокимларга ишончсизлик вотуми билдириш мумкинлиги; ижро ҳокимияти раҳбарлари фаолиятини самарадорлигини баҳолаш тартибининг ўрнатилиши; ҳокимларнинг лавозимидан озод этиш асосларини белгиланиши; маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши; маҳаллий ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини белгиланиши ҳисобланади.

Буларнинг аҳамияти қуйидагиларда кўринади.

– ҳокимликка номзод кўп овоз олган сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши (5-модда), сиёсий партиялар ролини оширишни назарда тутади. Бундай тартибни ўрнатилиши сиёсий партияларнинг фақат Олий Мажлисга сайловлардагина эмас маҳаллий Кенгашга сайловларда ҳам фаол бўлишини, аҳолини ишончига кириш учун ижтимоий ҳаётда ўзини кўрсатишига олиб келади. Сиёсий партиялар ўзлари кўрсатган номзод – ҳокимни фаолияти устидан бевосита назорат ўрнатади ва унинг фаолияти ҳақида ахборот олиб туради;

– маҳаллий ижроия ҳокимияти раҳбарларига ишончсизлик вотуми билдириш тартибини киритилиши, ҳокимларнинг доимий равишда ишга масъулият билан қараши, унинг тақдири юқори ҳоким ёки президентгагина боғлиқ бўлмай, тегишли Кенгаш депутатларига ҳам боғлиқлигини, Кенгаш олдида жавобгарликни кучайтиради. У ҳар бир қадамини ўйлаб босади ва ҳар қандай қарор қабул қилишида қонунийликка, адолат принцпларига амал қилади;

– барча ривожланган мамлакатларда ижро ҳокимияти раҳбарлари фаолияти самарадорлик асосида баҳоланади. Қонунда самарадорликни баҳолашни мезонларни кўрсатилган бўлиб, бу ўз-ўзидан самарадорлик учун интилиш муҳитини яратади, бу эса рақобатни вужудга келтиради. Агар шундай қонун (15-модда) нормаси аввалдан бўлганида. Ўзбекистоннинг 2023 йил январдаги ҳолати (газ, электр етишмовчилиги) бу даражада бўлмасмиди? Ҳокимларнинг эндиги вазифаси самарадорлик кўрсаткичларини бажаришга қаратилади;

– қонунда ҳокимларнинг лавозимдан озод қилиш асосларини белгиланиши (16-модда) ҳоким ҳуқуқларини муҳим кафолати бўлади. Ҳозир қандай ҳолда ҳоким лавозимдан озод этилиши ҳақида аниқ қоида йўқ. Бу юқори органлар, мансабдор шахслар хоҳиши билан амалга оширилади. Лойиҳада кўрсатилаётган сабаблар орасида “одоб ахлоқ қоидаларини мунтазам равишда яъни бир йилда икки мартадан ортиқ бузилганда лавозимидан озод қилинади” деган қоида жуда муҳим бўлиб, унинг маънавий аҳамияти ҳам каттадир. Шу ерда икки мартадан ортиқ эмас, икки марта бузилганда, деган қоида бўлса, ҳокимларнинг ахлоқий маънавий қиёфасига янада кўпроқ ижобий таъсир қилинар эди;

маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилишини (20-модда) лойиҳада белгиланиши, бу фуқаролик жамияти талабидир. Маҳаллий ижроия ҳокимияти қабул қиладиган ҳужжатлар асосан ва бевосита шу ердаги аҳолига тааллуқли бўлгани учун уларнинг фикрини олиш ўта муҳимдир. Бу давлат билан аҳолини мулоқотининг энг самарали усули ҳам ҳисобланади;

– қонуннинг яна бир муҳим жиҳати, ижобий томони унда ҳокимият органлари фаолияти очиқлиги, шаффофлигига алоҳида эътибор берилган. Бу масала 3-моддада асосий принцип сифатида кўрсатилаётган бўлса, лойиҳанинг 17-моддасида “Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолияти очиқлиги” ҳақида нормалар белгиланмоқда. Бу норманинг амалга ошиши натижасида аҳоли ижро ҳокимияти фаолияти, унинг ҳаракатлари бўйича тўлиқ маълумотга эга бўлиб боради. Бу жамоатчилик назоратини амал қилишининг муҳим шартидир.

Лойиҳани ўрганиш, унинг баъзи нормаларини аниқлаштириш, тўлдириш зарурати бор деган хулосани келтириб чиқарди:

– лойиҳанинг 3-моддасидаги асосий принципларга “ҳисобдорлик”ни принцип сифатида киритиш лозим. Ижро ҳокимиятининг вакиллик ҳокимияти (халқ депутатлари кенгашлари) ва жамоатчилик олдида ҳисоб бериши уларнинг фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий кафолати бўлиб, бу конституция талабларига ва фуқаролик жамияти хусусиятига мосдир;

– лойиҳада ижро ҳокимиятининг вакиллик ҳокимияти (халқ депутатлари кенгашлари) билан

муносабатини белгиловчи махсус модда бўлиши керак. Бу нарса уларнинг мустақиллигини таъминлайди ва ҳисобдорликни ўрнатади;

– 5-моддадаги (бешинчи банд) “Бош вазир томонидан маъқулланган” эмас, “Бош вазирга тақдим қилинган номзод 7 кун муддатда кўриб чиқилиб Президентга тақдим қилинади”, деб қайд қилинса мантиқий бўлади. Шу ерда Бош вазир номзодни маъқулламаса нима бўлишлиги ҳам аниқлаштирилиши зарур. Худди шундай (тўққизинчи банд) “Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими 10 кун муддатда номзодни кўриб чиқиб лавозимга тайинлайди” деган қоида, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокими номзодни маъқулламаса нима бўлиши кўрсатилиши керак. Акс ҳолда кўрсатилган номзод албатта тасдиқланиши керак деган маъно келиб чиқади;

– 6-моддадаги ҳоким ўринбосарларини (юқори ҳоким) билан келишиб тасдиқлайди деган қоидани ўйлаб кўриш керак. Бу ҳокимларни мустақиллигига путур етказади. Ҳокимга юқори даражада масъулият юкланар экан, уларга мустақиллик ҳам бериш керак. Чунки ҳозир кадрлар тайинлашда танлов тажрибага кириб келмоқда.

– лойиҳанинг 12-моддаси бироз тушунарсиз. Ҳоким ва унинг ўринбосарларини бошқа ҳақ тўланадиган иш билан шуғулланмаслигини белгиланиши тўғри, лекин бу қоидани Сенат аъзоларига, халқ депутатлари кенгашлари депутатларига татбиқ қилиш тушунарсиз;

– 16-моддада ҳокимларнинг лавозимдан озод этиш асосларидаги “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати янгиланганда”, деган қоида ортиқчага ўхшайди. Ҳукумат таркибини янгиланиши ҳар-хил бўлади. Ҳар бир янгиланиш ҳокимларни барчасини янгилашга сабаб бўлмаслиги керак.

Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида мукаммал қонунга эга бўлиш, ислоҳотлардан кўзда тутилган кўплаб вазифаларни ҳал қилишга ҳисса қўшади. Давлат бошқарувини муҳим таркибий қисми ҳисобланмиш маҳаллий бошқарувни унда ижроия ҳокимияти ўрнини талаб даражага кўтаради. Мукаммал қонун асосида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти юритилса ва қонун устуворлиги таъминланса, жойларда самарали бошқарув вужудга келади. Шунда ҳозирги маъмурий бошқарув секторлар асосида бошқарувга ҳожат қолмайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-Ж. Т, Ўзбекистон, 2019.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5185-сон Фармони // URL: https://lex.uz/docs/3331174.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони // URL: https://lex.uz/docs/5841063.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси, 2022 йил 20 декабрь // URL: https://president.uz/uz/lists/view/5774.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-269-сон Фармони // URL: https://lex.uz/uz/docs/6324756.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-447-сон Фармони // URL: https://lex.uz/docs/6324754.

7. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентбрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 913-XII-сон Қонуни // URL: https://lex.uz/docs/112170.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси // URL: https://regulation.gov.uz/uz/d/74600.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

JUMAYEV Shohjahon Begimqul o‘g‘li
Yuristlar malakasini oshirish markazi o‘qituvchisi
E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

JISMONIY VA YURIDIK SHAXSLARNING MUROJAATLARI BILAN ISHLASH: QONUNCHILIKDAGI MUAMMOLAR VA TAHLIL

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): JUMAYEV Sh.B. Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash: qonunchilikdagi muammolar va tahlil // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) B. 13-17.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-6-2

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlarini ko‘rib chiqish muddatlari, ularni uzaytirish hamda qisqartirish tartibi, murojaatlarni ro‘yxatga olish va rezolyutsiya qo‘yish muddatlari haqida so‘z borgan. Murojaatlarni davlat organlari va tashkilotlari tomonidan ko‘rib chiqish holati bo‘yicha rasmiy statistik ma’lumotlar keltirib o‘tilgan. Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasida ilgari surilgan murojaatlar bilan ishlash borasidagi istiqbolda ko‘zda tutilgan vazifalar yoritilgan. Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risidagi qonunchilikni buzganlik uchun ma’muriy va jinoiy javobgarlikka tortish bilan bog‘liq bo‘lgan ayrim muammoli holatlar qiyosiy-huquqiy tahlil qilingan. Bir qator xorijiy davlatlarning murojaatlarni ko‘rib chiqish muddatiga oid tajribasi o‘rganilgan, milliy qonunchiligimiz bilan qiyosiy tahlil qilingan hamda takliflar ilgari surilgan.

Kalit so‘zlar: murojaat, ariza, shikoyat, taklif, ro‘yxat, rezolyutsiya, topshiriqnoma, muddat, xalq qabulxonasi, strategiya, platforma, qonunchilik hujjatlari.

ЖУМАЕВ Шохжахон
Преподаватель Центра повышении квалификации юристов
E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

РАБОТА С ОБРАЩЕНИЯМИ ФИЗИЧЕСКИХ И ЮРИДИЧЕСКИХ ЛИЦ: АНАЛИЗ ПРОБЛЕМ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждаются вопросы срока рассмотрения обращений физических и юридических лиц, порядка их продления и сокращения, срока регистрации обращений и внесения резолюций. Приведены официальные статистические данные о состоянии рассмотрения обращений государственными органами и организациями. В новой стратегии развития Узбекистана освещены задачи, предусмотренные перспективой по работе с выдвинутыми обращениями. Проведен сравнительно-правовой анализ отдельных проблемных ситуаций, связанных с привлечением к административной и уголовной ответственности за нарушение законодательства об обращениях физических и юридических лиц. Изучен опыт ряда зарубежных государств в отношении сроков рассмотрения обращений, проведен сравнительно-прававой анализ, на основе чего, выдвинуты предложения.

Ключевые слова: обращение, применение, жалоба, предложение, список, резолюция, поручение, крайний срок, народный прием, стратегия, платформа, законодательные акты.

DJUMAYEV Shokhjakhon
Lecturer at Lawyers' Training Center
E-mail: Shohjahon7474@gmail.com

WORKING WITH APPEALS OF INDIVIDUALS AND LEGAL ENTITIES: PROBLEMS IN LEGISLATION AND ANALYSIS

ANNOTATION

This article discusses the issues of the period for consideration of applications from individuals and legal entities, the procedure for their extension and reduction, the period for registering applications and making resolutions. Official statistics on the status of consideration of Appeals by state bodies and organizations are presented. The tasks envisaged in the prospects for working with the appeals put forward in the development strategy of the new Uzbekistan are covered. Comparative-legal analysis of some problematic cases associated with administrative and criminal liability for violation of legislation on appeals of individuals and legal entities. The experience of a number of foreign countries regarding the term of consideration of appeals has been studied, a comparative analysis has been carried out with our national legislation and proposals have been put forward.

Keywords: appeal, application, complaint, proposal, list, resolution, assignment, term, people's reception, strategy, platform, legislative acts.

Ma'lumki, mamlakatimizda davlat organlarining aholi bilan muloqotini takomillashtirish, fuqarolar huquq va erkinliklarining ishonchli himoyasini ta'minlash hamda ularning muammolarini hal etishning zamonaviy mexanizmlarini joriy qilish borasida izchil ishlar amalga oshirilmoqda.

Jumladan, o'tgan davr mobaynida mazkur sohaga oid 10 ga yaqin normativ-huquqiy hujjatlar, xususan, yangi tahrirdagi "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi Qonun qabul qilindi.

Qolaversa, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Virtual va Xalq qabulxonalari, davlat organlari va tashkilotlarining "Ishonch telefonlari" tashkil etilishi fuqarolarning og'irini yengil qilish bilan bir qatorda turli xil noqulayliklarning oldini olishga xizmat qilmoqda.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli Farmoni [1] bilan tasdiqlangan "2022 – 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi"da (Keyingi o'rinlarda - Taraqqiyot strategiyasi) yetti yo'nalish, 100 ta maqsad belgilab qo'yilgan bo'lib, uning 1-yo'nalish, 11-maqsadi jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tizimini takomillashtirishga bag'ishlangan va unda davlat organlariga kelib tushgan murojaatlarni jamlovchi markazlashgan tizimni yaratgan holda ularni ko'rib chiqish muddati va sifati ustidan raqamli nazorat o'rnatish, aholining kundalik turmush tarziga bevosita ta'sir qiluvchi masalalar bo'yicha murojaatlar tezkor va sifatli ko'rib chiqilishini ta'minlash ustuvor vazifa sifatida belgilangan.

Taraqqiyot Strategiyasini "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid Davlat dasturining 39-bandida esa 2022-yilning oxiriga qadar davlat organlari va tashkilotlariga kelib tushgan murojaatlarning Murojaatlar bilan ishlash yagona onlayn platformasida yuritilishini ta'minlash lozimligi qayd etildi.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, 2022-yilning birinchi yarmi davomida davlat organlari va tashkilotlari, shuningdek, mahalliy davlat hokimiyati organlariga jami 773 mingga yaqin murojaatlar kelib tushgan bo'lib, murojaatlar soni o'tgan yilga nisbatan 66 mingtaga yoki 8 foizga kamaygan bo'lsa-da, muhtojlarga moddiy yordam ko'rsatish (17 mingtaga yoki 3,7 baravar), fuqarolik ishlari bo'yicha sud qarorlari ijro etilishi (2,2 mingtaga, 2,2 baravar), muhtojlarni oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash (1,7 mingtaga, 2,3 baravar), tabiiy gaz hisoblagichi o'rnatilishi (1,2 mingtaga, 3,5 baravar), kadastr xodimlarining xatti-harakatlari (981 taga, 3,9 baravar) bilan bog'liq masalalar keskin oshgan [2].

Yuqorida keltirilgan statistik ma'lumotlar hamda davlat organlari oldiga qo'yilgan vazifalar murojaatlar bilan ishlash masalasi qanchalar dolzarb ekanligini va borada qonunchilik doimiy ravishda takomillashtirilib borilishi joizligini ko'rsatadi.

Murojaat qilish huquqi tushunchasiga bir qancha nazariyotchi olimlar turlicha ta'riflar keltirishgan.

Jumladan, A.P.Lyubimova va A.A.Drakovalarning fikricha, murojaat qilish huquqi – bu fuqaro (chet el fuqarosi yoki fuqaroligi bo'lmagan shaxs) ning og'zaki yoki yozma ravishda taklif, ariza, iltimosnoma, shuningdek, shikoyat bilan ushbu masalalarni hal qilish vakolatiga ega bo'lgan

organlarga murojaat qilish huquqi hisoblanadi [3], [11]. Mazkur ta'rifda murojaat qilish huquqining maqsadi va xususiyatlari to'liq ochib berilmagan deb hisoblaymiz. Qolaversa, ushbu ta'rifda murojaatning shakli sifatida elektron murojaat keltirib o'tilmagan. E'tiborli jihati shundaki, ta'rifda iltimosnoma murojaatning alohida turi sifatida keltirilgan. Vaholanki, bir qancha davlatlar qonunchiligi bo'yicha, jumladan, O'zbekiston Respublikasining "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan iltimosnoma murojaatning alohida turi sifatida qayd etilmagan.

Y.Xrumalova va M.Mixaylovskiyning qayd etishicha, murojaatlar davlat uchun jamiyatning ehtiyoji va zaruratiga o'z vaqtida hamda sifatli ta'sir ko'rsatish maqsadida muhim axborot manbai, shaxs erkinligi va manfaatlarini qanoatlantirish uchun aholi bilan samarali aloqa vositasi hisoblanadi [4, B.284].

O'zbekiston Respublikasining 2017-yil 11-sentabrda qabul qilingan "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi O'RQ-445-sonli Qonuni 28-moddasiga muvofiq, ariza yoki shikoyat masalani mazmunan hal etishi shart bo'lgan davlat organiga, tashkilotga yoki ularning mansabdor shaxsiga kelib tushgan kundan e'tiboran o'n besh kun ichida, qo'shimcha o'rganish va (yoki) tekshirish, qo'shimcha hujjatlarni so'rab olish talab etilganda esa, bir oygacha bo'lgan muddatda ko'rib chiqiladi [5].

Ya'ni mazkur moddaning birinchi va ikkinchi qismida ariza yoki shikoyat qancha muddatda ko'rib chiqilishi, muddatni uzaytirish masalasi belgilab berilgan. Ammo mazkur moddaning uchinchi qismiga ko'ra, taklif davlat organiga, tashkilotga yoki ularning mansabdor shaxsiga kelib tushgan kundan e'tiboran bir oygacha bo'lgan muddatda ko'rib chiqiladi, qo'shimcha o'rganishni talab etadigan takliflar esa bundan mustasno ekanligi qayd etilgan. Modda mazmunidan kelib chiqib aytish mumkinki, ariza va shikoyatni ko'rib chiqish muddati hamda bu muddatni uzaytirish masalasi qat'iy belgilangan, ammo qo'shimcha o'rganishni talab qiladigan takliflar qancha muddatda ko'rib chiqilishi lozim ekanligi belgilab berilmagan. Bu holat esa, mazkur huquqiy normani turli xil sharhlanishiga hamda har xil amaliyot yuzaga kelishiga olib kelishi mumkin.

Murojaatlarni ko'rib chiqish muddati haqida so'z borar ekan, xorij tajribasiga ham to'xtalib o'tishimiz lozim, deb o'ylaymiz. Misol uchun, AQShning Texas shtati qonunchiligiga ko'ra, fuqarolarning murojaatlarini ko'rib chiqish muddati 10 ish kuni etib belgilangan [6].

Angliya hukumati sayti ma'lumotlariga ko'ra, murojaatlar 20 ish kunida ko'rib chiqilishi lozim. Qo'shimcha o'rganishlarni talab etsa, muddat 12 haftagacha uzaytirilishi mumkin [7]. Shuningdek, Angliya Ombudsmani shikoyatlarni 8 haftagacha bo'lgan muddatda ko'rib chiqadi [8].

Rossiya Federatsiyasining 2006-yil 2-maydagi 59-FZ sonli "Murojaatlar to'g'risida"gi Qonuni 12-moddasiga muvofiq, murojaatlar 30 kunlik muddatda ko'rib chiqiladi. Tegishli asoslar bo'lgan taqdirda tashkilot rahbari tomonidan yana 30 kungacha bo'lgan muddatga uzaytirilishi mumkin [9].

Yuqoridagi xorijiy tajribalar sifatida keltirilgan normalar mazmunidan ko'rinib turibdiki, ularda bir qator milliy qonunchiligimizdan farqli jihatlar mavjud bo'lib, bu Texas shtatida muddatlar "ish kunlari" bilan hisoblanishida, Angliyada uzaytirilgan muddat ancha ko'pligida, Rossiya Federatsiyasida esa, qo'shimcha o'rganishni talab etmaydigan murojaatlar bo'yicha qisqaroq, ya'ni 15 kunlik muddatning belgilanmaganida yaqqol ko'rinadi.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 7-maydagi "Davlat organlarida, davlat muassasalarida va davlat ishtirokidagi tashkilotlarda jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tartibi to'g'risidagi Namunaviy nizomni tasdiqlash haqida"gi 341-son qarori [10] bilan tasdiqlangan Namunaviy nizomning 41-bandida ayrim hollarda davlat organi, tashkilotining rahbari yoki uning o'rinbosari murojaatlarni ko'rib chiqish muddatlarini qisqartirishlari mumkinligi belgilangan. Vaholanki, mazkur hujjatda va boshqa tegishli qonunchilik hujjatlarida ham, tashkilot rahbari murojaatni ko'rib chiqish muddatini qay tartibda hamda aniq qancha muddatgacha qisqartirishi mumkin ekanligi qayd etilmagan.

Ushbu holat esa mazkur normani turlicha talqin etilishiga sabab bo'lishi hamda murojaatni ko'rib chiquvchi xodimlarga ish hajmi bilan bog'liq qiyinchiliklar tug'dirishi mumkin. Misol uchun, bir tashkilot rahbari o'z xodimiga bir necha marta murojaatni 3 kun ichida ko'rib chiqishni talab qilsa va muddatni qisqartirsa, tabiiyki, bu xodimning boshqa o'z xizmat vazifalarini bajarishiga ulgura olmaslik, murojaatda aks etgan har bir vajni ichiga kirib batafsil o'rganmaslik holatlariga olib keladi. Mazkur holatlar esa murojaatlarning sifatsiz ko'rilishiga hamda takroriy murojaatlarning ko'payishiga sabab bo'ladi. Shu boisdan, murojaatni ko'rib chiqish muddatini qisqartirishning aniq tartibi hamda muddati qonunchilik hujjatlarida qat'iy aks etsa maqsadga muvofiq bo'lardi, deb hisoblaymiz.

Shu bilan bir qatorda, yuqorida keltirilgan Vazirlar Mahkamasi qarori bilan tasdiqlangan Namunaviy nizomning 27-bandida ro'yxatga olingan murojaatlar kelib tushgan paytidan boshlab bir

ish kunidan kechikmay davlat organi, tashkiloti rahbariga, uning o‘rinbosariga yoki tarkibiy bo‘linma rahbariga kiritilishi, rahbar esa mas’ul tarkibiy bo‘linmani (xodimni) belgilagan holda murojaatni ko‘rib chiqish bo‘yicha rezolyutsiyani (topshiriqnoma) qo‘yishi qayd etilgan. Ammo mazkur bandda rahbar qancha muddatda rezolyutsiya qo‘yishi lozimligi aniq belgilanmagan. Buning oqibatida esa mas’ul ijrochi xodimga murojaatni o‘rganib chiqishi, unda keltirilgan vajlarni tekshirishi uchun muddat yetarli bo‘lmay qolishi mumkin. Bu esa, sun’iy ravishda murojaatni ko‘rib chiqish muddatini uzaytirishlar ko‘payishiga olib keladi.

Shuningdek, “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risida”gi Qonunning 29-moddasida murojaatlarni ko‘rmay qoldirishning quyidagi asoslari keltirib o‘tilgan:

anonim murojaat bo‘lsa;

jismoniy va yuridik shaxslarning vakillari orqali berilgan murojaatlar, ularning vakolatini tasdiqlovchi hujjatlar mavjud bo‘lmagan taqdirda;

mazkur Qonunda belgilangan boshqa talablarga muvofiq bo‘lmagan murojaatlar.

Murojaat qilish huquqi har bir shaxsning konstitutsiya darajasida muhofaza etilgan huquqi bo‘lganligi hamda murojaatni ko‘rmay qoldirish asosi qat’iy bo‘lmagan taqdirda shaxsning murojaat qilish huquqi muayyan muddatga bo‘lsada cheklanishi mumkinligi sababli murojaatlarni ko‘rmay qoldirish asoslari barcha uchun tushunarli va qat’iy belgilanishi lozim deb hisoblaymiz. Shu bois Qonunda “boshqa talablarga muvofiq bo‘lmagan murojaatlar” deganda qanday talablar nazarda tutilayotganligi qayd etib o‘tilsa, maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashining va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2019-yil 2-fevralda qabul qilingan 2310-III/KQ-503-III-sonli Qo‘shma qarori bilan tasdiqlangan “Mening fikrim” veb-portali orqali elektron jamoaviy murojaatlar berish va ularni ko‘rib chiqish tartibi to‘g‘risidagi Nizomning 11-bandiga asosan quyidagilar murojaat predmeti bo‘la olmaydi:

O‘zbekiston Respublikasining hududiy yaxlitligini o‘zgartirish to‘g‘risidagi;

O‘zbekiston Respublikasi Davlat budjeti va soliqlar haqidagi;

amnistiya va afv etish to‘g‘risidagi;

amaldagi konstitutsiyaviy tuzumni zo‘rlik bilan o‘zgartirishga da’vat qilish haqidagi;

jamiyatning ma’naviy qadriyatlariga putur yetkazadigan, fuqarolarning sha’ni va qadr-qimmatini yoki ishchanlik obro‘sini poymol qiladigan;

urush, zo‘ravonlik, shafqatsizlikni targ‘ib qilish, millatlararo, irqiy, diniy adovat, ekstremizm, separatizm va fundamentalizmni qo‘zg‘atish to‘g‘risidagi;

terrorchilik harakatlarini sodir etishga, qonunga muvofiq jinoiy va o‘zga javobgarlikka sabab bo‘ladigan boshqa xatti-harakatlarni sodir etishga da’vat qilish haqidagi;

giyohvandlik vositalarini, psixotrop moddalarni va ularning analoglarini, shuningdek prekursorlarni targ‘ib qilish to‘g‘risidagi va boshqa masalalar.

Demak, elektron jamoaviy murojaatlarda mazkur masalalarning qayd etilmasligi lozimligini ham murojaatlarga qo‘yilgan talab deyish mumkin.

Basharti jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g‘risidagi qonunchilikni buzganlik uchun huquqbuzarlik natijasida fuqarolarning, jamiyat va davlatning huquqlariga yoxud qonun tomonidan muhofaza qilinayotgan manfaatlariga jiddiy ziyon yetkazilgan bo‘lsa, mansabdor shaxslar O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 144-moddasi birinchi qismi bo‘yicha jinoiy javobgarlikka tortiladilar.

Mazkur modda bilan bog‘liq bo‘lgan, amaliyotda ham turfa xil talqin etishga, turlicha qarashga sabab bo‘ladigan tushuncha aynan “jiddiy ziyon” tushunchasidir. Jinoyat kodeksining ushbu moddasi birinchi qismi bo‘yicha javobgarlikka tortishning asoslaridan zaruriysi aynan jiddiy ziyonning kelib chiqishidir. Ammo amaldagi Jinoyat kodeksining “Atamalarning huquqiy ma’nosi” nomli sakkizinchi bo‘limida “jiddiy ziyon” deganda aynan nima tushunilishi lozim ekanligi qat’iy keltirib o‘tilmagan. Vaholanki, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksining 4-moddasiga asosan, sodir etilgan qilmishning jinoiyligi, jazoga sazovorligi va boshqa huquqiy oqibatlari faqat Jinoyat kodeksi bilan belgilanadi.

Hech kim sudning hukmi bo‘lmay turib jinoyat sodir qilishda aybli deb topilishi va qonunga xilof ravishda jazoga tortilishi mumkin emas. Jinoyat sodir etishda aybdor deb topilgan shaxs qonunda belgilangan huquqlardan foydalanadi va majburiyatlarni bajaradi.

Bundan kelib chiqadiki, jinoiy javobgarlikning asosi faqat Jinoyat kodeksida aks etishi lozim.

Qolaversa, O‘zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksining 23-moddasi uchinchi qismiga muvofiq, aybdorlikka oid barcha shubhalar, basharti ularni bartaraf etish imkoniyatlari tugagan bo‘lsa, gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchining foydasiga hal qilinishi lozim. Qonun qo‘llanilayotganda kelib chiqadigan shubhalar ham gumon qilinuvchining, ayblanuvchining,

sudlanuvchining foydasiga hal qilinishi kerak. Demakki, qonunchilikda aks etgan hamda turlicha talqin etishga asos bo'ladigan holatlar ham jinoyat sodir etishda gumon qilinayotgan, ayblanayotgan shaxsning foydasiga xizmat qilishi joiz.

Shu sababli, rahbar tomonidan ro'yxatga olingan murojaatga rezolyutsiya qo'yishning aniq muddati "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi Qonunda belgilab qo'yilsa to'g'ri bo'lardi, deb o'ylaymiz.

Xulosa o'rnida ta'kidlash joizki, jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan bog'liq faoliyat muayyan davlatning aholi muammolari bilan ishlash darajasini, davlat organlari va tashkilotlari o'z zimmasidagi funksiyalarni qanchalar aniq va to'liq bajarayotganini hamda mamlakatda amalga oshirilayotgan islohotlar qay darajada samara berayotganini ko'rsatib beruvchi o'ziga xos indikatordir. Shu bois, mazkur sohaga oid qonunchilik doimiy ravishda tahliliy ravishda o'rganilishi hamda ilg'or xorij tajribasi asosida takomillashtirilib borilishi lozim.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli "2022 – 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi" to'g'risidagi Farmoni // URL: https://lex.uz/ru/docs/-5841063.

2. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining 13.09.2022 yildagi SQ-622-IV-son "Davlat organlari va tashkilotlari tizimida 2022-yilning birinchi yarmida murojaatlar bilan ishlash holati to'g'risida" gi qarori // URL: https://lex.uz/docs/6198724.

3. Любимова А.П. Гражданский лоббизм: процедуры и технологии обращения граждан. – М., 1998.

4. Хрумалова Ю.В. Право граждан на обращение в органы государственной власти как форма обратной связи между населением и государственным аппаратом. // Гражданское общество в эпоху глобальной информатизации: докл. и матер. III Международной молодежн. науч. конф. – М., 2011.

5. O'zbekiston Respublikasining 2017-yil 11-sentabrda qabul qilingan "Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to'g'risida"gi O'RQ-445-sonli Qonuni // URL: https://lex.uz/docs/-3336169.

6. Complaints overview // URL: https://www.texasattorneygeneral.gov/opengovernment/governmental-bodies/complaints-overview.

7. Complaints and appeals: detailed information // URL: https://www.gov.uk/topic/dealing-with-hmrc/complaints-appeals.

8. Complaining to an ombudsman // URL: https://www.citizensadvice.org.uk/consumer/get-more-help/how-to-use-an-ombudsman-in-england/.

9. On the procedure for consideration of appeals by citizens of the Russian Federation // URL: https://www.wto.org/english/thewto_e/acc_e/rus_e/wtaccrus48a8_leg_3.pdf.

10. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 7-maydagi "Davlat organlarida, davlat muassasalarida va davlat ishtirokidagi tashkilotlarda jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlash tartibi to'g'risidagi Namunaviy nizomni tasdiqlash haqida"gi 341-son qarori // URL: https://lex.uz/docs/-3730228.

11. Дворак А.А. Реализация конституционного права граждан на обращения в Российской Федерации: Дисс… канд. юрид. наук. – М., 2004.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

YAKUBOVA Iroda Bahramovna
Toshkent davlat yuridik universiteti “Intellektual mulk huquqi” kafedrasi dotsenti, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
E-mail: i.yakubova@tsul.uz

MUALLIFLIK HUQUQLARINI JAMOAVIY BOSHQARISH FAOLIYATINING SUN’IY INTELLEKT BILAN BOG‘LIQ MUAMMOLARI: XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBASI

For citation (iqtibos keltirish uchun, для цитирования): YAKUBOVA I.B. Mualliflik huquqlarini jamoaviy boshqarish faoliyatining sun’iy intellekt bilan bog‘liq muammolari: xorijiy mamlakatlar tajribasi // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) B. 18-26.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-3

ANNOTATSIYA

Mavzuni asosiy obyekti sifatida sun’iy intellekt mantiqiy va ijodiy funksiyalarni bajaradigan sun’iy intellekt tizimi haqida fikr-mulohazalar bildirilgan. Sun’iy intellekt hozirgi axborot asrida juda dolzarb bo‘lib, uning yordamida insoniyat ilm-fanda yangi imkoniyatlar ochib, XXI asrning global muammolariga yechim topganligi, shuningdek, tibbiyot, ta’lim, energetika, qishloq xo‘jaligi, shaharsozlik va boshqa barcha sohalarda sifatli xizmat ko‘rsatish imkoniyati oshgankigi o’rganilgan. Hozirda sun’iy intellektning sohalarga joriy etilishi uchun turli sabablar keltirilmoqda, maqolada ulardan uchta eng asosiysi keltirib o‘tilgan.. Shuningdek, maqolada ushbu institutni takomillashtirish bilan bog‘liq ayrim dolzarb muammolarga, mualliflik huquqini himoya qilishning xalqaro standartlariga va milliy qonunchilikning qiyosiy-huquqiy tahliliga, shuningdek, O‘zbekiston va boshqa mamlakatlar olimlarining fikrlariga e’tibor qaratilgan. Mualliflik huquqini rivojlantirish uchun ilmiy va amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan taklif va tavsiyalar ilgari surildi.

Умумий қоидаги кўра қайта ташкил этиш юридик шахс муассисларининг қарори билан, аниқроғи ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бироқ, тижоратчи ташкилотларга нисбатан қонун ҳужжатларида мажбурий тартибда қайта ташкил этиш ҳолларда ҳам кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда Фуқаролик кодекси) 49-моддаси 2-қисмида мажбурий тартибда қўшиб олиш қоидалар мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб юридик шахсларни қайта ташкил этиш орқали тугатишда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб кўпинча ихтиёрий усулда қайта ташкил этиш қўлланилади. Бироқ, давлат органлари истеъмолчилар манфаатларини назарда тутиб қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тижоратчи юридик шахсларни мажбурий тартибда қайта ташкил этишни амалга оширишлари мумкин.

Корпоратив ҳуқуқ субъектлари қайта ташкил этилганда ҳамма вақт топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси тузилади. Ҳар бир шахс учун қайта ташкил этишнинг ўзига хос тартиби ва ўзига хос қоидалари белгиланса, Фуқаролик кодекси топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига нисбатан умумий қоидаларни белгилайди. Бунда бўлиш ва ажратишда тақсимлаш баланси тузилса, қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартиришда топшириш ҳужжати тузилади.

С.С.Гулямовнинг фикрича, қўшиб юбориш шаклидаги қайта ташкил этишни амалга оширишда қуйидаги босқичлардан кетма-кет ўтиш лозим:

1. Қўшиб юборишда иштирок этувчилар билан қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани тузиш;
2. Қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида, қўшиб юбориш шартномасини ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарор қабул қилиниши лозим;
3. Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида янги вужудга келаётган жамият уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш;
4. Қўшиб юборишда бирлашиб кетган қимматли қоғозларни чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва қимматли қоғозларни чиқаришнинг натижалари ҳақидаги ҳисобот [8, Б.394-395].

Дарҳақиқат, қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома ҳам фуқаролик-ҳуқуқидаги шартномалардан бири ҳисобланади. Бу туркумдаги шартномаларнинг мавжудлиги ҳозирги кунда ҳам юридик адабиётларда кўплаб учрайди.

Бу ўринда юридик шахсларни қўшиб юбориш тартиби ҳар бир юридик шахс тури учун шу юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва муомала лаёқати, унинг умумий ва ўзига хос

белгилари, устав ва низомига мувофиқ турлича бўлади. Лекин, Фуқаролик кодекси қўшиб олишга нисбатан юридик шахслар учун битта умумий қоида қўшиб олинганда ҳуқуқий ворислик қоидасини белгилайди. Унга кўра, юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Қайта ташкил этиш билан юридик шахслар бекор бўлишининг кейинги усули бу – қўшиб олиш ҳисобланади. Қўшиб олиш тушунчасига Фуқаролик кодекси таъриф бермасада ҳуқуқий адабиётларда "қўшиб олиш" тушунчаси атрофлича таҳлил этилган ва кўпчилик олимлар қўшиб олишга нисбатан деярли бир хилдаги фикрни билдиришади. Айрим олимларнинг фикрича, қўшиб олиш қўшиб юборишнинг алоҳида ҳолати бўлиб, бунда битта юридик шахсга иккинчиси қўшилади. Бунда иккинчи юридик шахс бекор бўлса, биринчиси ўзининг мавжудлигини сақлаб қолган ҳолда фақатгина ўз фаолияти доирасини кенгайтиради ёхуд ўз фаолиятининг турини ўзгартиради. Бу ҳолат албатта ушбу юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати мазмунида белгилаган тартибда ифодаланди [9].

Баъзи олимларнинг фикрига кўра, қўшиб олиш – мавжуд корхонанинг таркибига бошқани бириктириш бўлиб, бунда бириктирилаётган корхонанинг мавжудлиги барҳам топади [10].

И.Б.Зокировнинг таъкидлашича, юридик шахснинг қўшилишида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уни қўшиб олаётган юридик шахсга ўтади ва қўшилган юридик шахс ўзининг мустақил равишда иш олиб боришини бекор қилади [11].

А.Шукруллаевнинг фикрича, бир ёки бир неча юридик шахсларни барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан бошқаси томонидан қўшиб олиниши қайта ташкил этиш шакли ҳисобланади [12, Б.48].

С.С.Гулямовнинг эътироф этишича, қўшиб олишда бир юридик шахс ўзининг мавжудлигини сақлаб қолган ҳолда, ўз фаолиятини бекор қилган бошқа юридик шахсни қўшиб олади ва бундай ҳолат тегишли органларда расмийлаштиришни талаб қилади [13, Б.13].

Юқорида баён этилган таърифларнинг барчаси битта умумий ҳолатдан, бир ёки бир неча юридик шахсларни ўз фаолиятларини тугатиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини битта юридик шахсга ўтказиш йўли билан бирлашишлари ҳолатидан келиб чиқиб, қўшиб олиш усулига таъриф беришади. Фуқаролик қонунчилигида "қўшиб олиш" усулини "бирлаштириш" атамаси билан номлаш ҳолатлари учрайди. Гарчи Фуқаролик кодексининг 49-50-моддаларида қайта ташкил этишнинг бу усули аниқ ва қатъий равишда "қўшиб олиш" - деб номланса, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 97-моддасида ва "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида" ги 2001 йил 6 декабр Қонуннинг 51-моддасида қайта ташкил этишнинг бу усули "бирлаштириш" - деб номланади.

Бу ўринда қайта ташкил этишнинг бу усули (юқоридаги икки қонунда номланганидек "бирлаштириш" эмас, Фуқаролик кодексининг 49-моддаси талаблари асосида "қўшиб олиш") га "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунда тўғри таъриф берилган. Шу муносабат билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 97-моддаси ва "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 51-моддаси номланишини ўзгартириш ва "жамиятни қўшиб олиш" - деб номлаш ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 97-моддаси мазмунини Фуқаролик кодексининг 49-моддаси талабларига мос равишда "Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуннинг 51-моддасидаги каби таҳрирда ифодалаш лозим.

Қўшиб олиш акциядорлик жамиятларида (АЖ), масъулияти чекланган жамиятларда (МЧЖ) ва қўшимча масъулиятли жамиятларда (ҚМЖ) ларда ўхшаш ҳолда кечади ва ўзига хос умумийлик касб этади. Бироқ, бу ўринда АЖлар қўшиб олинганда қимматли қоғоз ҳисобланган акцияларни бирлаштириш масаласини ҳал қилиб олишлари лозим бўлади. АЖларда бирлаштирилаётган жамият ва бирлаштириб олаётган жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият кузатув

кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади.

Мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йигилиши уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

МЧЖ ва ҚМЖларда эса, бирлаштириш шаклида қайта ташкил этишда иштирок этувчи ҳар бир жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши бундай қайта ташкил этиш тўғрисида, бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади. Бирлаштирилаётган жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши эса, топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилади.

Бирлаштиришда иштирок этувчи жамиятлар иштирокчиларининг қўшма умумий йиғилиши бирлаштирилаётган жамиятнинг таъсис ҳужжатларига жамиятнинг иштирокчилари таркиби ўзгариши, уларнинг улушлари миқдорларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартишлар, бирлаштириш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ўзгартишларни киритади. Шунингдек зарурат бўлганда бошқа масалалар қаторида бирлаштирилаётган жамиятнинг органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам ҳал этади. Бундай умумий йиғилишни ўтказиш муддатлари ва тартиби бирлаштириш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Фуқаролик кодексида белгиланган қайта ташкил этишнинг кейинги шакли “бўлиш” ҳисобланади. Бўлинганда юридик шахс тугатилиб, унинг ўрнига икки ёки ундан ортиқ юридик шахс ташкил топади [14]. Айрим мутахассислар бўлиш монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида тегишли давлат органи томонидан амалга оширилишини таъкидласа [15], Ж.Юлдашев, агар юридик шахс бирлашмаларини, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларни “қўшиб юбориш” “бирлаштириш” тўғрисида қарор қабул қилган шахслар ёки органлар монополияга қарши давлат органидан розилик бериш учун илтимоснома билан мурожаат қилишлари, бундан ташқари бирлашаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар биридан асосий фаолият турлари, уларнинг тегишли товар бозорида улуши ва бирлашмага киришига розилиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиши лозимлигини билдиради [16].

Корпоратив ҳуқуқ субъектларини бўлиш ҳам қайта ташкил этишнинг бошқа усуллари каби муасссислар ёки таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган юридик шахс органларининг қарорига мувофиқ ёхуд қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда давлат органлари ва суд томонидан амалга оширилиши мумкин.

Одатда нима учун “бўлиш” амалга оширилаётганлигининг сабаблари талаб қилинмайди. Бироқ бўлиш юридик шахс фаолиятни кенгайтириш ва йирик солиқлардан қочиш мақсадида, ҳамда иштирокчилар ва муассисларнинг юридик шахс мол-мулкини ўзаро тақсимлаб олишлари натижасида амалага оширилади.

Қайта ташкил этишнинг бўлиш шакли ҳақидаги қоидалар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонунларда кенгроқ ёритилган. Юридик шахслар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларида қайта ташкил этиш шаклларининг умумий тарзда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши назарда тутилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этишга оид фуқаролик қонунчилигида фақатгина умумий қоидалар белгиланган. Шу билан бирга юридик шахсларнинг алоҳида турларига оид бўлган қонунларда ҳам юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг умумий принциплари ифодаланган холос. Бу эса ўта мураккаб жараён бўлган қайта ташкил этишни амалга оширишда, бу жараённи тўлиқ ишлашида кўплаб қийинчиликлар ва турли хилдаги ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан қайта ташкил этиш жараёни учун хос бўлган барча ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солувчи қонун ҳужжатларини белгилаш ва “Қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш лозим.

Корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, мазкур соҳа қонунчилигининг тарқоқ ҳолда эканлигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш лозим.

Мазкур қонунда корпоратив ҳуқуқ субъектларини (юридик шахсларни) қайта ташкил этиш тушунчаси, қайта ташкил этиш усуллари, қайта ташкил этиш жараёни ва уни амалга ошириш

қоидалари, тақсимлаш баланси ва топшириш далолатномаси, кредиторлар ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатлари, кредиторлар манфаатларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ворислик, юридик шахсларни тугатиш асослари, тартиби, тугатиш тўғрисидаги қарор, тугатиш комиссияси ва унинг фаолияти, кредиторлар талабларини қондириш тартиби, оралиқ тугатиш баланси ва тугатиш баланси, юридик шахс тугатилганда кредитор талабларини қаноатлантириш каби масалалар ўз ифодасини топиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Дивер Е.П. Правовое регулирование реорганизации коммерческих организаций: дисс. … канд. юрид. наук. М., 2002. – 24 с. // URL: http://www.dslib.net/civil-pravo/pravovoe-regulirovanie-reorganizacii-kommerche skih-organizacij.html.

2. Шапкина Г.С. Новое в российском акционерном законодаьельстве (изменения и дополнения Федерального закона «Об акционерных обществах»)//Вестник ВАС РФ.-Мсоква. 2002. - №2 // URL: http://lawlibrary.ru/article1120755.html.

3. Соцкова А.В. Некоторые вопросы реорганизации акционерных обществ // Юридический мир. – Москва. 2006. -№1.

4. Ибратов Б., Саидғозиева Н. Тадбиркорлик кафолатлари // Истиқлол ва ҳисобот. – Тошкент, 1998. - №2.

5. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар.-Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997.-175 б.

6. Саид-Газиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш. -Тошкент: ТДЮИ, 2005.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли Қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги низом // URL: https://lex.uz/docs/1072916.

8. Рахманкулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоративное право. -Тошкент: ТГЮИ, 2004.

9. Тумаков А.В. Слияние, присоединение и поглощение кредитных организаций: гражданско-правовые аспекты: автореф. дисс. … канд. юрид. наук. – М.: 2009. – 15 с. // URL: http://www.dslib.net/civil-pravo/slijanie-prisoedinenie-i-poglowenie-kreditnyh-organizacij-grazhdansko-pravovye.html.

10. Митус И.А. Правовые последствия слияний и поглощений коммерческих организаций, осуществляемых путем реорганизации в форме слияния или присоединения // Вестник Московского университета МВД России 2010. – №5. – С. 36. // URL: https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-posledstviya-sliyaniy-i-pogloscheniy-kommercheskih-organizatsiy-osuschestvlyae myh- putem-reorganizatsii-v-forme-sliyaniya-ili/viewer.

11. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. -Тошкент: Адолат, 2009. - 58 б.

12. Шукруллаев А. Қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. //Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 1999. - №6.

13. Гулямов С.С. Некоторые проблемы процессов реорганизации акционерных обществ в Узбекистане // Обзоро законодательства Узбекистана. – Тошкент, 2004. -№4.

14. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. I жилд. – Тошкент: Vektor-Press, 2010. – 343 б. // URL: https://www.osce.org/files/f/ documents/8/7/74875.pdf.

15. Гутников О.В. Кодификация норм корпоративного законодательства об ответственности управляющих за убытки, причиненные юридическим лицам // Журнал российского права. 2014. №1. // URL: https://cyberleninka.ru/article/n/kodifikatsiya-norm-korporativnogo-zakonodatelstva-ob-otvetstvennosti-upravlyayuschih-za-ubytki-prichinennye-yuridicheskim-litsam/viewer.

16. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида.-Тошкент: ТДЮИ, 2004. -142 б.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович
Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи”
кафедраси профессори в.б., юридик фанлар номзоди
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

АКЦИЯДОРЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШЕВ Ж.И. Акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожлантириш истиқболлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 34-39.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-5

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада акциядорлик-ҳуқуқий муносабатлар ва уларни корпоратив ҳуқуқий муносабатлар тизимида тутган ўрни, моҳияти, хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари бўйича фикр-мулоҳазалар тадқиқ этилди. Унда акциядорлик, шунингдек корпоратив бошқарув қоидаларини шакллантиришда исломий қадриятларга асосланган муқобил услубларни қўллаш имкониятини яратиш таклиф этилди ва бунда акциядорлик бизнесини юритишда халоллик категориясини жорий этиш масаласи таҳлил қилинди. Шунингдек, акциядорлик ҳуқуқий муносабатлар доирасини белгилашда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва пировард мақсадда оқилона бошқарув концепциясини яратиш таклиф қилинди. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрловчи олий ўқув юртларида “акциядорлик ҳуқуқи” фанини жорий этиш ва шу соҳа бўйича тор мутахассисликка эга бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш масаласи кўриб чиқилди. Таҳлиллар давомида акциядорлик-ҳуқуқий муносабат предмети доирасини бизнес фаолиятини ривожлантириш ва корхона инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида акция ва бошқа қимматли қоғозларини реализация қилиш орқали аҳоли қўлидаги бўш капитални бир жойга йиғиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, акциядорларнинг чекланган жавобгарлиги, мураккаб корпоратив бошқарув элиментларини ўзида мужассам этган ҳолда йирик бизнесни амалга ошириш имконияти билан боғлаш зарурлиги таклиф қилинди.

Калит сўзлар: акциядорлик-ҳуқуқий муносабат, корпоратив бошқарув, акциядорлик ҳуқуқи, корпоратив бошқарув концепцияси, халоллик категорияси, акциядорлик ҳуқуқи.

ЮЛДАШЕВ Жахонгир Иномович
И.о. профессора кафедры Гражданского права
Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

ОСОБЕННОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ АКЦИОНЕРНО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье изучены взгляды акционерно-правовых отношений и их роль в системе корпоративных правоотношений, их сущность, особенности и перспективы развития. В

нем было предложено создать возможность использования альтернативных методов, основанных на исламских ценностях, при формировании долевого участия, а также правил корпоративного управления, а также проанализирован вопрос о введении категории халяль при ведении долевого участия. Также, было предложено внедрить современные информационные технологии в определение сферы правоотношений акционеров и создать рациональную концепцию управления по конечной цели. Рассмотрен вопрос о введении предмета «акционерное право» в высших учебных заведениях, готовящих юридические кадры, и создании системы подготовки юридических кадров с узкой специальностью в этой сфере. В ходе анализа область действия предмета акционерно-правовых отношений была сосредоточена на сборе свободных капиталов на руках у населения и их эффективном использовании путем продажи акций и иных ценных бумаг в целях развития предпринимательской деятельности и повышения инвестиционной привлекательности предприятия, включающая в себя элементы ограниченной ответственности акционеров и комплексное корпоративное управление, предлагается связать с возможностью ведения бизнеса.

Ключевые слова: акционерно-правовые отношения, корпоративное управление, акционерное право, концепция корпоративного управления, категория халяль, акционерное право.

YULDASHEV Jahongir
Professor of the Department of Civil Law of Tashkent State University of Law
E-mail: jahongir.civilist@mail.ru

FEATURES AND PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF JOINT-STOCK LEGAL RELATIONS

ANNOTATION

In this article, opinions on shareholding-legal relations and their role in the system of corporate legal relations, their essence, characteristics and prospects for development are studied. In it, it is proposed to create the possibility of using alternative methods based on Islamic values in the formation of shareholding, as well as corporate management rules, and the issue of introducing the category of halal in conducting shareholding business was analyzed. It is also proposed to introduce modern information technologies in determining the scope of legal relations of the shareholding and to create a rational management concept for the ultimate goal. The issue of introducing the subject of “shareholding law” in higher educational institutions training legal personnel and establishing a system of training legal personnel with a narrow specialty in this field was considered. During the analysis, the scope of the subject of shareholding-legal relations was focused on the collection of free capital in the hands of the population and their effective use by selling shares and other securities in order to develop business activities and increase the investment attractiveness of the enterprise, incorporating the elements of limited liability of shareholders and complex corporate management. It is suggested that it should be connected with the possibility of doing business.

Keywords: joint-stock legal relations, corporate governance, joint-stock law, concept of corporate governance, halal category, joint-stock law.

Мамлакатимизда иқтисодий соҳани янада хусусийлаштириш, мулкдорлар синфини кенгайтириш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётда акциядорлик жамиятларининг улушлари юқори эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида юртдошларимиз орасида юз минглаб мулкдорлар, акциядорлар пайдо бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар [1].

Миллий ҳуқуқшуносликда акциядорлик-ҳуқуқий муносабат ва корпоратив-ҳуқуқий муносабат тушунчалари бўйича турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Юқоридаги таклиф бу мунозараларга ечим бериши шубҳасиз.

Аслида ижтимоий муносабатларнинг турлари ва доираси чексиз. Замон ва макон, глабаллашув ва айниқса бугунги кунда рақамлаштириш ва интеграциялашувни жадаллашуви

натижасида янгидан-янги ҳуқуқий муносабатлар юзага келмоқда ва бу ўз-ўзидан ҳуқуқий тартибга солиш кўламини кенгайишига сабаб бўлмоқда. Ҳ.Раҳмонқуловнинг фикрича бирор бир турдаги муносабат ҳуқуқий муносабатлар характерига эга бўлишлари учун улар одамларнинг онги ва эрк-иродаси таъсиридан ўтган бўлиши керак [2, Б.60].

Зеро классик фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар туркуми ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида кенгайтирилди [3, Б.25, 4, Б.48-49]. Бугунги кунга келиб эса, виртуал маконда ҳуқуқий муносабатлар табора авж олмоқда ва бу ўз-ўзидан янгидан янги ҳуқуқий муносабатларни шаклланишига сабаб бўлади. Демак фикримизча хусусий-ҳуқуқий муносабат доираси "ёпиқ" эмас. У замон ва маконга мос равишда доимо янги муносабатларни ўз ичига қамраб олиши мумкин, бундан акциядорлик ҳуқуқи ҳам мустасно эмас.

Айнан корпоратив ҳуқуқий муносабат ва акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос ҳусусиятларини тушуниш учун уларнинг моҳиятини англаб олиш зарур. Адабиётларда корпоратив муносабатларнинг табиати тўғрисида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Кўплаб адабиётларда акциядорлик ҳуқуқи ва корпоратив ҳуқуқ масалаларига умумий тушунтириш берилган бўлса, бир қатор муаллифлар корпоратив муносабатларни ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли деб ҳисоблайдилар [5, Б.392; 6, Б.81;7, Б.58].

Айримлар эса корпоратив муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар доирасига киритиш баҳсли эканлигини таъкидлайдилар [8, Б.395-398]. Т.В.Кашанина акциядорлик жамиятида ҳосил бўладиган муносабатларни аралаш характерга эга деб ҳисоблайди [9, Б.419]. Бу каби илмий тортишувлар бошқа муаллифлар асарларида ҳам кенг ўрин эгаллаган [10, Б.187; 11, Б.29].

Корпоратив фаолият фуқаролик ва пировард натижада хусусий ҳуқуққа тегишлидир. Фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида корпоратив ҳуқуққа тартибга солишнинг хусусий-ҳуқуқий усуллари хос [12, Б.13]. Айнан корпоратив ҳуқуқ мустақил тармоқ бўлмай, у хусусий ҳуқуқ доирасида мавжудлиги бошқа адабиётларда ҳам учрайди [13, Б.53].

В.Топилдиев корпоратив муносабатларга кенг ва тор маънода тушунча беради. Тор маънода корпоратив ҳуқуқий муносабатлар - корпорация аъзоларининг умумий йиғилишида иштироки орқали бошқарувда иштирок этишлари, иштирокчиларнинг корпорация фаолиятини назорат қилишлари ва унинг фаолияти тўғрисида ахборот олишлари сабабли вужудга келади. Кенгроқ маънодаги корпоратив муносабатлар деганда, корпоратив фаолиятни амалга ошириш туфайли вужудга келадиган, яъни корпорация ичида пайдо бўладиган ҳамда корпорациянинг иштироки (фаолияти) билан боғлиқ бўлган ташқи муносабатлар тушунилади [6, Б.81].

Айрим муаллифлар фикрича корпоратив муносабатлар ўз асосида шахсларнинг умумий мақсадга эришишга қаратилган уюшма – бирлашма, ҳамкорлик, биргаликдаги фаолияти ҳисобланади ва бу муносабатлар нисбий тус касб этади, бироқ улар фуқаролик ҳуқуқининг анъанавий институтлари нормаларига мос келмаслиги мумкин [14, Б.80-99]. Е.М.Полухин корпоратив муносабатларни фақат муайян ташкилот иштирокчилари ўртасида вужудга келиши билан изоҳлайди [15, Б.158].

Айрим тадқиқотчилар акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида тури-акциядорлик ҳуқуқий муносабатларни корпоратив-ҳуқуқий муносабатнинг бир тури деб ҳисоблайдилар [16, Б.14; 17, Б.125]. И.Шабунова унинг тушунчасини корпорация атамаси билан узвий боғлиқликда кўради [18, Б.40-49].

Н.Козлова эса ҳар қандай юридик шахс ва унинг асосчиси ўртасидаги муносабатларни корпоратив деб ҳисоблайди [19, Б.253]. Баъзи тадқиқотларда корпоратив муносабатларнинг моҳиятини мулкий бўлмаган [20, Б.13], айримларида эса мулкий ва номулкий ҳуқуқларга боғлашади [7, Б.58].

Назаримизда бу каби илмий тортишувлар акциядорлик ҳуқуқи ва корпоратив ҳуқуқий муносабатларни ташкилий ҳуқуқий муносабат сифатида фуқаролик ҳуқуқи доирасида қамраб олиш билан боғлиқ. Лекин акциядорлик ҳуқуқи ўзининг айрим хусусиятлари, оммавий характердаги муносабатларни ҳам маълум даражада қамраб олган. Шу сабабли уни соф фуқаролик-ҳуқуқий муносабат доирасига киритиш баҳсли.

Акциядорлик-ҳуқуқий муносабат ўзида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барча элиментларини (мулкий, шахсий номулкий, мутлоқ ва нисбий, мажбурият ҳамда афзаллик (имтиёзли)) қамраб олади, лекин унда оммавий-ҳуқуқий муносабат унсурлари ҳам мавжуд, шу сабабли уни мураккаб ташкилий-ҳуқуқий муносабат сифатида эътироф этиш мақсадга

мувофиқ. Корпорация иштирокчиларининг эрк-иродаси асосан моддий неъматларни қўлга киритиш (товар-пул, даромад (дивидент ва бошқа мукофот пулларини олиш), фирманинг ўзидан бегоналаштирилмайдиган (шахсий номулкий) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг даҳлсизлигини сақлаш, ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш ва бошқаларнинг бу каби ҳаракатларидан муҳофазаланиш, энг асосийси маъмурий бўйсунишга асосланмаган иқтисодий ва ижтимоий алоқалар таъсирида бўлади.

Бу муносабат муайян доирадаги субъектлар (таъсисчилар, бошқарувчилар, қимматли қоғоз эгалари, корпорацияга алоқадор учинчи шахслар)нинг ўзаро ишончлари асосида юзага келади ҳамда уларнинг ўзаро ҳуқуқий алоқалари тенгликка асосланади.

Акциядорлик-ҳуқуқий муносабат ва корпоратив-ҳуқуқий муносабат бу бир тушунча эмас. Корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг бир тармоғи бўлгани сингари, акциядорлик ҳуқуқи ҳам корпоратив ҳуқуқнинг бир тармоғи ҳисобланади. Корпоратив ва акциядорлик-ҳуқуқий муносабатлар айро тушунча эканлиги субъектлари доираси, мулкий ҳуқуқлари қамрови, қонунчилиги, ташкилий-ҳуқуқий моҳиятининг хусусиятида намоён бўлади. Корпоратив-ҳуқуқий муносабат субъектлари асосан хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, ишлаб чиқариш кооперативлари, корпорация бирлашмаларидан иборат.

Акциядорлик-ҳуқуқий муносабат субъекти эса асосан акциядорлик жамиятлари фаолияти ва унинг моҳиятини ифодаловчи белгилар билан узвий боғлиқ. АЖнинг моҳияти бевосита унинг туб ўзига хослиги, ҳуқуқий табиати билан ифодаланади. Акциядорлик жамиятларининг моҳиятини очиб беришда турли қарашлар мавжуд. Жумладан, Ҳ.Рахмонқулов ва С.Гулямов акциядорлик ишининг моҳияти олинган даромадни қайта инвестиция қилиш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида инвесторлар (акциядорлар)нинг воситаларини жалб этишдан иборат деб ҳисоблайдилар [12, Б.103]. Т.В.Кашанинанинг фикрича, акциядорлик жамиятининг моҳиятини акциядорлик жамияти иштирокчи (акциядор)лари қўшган ҳиссалари қимматли қоғоз - акцияларда ифодаланиши, устав фондини акцияларга бўлинганлиги, иштирокчилар жавобгарлигининг чекланганлиги, йирик капиталга ихтисослашган бошқарувнинг мавжудлиги, фаолиятнинг назорат қилиниши ташкил этади [9, Б.185-187].

Е.Богатыхнинг назарида, унинг моҳиятини капитал бирлашмаси эканлиги, капитални аниқ ҳиссалар-акцияларга тақсимланиши, акцияларни ҳар қандай шахсларга эркин сотилиши, акциядорларни жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермаслиги, акция миқдорида жавобгарликнинг мавжудлиги, уставли савдо ширкати эканлиги ташкил этади [21, Б.76].

Дастлаб акциядорларнинг ўзаро ёки акциядор ва жамият ўртасидаги муносабат билан акциядорлик-ҳуқуқий муносабатни англашга бўлган уринишлар учраб турган [22, Б.201]. Лекин бу каби қарашлар ўзини оқламади. Чунки акциядорлик-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари доирасини фақатгина акциядор, акциядорлик жамиятининг ўзи ва корпоратив бошқарувчилар билан чеклаш хатодир.

Биргина акциядорлик-ҳуқуқий муносабатда акциядорлар ва уларнинг бирлашмалари, кузатув кенгаши, жамоавий ижро органи, менежер, ташқи бошқарувчи, директор, шунингдек АЖни бошқаришда бевосита иштирок этмасада, лекин корпоратив бошқарувга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи аудит, тафтиш, миноритар акциядорлари қўмитаси, аффилланган шахслар, корпоратив маслаҳатчи, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари манфаатлари тўқнашади. Улар ҳар бирининг ҳуқуқий мақоми, жамият билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари шунингдек, барчасининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда норматив ва ички ҳужжатлар қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчасини биргина “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун билан тартибга солиш имконсиз. Шу сабабли айрим компаниялар умумтамойиллар асосида ўз корпоратив бошқарув кодексларини, этика кодексларини (Масалан, Узагросервис АЖ Корпоратив бошқарув кодекси, “Farg‘onaazot” Корпоратив бошқарув кодекси, «Imkon Finans mikrokredit» АЖ Корпоратив этика кодекси, «Biokimyo» АЖ Корпоратив этика кодекси в.ҳ.к.) қабул қилишади. Мазкур корпоратив бошқарув кодекслари АЖлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, ҳалол ва ошкора бизнес юритиш мақсадида ишлаб чиқилади.

Фикримизча акциядорлик ҳуқуқий муносабат предмети доирасини белгилашда, бошқа корпоратив ҳуқуқ субъектларидан фарқли равишда бизнес фаолиятини ривожлантириш ва корхона инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида акция ва бошқа қимматли қоғозларини реализация қилиш орқали аҳоли қўлидаги бўш капитални бир жойга йиғиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, акциядорларнинг чекланган жавобгарлиги, мураккаб

корпоратив бошқарув элементларини ўзида мужассам этган ҳолда йирик бизнесни амалга ошириш имкониятига эгалиги кабилар очиб беради.

Бугунги кунда аҳоли орасида исломий қадриятларга бўлган муносабат ортиб бормоқда. Бу банк омонатлари ва кредитларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, оила муносабатлар, аксарият ҳолларда бизнесни исломий қоидалар асосида ташкил этишда яққол намоён бўлмоқда. Фикримизча ушбу омил ҳам акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек корпоратив бошқарув қоидаларини шакллантиришда эътиборга олиниши зарур. Яъни акциядорлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда исломий қадриятларга асосланган муқобил услубларни ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу аксарият фуқароларда акциядорлик жамиятларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш имконини беради. Зеро кўплаб банк ва суғурта ташкилотлари айнан акциядорлик кўринишида фаолият юритаётганлиги ҳам бу борадаги қарашларимизни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Айнан шу ҳолат мулкдорлар-бўлажак акциядорларнинг ички минталитети ва қонун талаби ўртасидаги зиддиятларга барҳам берилади. Бу акциядорлик бизнесини юритишда халоллик категориясини қўллаш билан боғлиқ. Бунга Фуқаролик кодексининг 6-моддаси ҳам имкон беради.

Бундан ташқари акциядорлик-ҳуқуқий муносабатлар доирасини белгилашда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, корпоратив муносабатга манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, манфаатлар тўқнашувида инсон омилини чеклаш, соҳани рақамлаштириш, сунъий интелектни жорий этиш, мулоқот ва ахборот олишнинг тез, самарали имкониятларидан фойдаланиш жуда муҳимдир. Бу инновацион корпоратив бошқарув элиментларини шакллантириш, корпоратив низоларни олдини олиш, инсон капитали ҳамда муваффақиятли бошқарув стандартларидан унумли фойдаланишга хизмат қилади ва охир оқибат оқилона бошқарув концепцияларини яратишга олиб келади.

Акциядорлик-ҳуқуқий муносабатлар мураккаб характерга эга бўлиб, у бир неча ҳуқуқий муносабат элиментларини қамраб олади. Зеро акциядорлик жамиятлари билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик, бизнес (хўжалик), корпоратив, молия, солиқ, меҳнат ҳуқуқи билан бир қаторда, бугунги кунда айрим юридик олий ўқув юртлари ўқув режаларига киритилган корпоратив бошқарув, банкротлик ҳуқуқи, суғурта ҳуқуқи, электрон тижорат ҳуқуқи, ҳалқаро инвестиция ҳуқуқи, қимматли қоғозлар ҳуқуқи, кибер ҳуқуқ, каби кўплаб фанлар предметлари доирасида ҳам ўрганилмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи маҳаллий олий ўқув юртларида акциядорлик-ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ масалалар турли ҳуқуқ соҳаларида тарқоқ ҳолда ўқитилиб келинган. Гарчи акциядорлик жамиятларининг республикамиз иқтисодиётидаги ўрни беқиёс, ҳуқуқий-тартибга солиш манбалари мураккаб, улар билан боғлиқ кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларни комплекс ўрганиш, танлов фан сифатида бўлса ҳам жорий этиш масаласига етарлича эътибор қаратилмаган. Акциядорлик жамиятлари мамлакат иқтисодиётидаги асосий усқуртмалардан бири эканлиги ҳамда объектив иқтисод талабидан келиб чиқишини инобатга олиб, айнан шу соҳа бўйича тор мутахассисликка эга бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш борасида амалий қадамларни қўйиш вақти келди.

Кўплаб давлатларда акциядорлик ҳуқуқи билан боғлиқ яҳлит адабиётлар чоп этилмоқда ва уларда акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларни комплекс ўрганишга бўлган уринишлар мавжуд [23], [24]. Зеро бугунги кунда айнан акциядорлик жамиятлари фаолияти билан боғлиқ республикамизда кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги, ҳуқуқшунослик соҳасида бу борада профессор С.Гулямов мактаби шаклланганлигини инобатга олиб, алоҳида “акциядорлик ҳуқуқи” фанини ўқув режасига киритиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча мамлакатимизда акциядорлик жамиятларини янада ривожлантириш ва бу борада мулкдорлар қатламини кенгайтириш мақсадида:

- акциядорлик-ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек корпоратив бошқарув қоидаларини шакллантиришда исломий қадриятларга асосланган муқобил услубларни ҳам қўллаш имкониятини яратиш лозим. Шунингдек, мулкдорлар-бўлажак акциядорларнинг ички минталитети ва қонун талаби уйғунлигини таъминлаш мақсадида акциядорлик бизнесини юритишда халоллик категориясини қўллашга эътибор бериш керак;

- Акциядорлик ҳуқуқий муносабатлар доирасини белгилашда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, корпоратив муносабатга манфаатлар тўқнашувини олдини оладиган, инсон омилини қисқартирувчи рақамлаштириш, мулоқот ва ахборот олишнинг тез, самарали имкониятларидан фойдаланган ҳолда оқилона бошқарув концепцияларини яратиш

мақсадга мувофиқ. Зеро бу барқарор, ҳалқаро корпоратив бошқарув стандартларидан унумли фойдаланиш, замонавий рақамли алгоритмларни шу жумладан сунъий интеллектни босқичма-босқич жорий этиш ва уни қўллашни рағбатлантириш имконини беради;

- акциядорлик-ҳуқуқий муносабат предмети доирасини бизнес фаолиятини ривожлантириш ва корхона инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида акция ва бошқа қимматли қоғозларини реализация қилиш орқали аҳоли қўлидаги бўш капитални бир жойга йиғиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, акциядорларнинг чекланган жавобгарлиги, мураккаб корпоратив бошқарув элиментларини ўзида мужассам этган ҳолда йирик бизнесни амалга ошириш имконияти билан боғлаш мақсадга мувофиқ;

- ҳуқуқшунос кадрларни тайёрловчи олий ўқув юртларида “акциядорлик ҳуқуқи” фанини жорий этиш ва айнан шу соҳа бўйича тор мутахассисликка эга бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 20.12.2022 // URL: https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oliy-mazhlis-va-ozbekiston-xalqiga-murozhaatnomasi_437285.
2. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқи муаммолари. 1-қисм. Дарслик.-Т.: ТДЮИ. 2010. -60 б.
3. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Т.: ТДЮИ. 2003.
4. Окюлов О. Современные концепции о предмете гражданского права и проблемы либерилизации системы права // Материалы международного симпозиума традиционное право Узбекистана и Японии проблемы совершенствования законодательства. -Т.: 2002.
5. Гулямов С. Правовые проблемы корпоративного управления: теория и практика. -Т.:ТГЮИ. 2004. -392 с.
6. Топилдиев В. Ташкилий муносабатни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ю.ф.д.дисс. -Т.: 2021.-81 б.
7. Пахомова Н. Основы теории корпоративных отношений: Правовой аспект. -Екатеринбург: Налоги и финансовое право, 2004.
8. Каминка А. Очерки торгового права. -М.: Центр ЮрИнфоР, 2002.
9. Кашанина Т.В. Корпоративное право (Право хозяйственных товариществ и обществ): Учебник для вузов. -М.: Издательская группа НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -419 с.
10. Предпринимательское право Российской Федерации. -М.: Юристъ, 2003. -187 с.
11. Гражданское право: Учебник: Т. 1. Отв. ред. Е.А. Суханов. -М.: Бек, 2003.
12. Раҳмонқулов Ҳ. Гулямов С. Корпоратив ҳуқуқ. -Т.: ТДЮИ. 2007.
13. Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқи. -Т.: ТДЮИ. 2009.
14. Тягай Е.Д. Корпоративные отношения как предмет гражданско-правового регулирования: оценка первых этапов реформы гражданского законодательства // Вестник Университета имени О.Е. Кутафина (МГЮА). 2015. – № 10. – С. 80 – 99. // URL: http://lawlibrary.ru/article2362037.html
15. Полухин Е.М. Корпоративные отношения как элемент правовой системы Российской Федерации // Вестник Университета. 2014. № 5.
16. Ломакин Д. Акционерное правоотношение. -М.: Спарк, 1997.
17. Белов В., Пестерева Е. Хозяйственные общества. -М.: Центр ЮрИнфоР, 2002. -125 с.
18. Шабунова И. Корпоративные отношения как предмет гражданского права // Журнал российского права. 2004. N 2. https://jrpnorma.ru/articles/article-1974.pdf?1675887063
19. Козлова Н.В. Понятие и сущность юридического лица: очерк истории и теории. -М.: Статут, 2003.
20. Степанов П. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: Автореф. Дис. К.ю.н. - М., 1999.
21. Богатых Е. Гражданское и торговое право. -М.: Контракт, 2000.
22. Кавелин К. Права и обязанности по имуществам и обязательствам // Избранные произведения по гражданскому праву. М.: Центр ЮрИнфоР, 2003. -201 с.
23. Фомичева, Н. В. Акционерное право: учебник и практикум для вузов / Н. В. Фомичева. — Москва: Издательство Юрайт, 2023. — 191 с.
24. Долинская В.В. Акционерное право. Учебник Отв. ред.: Кабалкин А.Ю. -М.: Юрид.лит. 1997. 352 с.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ЛОБАНОВА Галина Юрьевна
Преподаватель Университета мировой экономики и дипломатии
E-mail: galinalobanovayu@mail.ru

ПАРАЛЛЕЛЬНЫЙ ИМПОРТ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И НЕОБХОДИМОСТЬ ЕГО ВНЕДРЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЛОБАНОВА Г.Ю. Параллельный импорт в Республике Узбекистан и необходимость его внедрения в национальное законодательство // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) С. 40-44.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-6

АННОТАЦИЯ

В данной статье выявляются и исследуются основные проблемы, связанные с правоприменительной практикой Республики Узбекистан по вопросам параллельного импорта, обосновывается необходимость введения в национальное законодательство данного термина с его определением. Рассматриваются проблемы, которые возникают у инвесторов, которые хотят войти на наш рынок в различных сферах. Рассматриваются режимы исчерпания права интеллектуальной собственности, а также исключительное право пользования и распоряжения товарным знаком в национальном законодательстве. Описаны ситуации, которые напрямую негативно влияют на приток иностранных инвестиций и развитие экспортного потенциала страны. Проанализированы системные проблемы в области применения нормативно-правовых актов, которые регулируют вопросы параллельного импорта (исчерпание прав на объекты интеллектуальной собственности) непосредственно на практике, включая ситуацию в судебной сфере. Проанализированы такие понятия, как «параллельный импорт», «серый импорт», «контрафакт» и существующие различия между ними. В статье приведен пример того, почему применение на практике принципа международного исчерпания прав на товарные знаки, негативно сказывается на состоянии экономики и инвестиционном климате в нашей стране.

Ключевые слова: товарный знак, контрафакт, параллельный импорт, интеллектуальная собственность, серый импорт.

LOBANOVA Galina
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti o‘qituvchisi
E-mail: galinalobanovayu@mail.ru

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA PARALLEL IMPORT VA UNI MILLIY QONUNCHILIKGA KIRITISH ZARURATI

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola O‘zbekiston Respublikasining parallel import masalalari bo‘yicha huquqni qo‘llash amaliyoti bilan bog‘liq asosiy muammolarni aniqlaydi va o‘rganadi, ushbu atamani milliy qonunchilikka uning ta’rifi bilan kiritish zaruriyatini asoslaydi. Bozorimizga turli yo‘nalishlarda kirishni xohlovchi investorlar uchun yuzaga keladigan muammolar ko‘rib chiqiladi. Milliy qonunchilikda

intellektual mulk huquqlarining tugash rejimlari, shuningdek tovar belgisidan foydalanish va uni tasarruf etishning mutlaq huquqi ko‘rib chiqiladi. Xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi va mamlakat eksport salohiyatining rivojlanishiga bevosita salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi holatlar bayon etilgan. Parallel import (intellektual mulk huquqlarining tugashi) masalalarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri amaliyotda tartibga soluvchi normativ-huquqiy hujjatlarni qo‘llash sohasidagi tizimli muammolar, jumladan, sud-huquq sohasidagi vaziyat tahlil qilindi. “Paralel import”, “kulrang import”, “kontfakt” kabi tushunchalar va ular orasidagi mavjud farqlar tahlil qilinadi. Maqolada tovar belgilariga bo‘lgan huquqlarning xalqaro miqyosda tugatilishi tamoyilining amalda qo‘llanilishi nima uchun mamlakatimiz iqtisodiyoti va investitsiya muhitining holatiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi misolida keltirilgan.

Kalit so‘zlar: tovar belgisi, kontrafakt, parallel import, intellektual mulk, kulrang import.

LOBANOVA Galina
Lecturer at University of World Economy and Diplomacy
E-mail: galinalobanovayu@mail.ru

PARALLEL IMPORT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THE NEED TO INTRODUCE IT INTO NATIONAL LEGISLATION

ANNOTATION

This article identifies and explores the main problems associated with the law enforcement practice of the Republic of Uzbekistan on issues of parallel imports, substantiates the need to introduce this term into the national legislation with its definition. The problems that arise for investors who want to enter our market in various areas are considered. The regimes of exhaustion of intellectual property rights, as well as the exclusive right to use and dispose of a trademark in national legislation are considered. Situations that directly negatively affect the inflow of foreign investment and the development of the country’s export potential are described. Analyzed systemic problems in the field of application of legal acts that regulate the issues of parallel imports (exhaustion of intellectual property rights) directly in practice, including the situation in the judicial sphere. Such concepts as “parallel import”, “gray import”, “counterfeit” and the existing differences between them are analyzed. The article gives an example of why the practical application of the principle of international exhaustion of trademark rights has a negative impact on the state of the economy and the investment climate in our country.

Keywords: trademark, counterfeit, parallel import, intellectual property, gray import.

Актуальность темы исследования состоит в том, чтобы иностранные инвесторы могли осуществлять свою деятельность - открывать новые фирмы, предоставлять рабочие места нашим гражданам, оплачивать налоги и могли защитить свое право на товарный знак. Уверенно осуществлять свою деятельность и защищать свои права на интеллектуальную собственность.

В своем выступлении 12 октября 2020 г. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев уделил внимание вопросу, касающегося международной регистрации местных товарных знаков, и он отметил, что в нашей стране ежегодно регистрируется около 4,5 тыс. объектов интеллектуальной собственности, в том числе более 2 тыс. товарных знаков [1]. Таким образом, мы видим, какое внимание уделяется развитию сферы интеллектуальной собственности. И что необходимо предпринять меры, которые позволят иностранным компаниям вести свою деятельность на территории нашего государства.

Некоторые международные правила торговли разрешают параллельный импорт [2]. Например, в США, Турции, Канаде поставщики могут ввозить товар в страну без разрешения правообладателя. Каждая страна решает, необходимо ли разрешение от правообладателя для ввоза товара или нет, это означает – выбор режима исчерпания права интеллектуальной собственности. Существует три режима исчерпания права:

международный; региональный; национальный.

Международный режим не предусматривает разрешение для ввоза товара, то есть: правообладатель продал товар первому поставщику в любой стране и право продажи автоматически распространяется на будущие сделки в других странах.

Региональный режим предусматривает, что исчерпание права интеллектуальной собственности наступает после первой продажи товара в какой-либо из стран, входящих в то или иное региональное объединение. Региональный принцип исчерпания исключительного права на товарный знак закреплен в Регламенте № 2017/1001 Европейского парламента и Совета Европейского Союза «О товарном знаке Европейского Союза», в котором четко указано, что товарный знак не дает его владельцу права запрещать его использование на товарах, которые были выпущены на рынок ЕС под указанным товарным знаком самим владельцем или с его согласия [3].

Национальный режим предусматривает разрешение для ввоза товара, то есть: при пересечении границы страны спрашивают разрешение и неважно, сколько раз и кому продавали данный товар.

Из каждого принципа страны в процессе развития сделали исключения, направленные на защиту товарного знака, воплощающегося в деловой репутации правообладателя, а также защиту потребителей. В большинстве случаев параллельный импорт возникает в связи с различием ценовой политики на национальных рынках или отсутствием на рынке определенного товара [4].

На сегодняшний день законодательство Республики Узбекистан не содержит в себе понятия «параллельный импорт». Параллельный импорт представляет собой одно из явлений, которое привлекает внимание юристов и специалистов в области защиты прав интеллектуальной собственности. При прямом импорте потребители получают товар непосредственно оригинального происхождения от самого экспортера-владельца и с его согласия, такая сделка носит внешнеэкономический характер без участия посредников. Под параллельным импортом понимается ситуация, когда товар иностранного производства, законно маркированный товарным знаком, ввозится на территорию государства без разрешения правообладателя (не самим правообладателем и не его уполномоченными импортерами, лицензиатами, дистрибьюторами). Такие товары часто называют товарами «серого рынка» [5].

Таким образом, параллельный импорт – это ввоз оригинальной продукции от правообладателя на территорию другого государства без специального разрешения на это самого правообладателя, поскольку такое перемещение осуществляется не через прямых импортеров, а через другие каналы перевозки и сбыта.

По мнению Городова О.А., параллельный импорт в широком смысле представляет собой ввоз (импорт) в страну продукта, который до этого был правомерно произведен, введен в гражданский оборот и вывезен (экспортирован) из страны происхождения [6].

Чаще всего параллельный импорт осуществляется из страны, где цена у товара ниже, и ввозят в страну, где стоимость аналогичного товара выше. Товары, поставляемые таким способом, называют «серыми», но не «контрафактными», потому что у соответствующих лиц есть лицензии, на товары имеются сертификаты качества, они проходят таможенную очистку.

В национальном законодательстве содержится понятие «исчерпание прав на товарные знаки», которое тесно связано с вопросами «параллельного импорта».

Так, в соответствии со статьей 1103 Гражданского кодекса (далее - ГК) РУз [7], а также ст.26 Закона Республики Узбекистан «О товарных знаках и наименованиях мест происхождения товаров» [8] (далее - Закон), конкретизируется следующее - **владелец товарного знака имеет исключительное право** пользования и распоряжения товарным знаком, а также запрещать его использование другим лицам.

При этом согласно ч.4 ст.26 Закона и ст.1107-1 ГК не является нарушением исключительного права на товарный знак использование этого товарного знака другими лицами в отношении товаров, которые были правомерно введены в гражданский оборот **непосредственно владельцем товарного знака или с его согласия.**

Вместе с тем существуют системные проблемы в области применения нормативно-правовых актов, которые регулируют вопросы параллельного импорта (исчерпание прав на объекты интеллектуальной собственности) непосредственно на практике, включая ситуацию в судебной сфере.

Исходя из утвержденных норм, в Республике Узбекистан принято считать, что действует национальный принцип исчерпания прав. К такому выводу можно прийти, проанализировав действующие нормы законодательства.

Так, в соответствии со ст.1102 ГК РУз лицу, на имя которого зарегистрирован товарный знак, **принадлежит исключительное право использования** товарного знака любым не противоречащим закону способом.

В силу ст.1103 ГК и ст.26 Закона владелец товарного знака имеет исключительное право пользоваться и распоряжаться товарным знаком, а также запрещать его использование другими лицами. Нарушением исключительного права на товарный знак признается несанкционированное изготовление, применение, ввоз, предложение к продаже, продажа, иное введение в гражданский оборот или хранение с этой целью товарного знака или товара, обозначенного этим знаком, либо обозначения, сходного с ним до степени смешения, в отношении однородных товаров Термин **«несанкционированное»** означает без согласия самого владельца товарного знака.

В соответствии со ст.1107 ГК и ст.26 Закона не является нарушением исключительного права на товарный знак использование этого товарного знака другими лицами в отношении товаров, которые были правомерно введены в гражданский оборот непосредственно владельцем товарного знака или с его согласия.

Анализ вышеприведенных норм действующего законодательства Республики Узбекистан, позволяет сделать однозначный вывод, что вопросы исчерпания прав на товарные знаки в Узбекистане регулируются по национальному принципу. То есть товар должен быть введен в оборот непосредственно в Узбекистане самим владельцем товарного знака или любыми третьими лицами, но с его согласия.

Однако практика показывает, что уполномоченные органы, а также судебная система неоднозначно трактуют нормы, связанные с исчерпанием прав на товарные знаки, применяя в том числе принцип международного исчерпания прав на товарные знаки.

Приведем пример того, почему применение на практике принципа международного исчерпания прав на товарные знаки, негативно сказывается на состоянии экономики и инвестиционном климате в нашей стране.

Крупная фармацевтическая производственная компания, расположенная в Европе, имеющая производственные площади в различных странах мира, намерена вложить в производство высококачественных лекарственных средств на территории Республики Узбекистан 10 000 000 долларов США, направленных на приобретение высокотехнологичного оборудования, производственных и складских помещений, иного необходимого имущества, трудоустройства высококвалифицированных специалистов. Компания намерена создать более пятисот рабочих мест.

Компания является правообладателем товарных знаков «Альфа», «Бета», «Гамма» в отношении фармацевтических препаратов, которые широко известны во всем мире и успешно применяются в медицинской практике для лечения различных заболеваний.

В связи с налаживанием производства в Узбекистане, население республики получает возможность приобрести высококачественные, соответствующие необходимым требованиям и мировым стандартам лекарственные средства под товарными знаками «Альфа», «Бета», «Гамма» по ценам, значительно более низким, чем цены указанных лекарственных средств, которые Компания могла экспортировать в Узбекистан, не имея производственной базы и без вложения инвестиций.

Как упоминалось выше, Компания имеет производственные площади по выпуску вышеуказанных лекарственных средств в различных странах мира, где применяется определенная ценовая политика, формирующая стоимость готового лекарственного средства, которая может быть крайне привлекательной для экспорта, ввиду предоставления различных преференций в стране производства.

Соответственно, применяя в Республике Узбекистан международный принцип исчерпания прав, Компания испытывает следующие сложности:

1. Третьи лица приобретают вышеуказанную продукцию в стране экспорта по ценам, значительно отличающимся в сторону уменьшения от цен на такую же продукцию, производимую в Республике Узбекистан. Соответственно, осуществив импорт такой продукции в Республику Узбекистан, Компания сталкивается с демпингом и ограничением возможностей в реализации продукции собственного производства, ввиду отсутствия конкурентоспособности в ценовой политике со своей же продукцией, импортируемой из других стран, потому что на уровне судебной системы разрешен параллельный импорт.

2. У крупных мировых производителей лекарственных средств существует своя политика и

требования к транспортировке и хранению препаратов. Осуществляя несанкционированный импорт таких лекарств в Республику Узбекистан, то есть без согласия правообладателя, отсутствуют гарантии корректного хранения и транспортировки продукции, что может сказаться на качестве и негативно повлиять на деловую репутацию производителя.

3. Развитие производственного потенциала в Узбекистане в краткосрочной перспективе положительно отразится на экономическом росте, благотворно повлияет на процессы импортозамещения и развитие экспортного потенциала с привлечением в республику иностранной валюты. При этом, для осуществления таких процессов необходимо совершенствовать действующее законодательство, устранив в нем неясности и противоречия, являющиеся серьезным препятствием для вхождения на рынок со стороны крупных иностранных инвесторов.

Вышеуказанная ситуация напрямую негативно влияет на приток иностранных инвестиций и развитие экспортного потенциала страны.

Исходя из вышеизложенного, считаю, что нам необходимо внести соответствующие изменения в наше национальное законодательство, включив в него понятие «параллельный импорт». Введение в законодательство понятия «параллельный импорт» улучшит положение будущих инвесторов, у которых появляются описанные выше сложные ситуации.

Узбекистан является полноправным участником международных отношений и членом Всемирной организации интеллектуальной собственности (ВОИС), в связи с чем, нам необходимо обеспечить соблюдение прав на интеллектуальную собственность на уровне, отвечающем мировым стандартам.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Обсуждены вопросы охраны объектов интеллектуальной собственности // URL: https://president.uz/ru/lists/view/3887

2. Генеральное соглашение по тарифам и торговле Статья XI от 30.10.1947 // URL: https://nrm.uz/contentf?doc=68039_generalnoe_soglashenie_po_tarifam_i_torgovle_(gatt_1947_goda)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

3. Regulation (EU) 2017/1001 of the European Parliament and of the Council of 14 June 2017 on the European Union trade mark (codification) // URL: http://eurlex.europa.eu/legal-content/.

4. Mattias Ganslandt & Keith E. Maskus, Intellectual Property Rights, Parallel Imports, and Strategic Behavior, in Intellectual Property, Growth, and Trade. - Keith E. Maskus ed., 2008. - P.267–269. // URL: https://www.colorado.edu/faculty/kmaskus/sites/default/files/attached-files/chapter_6.pdf.

5. Хусаинов Р.И. Оттенки серого: тенденции в спорах о параллельном импорте / Р. И. Хусаинов // Ж. Хозяйство и право. – 2019. – № 2. – С.103-109.

6. Городов О.А. Принцип исчерпания исключительного права на объекты промышленной собственности и антиконкурентная практика. - Конкурентное право. - М., 2013. - № 2. - С. 7-12.

7. Гражданский Кодекс РУз // URL: https://lex.uz/docs/111181.

8. Закон Республики Узбекистан «О товарных знаках и наименованиях мест происхождения товаров» от 30.08.2001г. № 267-II // URL: https://lex.uz/docs/6936.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

БАҲРАМОВА Моҳинур Бахрамовна
Тошкент давлат юридик университети Интеллектуал мулк ҳуқуқи кафедраси доцент в.б., юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
ORCID: 0000-0001-8686-6005
Email: c0000000613@ud.ac.ae

ОНЛАЙН АРБИТРАЖДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСТИҚБОЛИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БАҲРАМОВА М.Б. Онлайн арбитражда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ва автоматлаштирилган қарорлар қабул қилиш масаласининг Ўзбекистондаги истиқболи ва имкониятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 45-50.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-7

АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда халқаро арбитраж соҳасида арбитрларни тайинлаш, ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш, томонларнинг ёзма аризаларини ишлаб чиқиш ва таҳрирлаш, ҳужжатларни таржима қилиш, ишларни ва ҳужжатларни юритишни ташкил этиш, харажатларни баҳолаш, тарафларнинг тингловларни ташкил этиш, шунингдек, ҳакамлик судлари қарорларининг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш каби кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланилиши маълум бўлди. Сунъий интеллект технологиялари иштирок этадиган ушбу процессуал жараёнларнинг барчаси вақт ва моддий ресурсларни, шубҳасиз, камайтириши аниқланди. Шу билан бирга ҳозирги кунда анчайин долзарб ва муҳокамали бўлган яна бир назария илгари сурилмоқда. Тадқиқот давомида сунъий интеллект орқали арбитраж қарорларини қабул қилиш масаласи муҳимлиги аниқланди. Ушбу тадқиқот ишида бир қатор хорижий муаллифларнинг халқаро арбитраж амалиётида сунъий интеллектдан фойдаланиш муаммолари ва истиқболлари бўйича позициялари кўриб чиқилган. Ишда келтирилган қарашлар учун умумий жиҳат шуки, томонлар ўз позицияларини ишлаб чиқишда тадқиқот ишларининг бир қисми сифатида маълумотларни қайта ишлаш учун сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, қарор қабул қилишда эса ёрдам сифатида ҳакамларга таянишни илгари аниқлаганлар.

Калит сўзлар: онлайн арбитраж, ОДР (низоларни онлайн ҳал этиш), УНСИТРАЛ, Нью Йорк Конвенцияси, анъанавий арбитраж, Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Тошкент халқаро арбитраж маркази (TIAC), сунъий интеллект (Artificial Intellegence), хорижий инвесторлар.

БАХРАМОВА Мохинур Бахрамовна
И.о. доцент кафедры право интеллектуальной собственности Ташкентского государственного юридического университета, доктор философии по юридических наук (PhD)
ORCID: 0000-0001-8686-6005
E-mail: s0000000613@ud.ac.ae

ПЕРСПЕКТИВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИЙ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И АВТОМАТИЗИРОВАННОГО ПРИНЯТИЯ РЕШЕНИЙ В ОНЛАЙН-АРБИТРАЖЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В последние годы, назначение арбитров в международный арбитраж, проведение правовых исследований, разработка и редактирование письменных заявлений сторон, перевод документов, делопроизводство, оценка расходов, организация слушаний сторон, а также разработка типовых форм арбитражных решений стало известно, что технологии искусственного интеллекта широко используются при реализации масштабных задач. Установлено, что все эти процессуальные процессы, в которых задействованы технологии искусственного интеллекта, несомненно, сокращают временные и материальные ресурсы. В то же время выдвигается другая теория, весьма актуальная и дискуссионная на сегодняшний день. В ходе исследования был признан важным вопрос принятия арбитражных решений с помощью искусственного интеллекта. В данной научной работе рассматриваются позиции ряда зарубежных авторов по проблемам и перспективам использования искусственного интеллекта в международной арбитражной практике. Общим для взглядов, представленных в статье, является то, что стороны ранее идентифицировали использование технологий искусственного интеллекта для обработки данных в рамках своих исследований при выработке своих позиций, а также полагались на арбитров как на помощь в принятии решений.

Ключевые слова: онлайн-арбитраж, ODR (онлайн-разрешение споров), ЮНСИТРАЛ, Нью-Йоркская конвенция, традиционный арбитраж, Ташкентский международный арбитражный центр (TIAC) при Торгово-промышленной палате, искусственный интеллект (Artificial Intelligence), иностранные инвесторы.

BAKHRAMOVA Mokhinur
An acting associate professor at Intelectual Property Law department
of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law
ORCID: 0000-0001-8686-6005
E-mail: s0000000613@ud.ac.ae

PROSPECTS AND POSSIBILITIES OF THE USE OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES AND AUTOMATED DECISION-MAKING IN ONLINE ARBITRATION IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

In recent years, in the field of international arbitration, such as appointing arbitrators, conducting legal research, developing and editing written applications of the parties, translating documents, organizing cases and document management, estimating costs, organizing hearings of the parties, as well as developing model forms of arbitration decisions. Impact evaluated that artificial intelligence technologies are widely used in the implementation of large-scale tasks. It was found that all these procedural processes, in which artificial intelligence technologies are involved, undoubtedly reduce time and material resources. At the same time, another theory is being put forward, which is very relevant and debatable today. During the research, the issue of making arbitration decisions through artificial intelligence was found to be important. This research paper examines the positions of a number of foreign authors on the problems and prospects of using artificial intelligence in international arbitration practice. Common to the views installed in the case is that the parties have previously identified the use of artificial intelligence technologies for data processing as part of their research in developing their positions, as well as relying on arbitrators as a decision aid.

Keywords: online arbitration, ODR (online dispute resolution), UNCITRAL, New York Convention, traditional arbitration, Tashkent International Arbitration Center (TIAC) at the Chamber of Commerce and Industry, artificial intelligence, foreign investors.

Ҳозирги кунда арбитраж халқаро тижорат соҳасидаги низоларни ҳал этишнинг муқобил усули сифатида маълум ва машҳур бўлиб бормоқда. Бунда тарафлар доимий арбитраж муассасаси ёки муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этиладиган арбитраж суди томонидан амалга ошириладиган процесс асосида ўзига тегишли бўлган низоларни ҳал этишда иштирок этадилар. Мамлакатимизда бошқа барча тармоқлар каби халқаро тижорат арбитражи соҳаси ҳам кечроқ бўлса-да ўзининг ривожланиш босқичини ўтказмоқда. Бунга соҳадаги бир қатор амалий натижаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Асосий мақсади халқаро тижорат арбитражларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган ва ушбу соҳанинг асосий ҳуқуқий негизига айланган Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши соҳани ривожлантиришдаги ишларнинг дадил бошланиши бўлди. Қонуннинг аҳамиятини шу билан изоҳлаш мумкинки, унда қонуннинг қўлланилиш соҳаси, унинг умумий принциплари ва соҳага оид барча асосий тушунчаларга таъриф бериб ўтилган. Қонун қабул қилинишидан олдин соҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида” ги Қонуни билан тартибга солиб келинган. Лекин бу қонун анчайин эскирганлигини ва бир пайтнинг ўзида ички ҳакамлик судлари ва халқаро тижорат арбитражи соҳасидаги муносабатларни тартибга солишига тўғри келаётганлигини ҳисобга олсак, халқаро тижорат арбитражи соҳаси учун алоҳида “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида” ги Қонуни 2021-йилда қабул қилинди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (TIAC) ташкил этиш тўғрисида” ги қарори асосида Тошкент шаҳрида Тошкент халқаро арбитраж марказини (TIAC) ташкил этилди [1]. Ушбу марказнинг бирламчи мақсадларидан бири низоларни арбитраж орқали ҳал этишнинг замонавий ва халқаро стандартларга асосланган механизмларини шакллантиришдан иборатдир. Бундан ташқари, Тошкент халқаро арбитраж маркази ўз олдига хорижий давлатларнинг етакчи арбитражлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиб, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиш мақсадини ҳам қўйган. Ўзининг фаолияти давомида мавжуд низоларни ҳал этиш учун хорижий арбитрларни жалб қилиб, халқаро арбитраж, жумладан, инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлайди.

Ҳозирда сунъий интеллект ва рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида намоён бўлмоқда [2]. Жумладан, арбитраж тизимини ривожлантиришда ва одил судлов самарадорлиги ҳамда сифатини оширишда ҳам илғор технологиялар ва ечимлардан фойдаланиш тобора оммалашиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳам ишлаб чиқиш жараёнида. Унинг дастлабки намуналарини амалда кўриш ҳам мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 17-февралдаги ПҚ-4996-сонли “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори [3] билан “2021-2022-йилларда сунъий интеллект технологияларини ўрганиш ва жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури” тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур билан мамлакатда сунъий интеллектни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб қўйилди.

Арбитраж муҳокамасида сунъий интеллект (Artificial Intellegence) технологияларидан фойдаланиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади [4]. Сўнги йилларда халқаро арбитраж соҳасида арбитрларни тайинлаш, ҳуқуқий тадқиқотлар олиб бориш, томонларнинг ёзма аризаларини ишлаб чиқиш ва таҳрирлаш, ҳужжатларни таржима қилиш, ишларни ва ҳужжатларни юритишни ташкил этиш, харажатларни баҳолаш, тарафларнинг тингловларни ташкил этиш, шунингдек, ҳакамлик судлари қарорларининг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш каби кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда сунъий интеллект технологияларидан кенг кўламда фойдаланилмоқда [5]. Сунъий интеллект технологиялари иштирок этадиган ушбу процессуал жараёнларнинг барчаси вақт ва моддий ресурсларни сезиларли равишда камайтиради [6]. Бундан ташқари, ҳозирда анчайин долзарб ва муҳокамали бўлган яна бир назария илгари сурилмоқда. Бу – сунъий интеллект технологиялари орқали арбитраж қарорларини қабул қилиш масаласидир. Гап олий қадрият ҳисобланган инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳақида кетар экан, ушбу масала нақадар долзарб эканлиги ойдинлашади.

“2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониги мувофиқ, юртимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, бизнес юритиш шароитларини яхшилаш ва инвестициявий жозибадорликни оширишга доир муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги фуқаролар, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар учун вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ўзларига қулай усулда ҳал этиш имкониятини яратади. Халқаро тижорат арбитражи ана шундай воситалардан бири ҳисобланади. “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида” ги Қонун соҳани ривожлантиришдаги энг асосий ҳуқуқий негиз ҳисобланади.

Ақлли машиналар инсонлар билан солиштирганда янада оқилона, изчил ва холис қарорлар қабул қилишга кафолат беради [7]. COVID-19 пандемияси арбитражлар самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ақлли технологиялардан фойдаланиш тенденциясини тезлаштиради. Мисол учун, агар жисмоний тингловларни амалга ошириш имкони бўлмаса, томонлар ва судлар онлайн учрашув, иш столини алмашиш ва реал вақт режимида Интернет орқали учрашиш имконини берувчи видео конференция дастурларини қўллаш талаб қилинади [8]. Амалий эҳтиёжлар ва чекловлар одамлар томонидан анъанавий “арбитраж” усулига технология ёрдамида тез мослашишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда сунъий интеллект технологиялари асосида онлайн арбитражда низоларни ҳал этиш тизимини татбиқ этиш кенг кўламли ишларни амалга оширишни тақозо қилади [9]. Биринчи навбатда Ўзбекистонда сунъий интеллектни ривожлантириш соҳасида қонунчилик ҳам шаклланиши керак, сунъий интеллектдан фойдаланиш тамойиллари, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш учун янги қоидалар зарур. AI (Artificial Intelligence-сунъий интеллект) ривожланишида жаҳон етакчилари билан солиштирганда сезиларли ортда қолишга бардош бериш учун Ўзбекистон бунга иккита мақсадни белгилаш орқали жавоб бериши керак: бир томондан, инвестициялар учун қулай муҳит яратиш; бошқа томондан, юқори сифатли AI (Artificial Intelligence-сунъий интеллект) брендларини яратишга ҳаракат қилиш. Бундан ташқари, ушбу соҳада ўзига хос ахлоқий меъёрлар ва арбитражни ташкил қилиш, қоидалар ва тавсияларни рақамли муҳитда тарқатиш керак.

Ўзбекистонда низоларни онлайн ҳал қилиш тизимини жорий этиш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирларни самарали амалга ошириш механизмини яратиш мақсадида қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқ бўлади [10].

Биринчидан, Тошкент халқаро арбитраж маркази етакчи хорижий арбитражлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, халқаро арбитраж орқали низоларни ҳал этиш соҳасида тажриба алмашади ва инвестициялар билан боғлиқ низоларни суддан ташқари ҳал этиш соҳасида мутахассислар тайёрлашда асосий муассаса ҳисобланади. Шундай бўлса-да мамлакат миқёси жиҳатидан оладиган бўлсак, биттагина арбитраж марказининг ўзи мавжуд тижорат низоларини ҳал қилишга камлик қилади. Бундан ташқари, кундан кунга тижорат соҳасидаги низолар сони ва салмоғи ҳам ошиб бормоқда. Бу эса арбитраж марказларини кўпайтириш ва мавжудларини кенгайтириш масаласини кўндаланг қўяди [11].

Иккинчидан, арбитраж низоларни онлайн ҳал қилиш юқори технологик инфратузилмани талаб қилади. Бунинг учун арбитраж муасссаларини мавжуд техникалар билан таъминлаш керак бўлади. Шунингдек, ОДР (низоларни онлайн ҳал этиш) хизматларидан фойдаланишда жамоатчиликнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш саводхонлиги юқори даражада бўлиши керак. Буни ошириш учун жамоатчиликни интернетдаги ахборотдан фойдаланишга рағбатлантириш, интернетда онлайн арбитраж, сунъий интеллект билан боғлиқ контентларни шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади [12].

Ўзбекистонда арбитраж, жумладан онлайн арбитраж соҳасининг ривожидаги асосий тўсиқларга халқаро арбитражлар ва арбитрлар фаолиятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий базанинг қониқарли эмаслиги (шу сабабли маҳаллий ва хорижий инвесторлар низони ҳал қилиш учун асосан чет давлат арбитраж муассасаларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда), амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро арбитраж тўғрисида”ги Қонунида низоларни онлайн ҳал қилиш масаласи тартибга солинмаганлиги томонларнинг низони ҳал қилишга бўлган эркинлигини чеклаётганлигини, Ўзбекистонда халқаро арбитраж қарорларини ижро этишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари шакллантирилмаганлиги, маҳаллий арбитрлар ва халқаро арбитраж соҳасидаги бошқа мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти йўлга қўйилмаганлиги кабиларни таъкидлаб ўтиш керак.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда сунъий интеллект технологияларининг арбитраж жараёнида арбитр ва адвокатлар ишини енгиллаштириш борасидаги функциялари арбитраж жараёнининг ажралмас қисмига айланди. Уларсиз арбитраж жараёнини тасаввур қилиб бўлмай қолди. Ҳозирда кун тартибида бўлган масала эса ушбу технологияларни арбитр ўрнида қўллаш масаласи ҳисобланади [13]. Лекин келажакда инсон арбитрлар ўз ўринларини AI (Artificial Intelligence-сунъий интеллект) технологияларига тўлақонли бўшатиб беришлари учун кўндаланг турган бир қанча вазифаларни ҳал қилиши керак бўлади [14]. Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

Биринчидан, сунъий интеллектга асосланган технологиялар асосида онлайн арбитражда кўриш мумкин бўлган низолар турини аниқлаб олиш керак бўлади. Бундай тизимларда, профессор С.Гулямов таъкидлаганидек, оддий пул даъволари ёки солиқ низоларини кўриб чиқиш нисбатан осонроқ бўлади [15]. Аксинча, ҳолатлар яширин жиҳатларни ўз ичига олган мураккабликларга эга низолар суд жараёнидаги ноаниқликка, қонуний ёки фактик маълумотларни аниқ ҳисоблашга нотўғри ёндашувга олиб келади.

Иккинчидан, онлайн арбитраж соҳасида қўлланиладиган сунъий интеллект технологияларининг ахлоқий жиҳатларини тартибга солиш керак бўлади. Технологиялар ишни техник жиҳатдан енгиллаштиргани билан уларда низо бўйича қарор қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган инсоний атрибутлар етишмаслиги мумкин. Ушбу технологияларнинг соҳада қўлланилишига (жумладан, мустақил арбитр сифатида) асосий тўсиқлардан бири ҳам шу омил ҳисобланади.

Учинчидан, онлайн арбитражда сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали қарорлар қабул қилишда шаффофлик масаласини ижобий томонга ҳал этиш зарур бўлади. Томонлар ўзлари тушунмайдиган тизимга низони ҳал этишни ишониб топширишлари учун тизим етарлича шаффоф ва жараён жамоатчиликка тушунарли бўлиши керак. Акс ҳолда, AI (Artificial Intelligence-сунъий интеллект) - арбитрнинг мустақил қарорлар қабул қилиши ва унинг ижро этилиши масаласи назариялигича қолаверади. Шунингдек, тизимда етарлича шаффофликка эришиш орқали сунъий интеллект чиқарадиган қарорнинг қонунийлиги ва адолатлилиги шубха остида қолмайди.

Тўртинчидан, онлайн арбитражда сунъий интеллектдан арбитр сифатида фойдаланишга халқаро қонунчиликда, УНСИТРАЛ намунавий қонунида ҳам чекловлар мавжуд бўлмаса ҳам, айрим давлатларнинг миллий қонунчилигида бу масалада аниқ ўрнатилган чекловлар мавжуд. Яъни, уларда қарор қабул қиливчи арбитрнинг инсон бўлиши талаби аниқ белгилаб қўйилган. Бу эса сунъий интеллектнинг мустақил равишда қарорлар қабул қилиши истиқболини кечиктирмай қолмайди. Шу сабабдан ҳам халқаро тижорат арбитражи соҳасига либерал нормалар киритиш орқали бу масаланинг халқаро ҳуқуқий асосини яратиш тўғри бўлар эди, назаримизда.

Бешинчидан, тарафлар арбитраж муҳокамаси жойи учун исталган манзилни танлашлари мумкин, бироқ онлайн арбитраж жараёнининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, тарафлар арбитраж муҳокамаси жойини танлаши ёки кўрсатиши шарт эмас.

Агар тарафлар арбитраж учун жой танламасликка қарор қилсалар, улар ҳар қандай ҳолатда ҳам қуйидаги маълумотларни кўрсатишлари керак:

I) арбитрлар низони ҳал қиладиган моддий ҳуқуқ. Томонлар низони ex ayequo et bono сифатида ҳал қилиш учун арбитрларга рухсат беришлари мумкин;

II) арбитраж жараёнидан келиб чиқадиган ҳар қандай низоларни ҳал қилиш учун ваколатли юрисдикция;

III) қарорни ижро этиш бўйича ваколатли юрисдикция.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, онлайн ва рақамли арбитраж қоидаларини миллий қонунчиликда акс эттириш, шунингдек, УНСИТРАЛ намунавий қонунига ҳамда Нью-Йорк Конвенциясига ҳам тегишли ўзгартириш киритилиши зарурати асослаб берилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасида халқаро рақамли ва онлайн арбитраж фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширади, миллий даражада ҳуқуқ устуворлиги ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усулларига мурожаат қилишнинг таъминланганлигига, шунингдек, мамлакат инвестициявий иқлими жозибадорлиги ошишига хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида Тошкент халқаро арбитраж марказини (TIAC) ташкил этиш тўғрисида 05.11.2018 йилдаги ПҚ-4001-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // URL: https://lex.uz/ru/docs/4039515.
2. Рустамбеков И.Р. Международный коммерческий арбитраж. Учебное пособие. – Ташкент, 2018. 110-стр. // URL: https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=wbetCrwAAAAJ&citation_for_view=wbetCrwAAAAJ:u9iWguZQMMsC.
3. Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида 17.02.2021 йилдаги ПҚ-4996-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори // URL: https://lex.uz/docs/5297046.
4. Islombek Rustambekov. Xalqaro tijorat arbitrajini rivojlantirish — davr talabi // URL: https://yuz.uz/uz/news/xalqaro-tijorat-arbitrajini-rivojlantirish--davr-talabi.
5. Convention on the Recognition and Enforcement of Foreign Arbitral Awards (New York, 1958). United Nations: New York, 2015 // URL: https://www.uncitral org/pdf/english/texts/arbitration/NY-conv/New-YorkConvention-E.pdf.
6. UNCITRAL Model Law on International Commercial Arbitration // URL: https://uncitral.un.org/en/texts/arbitration/modellaw/commercial_arbitration.
7. UNCITRAL Technical Notes on Online Dispute Resolution // URL: https://uncitral.un.org/sites/uncitral.un.org/files/media-documents/uncitral/en/v1700382_english_technical_notes_on_odr.pdf.
8. Julian Kritzinger. 2017. D.E.L.F. (Stel.) BA (Stel.) LLB (UNISA) LLM (Stel.) LLM (Stel.) Commercial arbitration in Cyberspace: the legal and technical requirements towards a more effective lex electronica arbitralis. Pages 262. // URL: https://open.uct.ac.za/bitstream/handle/11427/27312/thesis_law_2017_kritzinger_julian.pdf?sequence=1&isAllowed=y.
9. Arjan Kumar Sikri. Chairman of the Committee for the Committee to Formulate an Action Plan for Online Dispute Resolution, NITI Aayog. 2021 October. Designing the future of dispute resolution. The ODR policy plan for India. Pages 162 // URL: https://www.niti.gov.in/sites/default/files/2021-11/odr-report-29-11-2021.pdf.
10. Bakhramova, Mokhinur. “The role and importance of online arbitration and electronic dispute resolution in private international law.” Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения. 2021 // URL: https://elibrary.ru/item.asp?id=46968096.
11. Bakhramova, Mokhinur. “ODR (Online Dispute Resolution) System as a Modern Conflict Resolution: Necessity and Significance.” European Multidisciplinary Journal of Modern Science 4 (2022): 443-452. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=oTxyzXYAAAAJ&citation_for_view=oTxyzXYAAAAJ:kNdYIx-mwKoC
12. Arbitration Law of the People’s Republic of China. http://www.npc.gov.cn/zgrdw/englishnpc/Law/2007-12/12/content_1383756.htm.
13. Bahramovna, B. M. (2022). ONLAYN ARBITRAJDA NIZOLARNI HAL ETISH TARTIBI. International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences, 104–109. Retrieved from http://www.ijpsss.iscience.uz/index.php/ijpsss/article/view/238
14. Bakhramova, M. (2022). Online Dispute Resolution: Digitalized Disputes and Their Legal Basis. Journal of Ethics and Diversity in International Communication, 1(8), 25–29. https://openaccessjournals.eu/index.php/jedic/article/view/962
15. Gulyamov, S., and S. Yusupov. “Issues of Legal Regulation of Robotics in the Form of Artificial Intelligence.” European Multidisciplinary Journal of Modern Science 5 (2022): 440-445. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=kqUdLCsAAAAJ&citation_for_view=kqUdLCsAAAAJ:WA5NYHcadZ8C

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович
Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминология ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори, профессор
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ОТАЖОНОВ А.А. Меҳнат миграциясини тартибга солишнинг замонавий ҳолати ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023). Б. 51-57.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-8

АННОТАЦИЯ

Мақолада халқаро миграциянинг дунё миқёсидаги замонавий ҳолати, унинг таркибида меҳнат мигрантларининг улуши ва тутган ўрни ҳамда халқаро миграциянинг ижобий ва салбий хусусиятлари таҳлил қилинган. Миграция жараёнларини қабул қилувчи ва донор давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мигрантлар оқимининг йўналиши ва кўринишлари ўрганилган. Шунингдек, мақолада меҳнат миграциясини тартибга солишдаги муаммолар аниқланган ҳамда халқаро ишчи кучи ҳаракатланиши сабаблари ва омиллари таҳлил қилиниб, уларнинг мазмуни очиб берилган ҳамда мазкур жараёнларни тартибга солишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: миграция, халқаро миграция, меҳнат миграцияси, миграция сиёсати, қабул қилувчи давлатлар, донор давлатлар, миграция турлари, ишчи кучи, халқаро миграция муаммолари.

ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович
Профессор кафедры уголовного права, криминологии и противодействия коррупции Ташкентского государственного юридического университета,
доктор юридических наук, профессор
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ И ЕГО ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется положение международной миграции в современном мире, доля и роль трудовых мигрантов в её структуре, и положительные и отрицательные особенности международной миграции. Изучены социально-экономическое положения

принимающих и донорских государств во время миграционных процедур, исходя из особенностей, направлений и проявления потока мигрантов. Также обсуждаются проблемы, которые могут возникнуть при регулировании мер по трудовой миграции, и анализируются причины и факторы перемещения международной рабочей силы, раскрыто содержание этих процедур, разработаны рекомендации для эффективного регулирования, и сформулированы выводы.

Ключевые слова: миграция, международная миграция, трудовая миграция, миграционная политика, принимающие государства, страны-доноры, виды миграции, рабочая сила, проблемы международной миграции.

OTAJONOV Abrorjon
Professor at Tashkent State University of Law, Doctor of Law
E-mail: abror_otajonov@mail.ru

THE MODERN STATE OF REGULATION OF LABOR MIGRATION AND ITS DISTINCTIVE FEATURES

ANNOTATION

The article analyzes the modern world situation of international migration, the share and role of labor migrants in its structure, as well as the positive and negative features of international migration. Based on the socio-economic situation of the receiving and donor states of migration processes and their peculiarities, the direction and manifestations of the flow of migrants were studied. The article also identified problems in the regulation of labor migration and analyzed the causes and factors of movement of the international labor force, revealed their content and developed recommendations aimed at regulating these processes and formulated conclusions.

Keywords: migration, international migration, labor migration, migration policy, host states, donor countries, types of migration, labor, problems of international migration.

Маълумки, «миграция» одамларнинг бир минтақадан бошқасига доимий ёки вақтинча яшаш учун ҳаракатланиши [1, Б.241]ни ангалатади. Шу жиҳатдан қараганда, мигрантлар оқими бугунги кунда йилдан-йилга глобал ҳусусият касб этиб, унинг дунёвий миқёси ортиб бормоқда. Бу, меҳнат бозорининг байналмилаллашуви ҳамда давлатлар ўртасидаги турли иқтисодий кўрсаткичлар ва мамлакатлардаги шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Мазкур шарт–шароитлар мамлакатга келиш, яшаш ва чиқиш тартиблари ҳамда фуқаролик, бошпана, иш ҳақи, меҳнат шароитлари, иш ўринлари каби омиллар билан боғлиқ ҳисобланади.

Мадомики, ҳозирги пайтда давлатлараро муносабатларда ҳалқаро миграциянинг ҳуқуқий тартибга солиниши нисбатан мураккаб бўлган долзарб муаммога айланди. Чунки меҳнат миграцияси муайян давлатларнинг хориждаги ўз фуқароларини ҳимоя қилиши ва қабул қилувчи давлатларнинг мамлакатдаги барча фуқароларга тенглик, адолатлилик, камситмаслик принципларига таянган ҳолда бир хил шароитлар яратиб бериши билан боғлиқ муаммоларгина эмас, балки давлатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий, хавфсизлик соҳаларидаги муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Наинки, халқаро миграция қабул қилувчи давлатларнинг демографик ҳолатига бевосита таъсир қиладиган жараён бўлиб, у демографик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади. Улар баъзи ҳолларда «демографик босим»ни камайтиришга ҳисса қўшади, бошқа ҳолларда эса, аҳолининг табиий камийиш ўрнини қоплайди. Бундан ташқари, халқаро миграция жараёнлари қабул қилувчи мамлакат аҳолисининг жинси ва ёш таркибида ўзгаришларга олиб келганлиги боис, миграция сиёсати демографик сиёсатнинг муҳим таркибий қисмини ҳам ташкил этади.

Демак, баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, халқаро миграция, биринчи навбатда, мамлакатда хавфсизлик, демографияга таъсир кўрсатса, иккинчидан, бандлик муаммосини ҳал этишга ёки унинг кучайиб кетишига сабаб бўлади, учинчидан, иқтисодий кўрсаткичларга ҳам таъсир этади.

Дарвоқе, бугунги кунда ер юзида 281 миллиондан ортиқ халқаро мигрантлар мавжуд

бўлиб, бу дунё аҳолисининг 3,6 фоизини ташкил этади. Таассуфки, сўнгги йилларда дунёдаги айрим мамлакатларда юз бераётган қуролли можаролар, зўравонликлар, табиий офатлар ва инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари натижасида ўз яшаш жойини мажбурий тарзда тарк этаётганлар икки бараварга (17 миллиондан 34 миллионгача) кўпайиб, халқаро мигрантларнинг умумий сонига нисбатан тахминан 16 фоизни ташкил этмоқда [2].

Қолаверса, 2022 йилда аёл мигрантлар сони Европа, Шимолий Америка ва Океания ороллaридаги эркак мигрантлар сонидан кўпайган. Шимолий Африка, Ғарбий Осиё ва Жанубий Африкада эса, аксинча, эркак мигрантлар сони аёл мигрантларга нисбатан сезиларли даражада кўпчиликни ташкил қилган [2]. Шунингдек, 2022 йилда қочоқлар ва бошпана сўраган шахсларнинг 80 фоиздан ортиғи ривожланаётган давлатлар, шундан атиги 3 фоизи ривожланган мамлакатлар ҳисобига тўғри келган.

Халқаро миграция ташкилоти маълумотларига кўра, халқаро мигрантларнинг асосий йўналиши асосан 20 та давлат АҚШ, Германия, Саудия Арабистони, Россия Федерацияси, Бирлашган Қироллик, Бирлашган Араб Амирлиги, Германия, Франция, Канада, Австралия, Испания, Италия, Туркия, Украина, Ҳиндистон, Тайланд, Малазия, Иордания, Покистон, Қувайтга қаратилган [2]. Гарчи агарда, барча халқаро мигрантларнинг учдан икки қисми ушбу 20 та давлатда истиқомат қилишларини инобатга оладиган бўлсак, 2022 йилда АҚШ халқаро мигрантларнинг 51 миллиони учун асосий манзил бўлган ва у дунёдаги жами мигрантларнинг 18 фоизини ташкил этади [3, Б.120]. Шунингдек, Германия (тахминан 16 миллион), Саудия Арабистони (13 миллион), Россия Федерацияси (12 миллион) ҳамда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қироллигида (9 миллион) халқаро мигрантлар сонининг кўпайиши қайд этилган [4, Б.85].

Ҳозирги кунда мигрантларни ўзига жалб этаётган иккинчи бир йирик марказ Европа ҳисобланади. Бу ерда 20 миллион қонуний мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари мавжуд [5, Б.160] бўлиб, улар орасида ёшларнинг салмоғи юқори ҳисобланади. Масалан бу кўрсатгич Францияда – 40,2 фоизни, Нидерландияда – 40,2 фоизни, Бельгияда – 49,8 фоизни ташкил этади [6].

Европада иммигрантларни қабул қилиш бўйича Германия, Франция, Буюк Британия ҳамда Швейцария, Швеция, Нидерландия олдинги ўринларда бормоқда. Францияда 4 миллионга яқин (асосан, Либерия ва Шимолий Африкадан келишган), Швейцарияда 1 миллионга яқин (италияликлар, испанлар, турклар), Швецияда – 1 миллионга яқин (асосан финнлар) чет элликлар истиқомат қилади. Агар чет элликларнинг аҳолига нисбатан энг кўп «фоизи» тўғрисида гапирилса, бу Люксембург ҳисобига тўғри келади. Мазкур мамлакатда мигрантлар 33,5 фоизни ташкил этади [7].

Шу ўринда айтиш жоизки, Европа Иттифоқида ягона ички бозор шаклланиши билан иммигрантларнинг сони динамикаси ҳам ўзгармоқда. Бу борада, бандлик бўйича немис федерал маркази истиқболда миграция жараёнлари ривожланиб бораётган иқтисодий ўсиш даврида янги иш ўринларини яратади, аммо ўтган асрнинг 60–йилларидагидек, иммиграцияни келтириб чиқармаслигини хулоса қилган. Чунончи, Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳозирги кунда «учинчи давлатлар»дан ишчиларни эҳтиёткорлик билан жалб қилишмоқда. Евростат чоп этган истиқболни белгилашларда 2000 йилдан кейин миграция сальдосининг камайиши кўзда тутилган. Агар 2002 йилдан 2010 йилгача ҳар йили сальдо 1 миллион кишидан ортиқни ташкил этган бўлса, бу кўрсатгич 2022 йилда 800 мингни ташкил этди [8, Б.8].

Бундан ташқари, Яқин Шарқ мамлакатларида 2022 йилда меҳнат мигрантлари 21 миллиондан ортиқни ташкил қилди. Улар асосан Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Баҳрайн ва Оман каби давлатлар ҳиссасига тўғри келган [9, Б.39]. Шунингдек, Осиё–Тинч океан минтақасида эса, иммиграциянинг классик мамлакати Австралия ҳисобланади. Бу ерга аввалари кўпроқ Шарқий ва Марказий Европадан мигрантлар оқими кузатилган бўлса, кейинчалик Жануби–шарқий Осиёдан келган иммигрантларнинг оқими кўпайди, европаликларнинг оқими эса камайди.

Мазкур минтақада Австралиядан ташқари ишчи кучларининг асосий импортёрлари Бруней, Япония, Гонконг, Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея каби мамлакатлар ҳисобланади. Улар учун миграциянинг бошқариб турилувчи меҳнат миграцияси (Малайзия, Сингапур, Бруней, Гонконг), яширинча ёки ноқонуний миграция (Шарқий ва Ғарбий Малайзия, Гонконг, Япония, Покистон, Тайвань) ва тўғридан тўғри чет эл сармоялари билан кириб келувчи юқори малакали ишчи кучлари миграцияси (Япония, Тайвань, Гонконг, Сингапур, Австралия) каби шакллари характерлидир.

Шу билан бирга, 2022 йилда Россия Федерациясига 12 миллиондан ортиқ мигрантлар [10] келган. Аммо, бунинг таркибида уларнинг қанчаси ноқонуний мигрантлар ҳисобланиши тўғрисидаги аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотларда келтирилишича, ноқонуний иммигрантлар Россия Федерацияси аҳолисининг тахминан 3 фоизини ташкил этади [11, Б. 118].

Халқаро миграциянинг юқорида келтирилган ҳолатидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, миграция халқаро муносабатларда объектив ҳодиса бўлиб, барча мамлакатларга дахлдор жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳоли миграциясининг ижобий томонларидан фойдаланиш, салбий жиҳатларини бартараф этиш – жаҳон ҳамжамияти олдида турган асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан қараганда, айни пайтда миграция муаммоси Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалалардан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига республиканинг доимий аҳолиси **36 млн 24 минг 946** кишини ташкил этмоқда. Аҳолининг **18,3** миллиони шаҳар жойларда, **17,6** миллиони эса, қишлоқ жойларда истиқомат қилади [12]. Таҳлилларга кўра, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантлари сони 2022 йил 1 март ҳолатига ўртача 2,4 млн кишини (2.356.954 киши) уларнинг 568,5 минг (24,1%) нафарини хотин-қизларни, 827,1 минг (35,1%) нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг 1,5 млн нафари Россия, 366,3 минг нафари Қозоғистон, 144,7 минг нафари Туркия, 47,4 минг нафари Жанубий Корея, ва 348,1 минг нафари бошқа давлатлар ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, Марказий банк маълумотларига асосан, 2022 йилда Ўзбекистонга 16,9 млрд АҚШ доллари миқдорида пул ўтказмалари келиб тушган, бу айни пайтда 2021 йилга нисбатан 2,1 баробар кўпни ташкил этади [13].

Ҳолбуки, миграция жараёнлари таҳлилларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, халқаро миграциянинг энг катта муаммоси – бу унинг турли омиллар билан боғлиқ бўлган сабаблари ҳисобланади. Айни пайтда мутахассислар миграцияга олиб келувчи сабаблар қаторида ўз мамлакати иқтисодий ривожланишининг паст даражаси, ноқулай табиий омиллар, масалан, ҳалокатлар, об-ҳаво шароити, табиий офатлар ва ҳарбий можароларни киритадилар. Шу боисдан ҳам халқаро миграцияни самарали тартибга солиш учун ушбу жараёнга комплекс ёндашув муҳим бўлиб, шундагина унинг барча жиҳатларини ҳар томонлама баҳолаш мумкин.

Халқаро миграциянинг яна бир муаммоларидан бири бу миллионлаб мигрантлар ривожланган давлатлар ҳудудида ишлашни ва яшашни ҳоҳлашларида, минглаб мигрантларни эса ўз мамлакатларини тарк этишида ҳисобланади. Агар миграция жараёнида иштирок этувчи барча мамлакатлар ягона миграция ёндашувини қўлласалар ва фойда олиш ва салбий жараёнларни минималлаштириш учун барча чораларни кўрсаларгина, миграциянинг ижобий салоҳиятини тўлиқ очиб бериш мумкин бўлади.

Яна шуни айтиш лозимки, ҳозирги замон миграция жараёни ўзининг мазмуни ва оммавийлиги бўйича нафақат XIX асрдагидан, балки XX асрнинг биринчи ярмидагидан ҳам фарқ қилади. Унинг асосий ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

биринчидан, миграция барча минтақаларни, бутун дунёни қамраб олди ва глобал характер касб этди. Меҳнат ресурсларининг дунё миграцияси ҳаддан ташқари кенг кўламда эканлиги ҳозирги замоннинг ўзига хос муҳим хусусияти ҳисобланади;

иккинчидан, агар, аввалларимиграция оқими асосан ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатларга томон кузатилган бўлса, ҳозирда бу жараён чет эл ишчи кучи нисбатан ривожланган мамлакатлардан камроқ ривожланган мамлакатларга кўчиши кузатилмоқда ҳамда меҳнат миграциясининг ҳал қилувчи мотиви иқтисодий манфаат бўлиб қолмоқда;

учинчидан, меҳнат ресурслари миграцияси халқаро меҳнат тақсимоти принципларига асосланган ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияларининг такомиллашувига ҳам ёрдам бермоқда. У, биринчи навбатда, жаҳон хўжалик тизимида ишлаб чиқаришни ташкил этувчи трансмиллий компанияларнинг фаолияти билан боғлиқдир;

тўртинчидан, ривожланишнинг ҳозирги босқичида ноқонуний ишчи кучлари сезиларли даражада ўсди ва дунё муаммоларидан бирига айланди;

бешинчидан, халқаро миграцияда фан–техника тараққиётига боғлиқ ҳолда сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Унинг моҳияти кўчиб юрувчилар орасида малакали мутахассисларнинг сони сезиларли даражада ўсганлигидадир. Бугунги кунда бу жараёнга баъзи бир омиллар боғлиқдир, яъни:

биринчи омил: «ақлларнинг кетиши» ўрнига уларнинг циркуляцияси келди: миграция йўналишларида диверсификация бўлди. АҚШ малакали ходимларни ўзига тортиб олувчи умумэътироф этилган марказ бўлиб қолмоқда. Бироқ, айни вақтда саноати ривожланган мамлакатлардаги юқори малакали тоифа вакиллари, аввал айтиб ўтганимиздек, вақтинчалик ишлаш учун ривожланаётган мамлакатларга кетишмоқда;

иккинчи омил: юқори малакага эга шахсларнинг «сармоя»га эмас, балки «бир вақтда сармоя билан ёки унинг изидан» ҳаракатланиши принципиал янги воқелик бўлди. Бу биринчи ўринда трансмиллий компаниялар (ТМК) фаолиятининг ва малакали ходимлар карьерасини кўтаришнинг катта имкониятлари билан боғлиқдир;

учинчи омил: юқори малакали ходимлар миграциясининг ҳозирги даражаси учун янги ташкилий даража принципиал равишда тааллуқли бўлиб, у ўзига хос халқаро «бош овчилари» корпорацияларини вужудга келтирмоқда;

тўртинчи омил: олий таълим тизимларининг интеграцияси кузатилмоқда. Яъни талабалар ўз ўқишларини дунёнинг кўплаб мамлакатларида давом эттирмоқдалар. Масалан, хитойлик талабаларнинг АҚШ ёки Японияда ўқиши. Албатта, бунда жўнатаётган мамлакатлар асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобланади ва улар талабаларнинг қайтиб келишидан манфаатдор бўлади, аммо талабаларнинг кўпчилик қисми ўз юртига қайтиб келмайди;

олтинчи омил: ўтмишда метрополияларга эга бўлган мамлакатлар ишчи кучларини кўпроқ ўзларининг собиқ мустамлака ёки қарам мамлакатларидан импорт қилишга қаратмоқдалар;

еттинчи омил: агар анъанавий миграция (АҚШ, Канада [14, Б.88], Австралия, ЖАР) мамлакатларига XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида асосан европаликлар чиққан бўлса, XX асрнинг бошларидан улар мигрантларнинг жуда ҳам кам қисмини ташкил эта бошлади. Бу мамлакатларга иммиграциявий оқимларни асосан Осиёдан, Лотин Америкаси, Африка ва Кариб ҳавзасидан чиққанлар ташкил этмоқда;

саккизинчи омил: ҳозирги замон ишчи кучининг халқаро миграцияси жараёнининг ўзига хос томонларидан бири давлатнинг ушбу жараёнга кўпроқ аралашуви бўлмоқда. У жаҳон бозорида ишчи кучи олди–сотдисини бошқармоқда, ўз ҳудудидан чиқиб кетишга рухсат бермоқда ва иммигрантларнинг кириб келишини кузатиб турмоқда. У чет эл ишчи кучларини жалб қилиш ва уларни ёллаш учун қулай шароит яратиб бермоқда.

Айни замонда, ишчи кучларини қабул қилувчи турли мамлакатлар учун турли миграциявий оқимларнинг манбалари (донор мамлакатлар) мавжуд бўлиб, улар кўп ҳолларда бир–бирига мос тушади. Бу, бир томондан, ўзига жалб этувчи мамлакат ҳозирги замонда қандай роль ўйнаётгани ва қандай имкониятларга эга эканлигидан иборат бўлса, иккинчи томондан, қабул қилувчи мамлакат билан донор мамлакат ўртасидаги тарихий, этник ва географик алоқалар билан боғлиқдир.

Муҳтасар айтганда, юқорида биз кўриб ўтган ишчи кучларининг халқаро ҳаракат қилишига оид манзаранинг таҳлили ишчи кучларининг халқаро миграцияси – бу биринчи ўринда бозор иқтисодиётига тааллуқли бўлган объектив жараён эканлигидан далолат беради. У мамлакатлар ўртасида капитал айланиши, ташқи савдо алоқалари, халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши каби объектив ҳолатдир. Шу боисдан меҳнат ресурслари, бозор иқтисодиёти қонунларига мувофиқ, максимал даражада самара берадиган, қўлланиши бўйича фойдалироқ бўлган жараённи излайди.

Халқаро меҳнат миграцияси, меҳнатга лаёқатли аҳолининг миллий чегаралар бўйлаб ҳаракатланишини ифода этади ва унинг асосий мақсади бошқа мамлакатда иш жойи топишдан иборат бўлади. Шунинг учун, халқаро мигрантлар яхшироқ иш, таълим, иқтисодий манфаатлар ёки оилани бирлаштириш учун ҳаракат қилса, бошқалари можаро, терроризм ёки инсон ҳуқуқлари бузилишидан қочишга мажбур бўлади.

Шу билан биргаликда халқаро ишчи кучининг давлатлараро ҳаракатланиш қуйидаги омилларга ҳам боғлиқ бўлади: жаҳон иқтисодий ривожланишининг тобора ортиб бораётган роли ва мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқлиги; илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши, унга хизмат кўрсатадиган янги турдаги ишлаб чиқариш ва касбларнинг пайдо бўлиши; кўп миллатли компанияларнинг ролини кучайиб бориши, бу эса фойда олиш учун ишчи кучи ва капитални бирлаштиришга олиб келади; халқаро ишлаб чиқаришнинг ортиб бораётганлиги, шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш босқичида жалб қилинган хорижий ишчи кучи миқдорини кўпайишига олиб келмоқда; мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнлари халқаро миграция оқимини оширади, чунки бу иш жойларини

танлашни кенгайтиришга ёрдам беради; интернет технологияларидан эркин фойдаланиш аҳолининг бошқа ҳудудлардаги янги иш ўринлари ҳақида хабардорлигини оширади.

Шунингдек, мигрантларни экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатадиган халқаро меҳнат миграциясининг асосий омилларидан бири, меҳнат экспорт қилувчи мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотига катта ҳисса қўшадиган, ҳукуматлар учун қимматли валюта манбаи бўлган ва тўлов балансининг жорий ҳисобини барқарорлаштиришда муҳим роль ўйнайдиган мигрантларнинг пул ўтказмалари оқими ҳисобланади. Бундан ташқари яна бир муҳим омил – ишчиларни тарк этишнинг меҳнат бозорларига ижобий таъсиридир, чунки ишчиларнинг чет элга кетиши ишсизлик даражасини пасайтиради, меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайди ва мамлакатдаги ижтимоий кескинликни камайтиради.

Ҳозирги замонавий дунёда жаҳон иқтисодиётининг янада глобаллашиб бораётганлиги халқаро меҳнат миграцияси билан боғлиқ жараёнларда янги тенденцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва улар глобал миграция оқимларининг глобаллашуви ва аксарият мамлакатлар аҳолисининг ушбу жараёнга жалб этилиши; иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг демографик ривожланишида халқаро миграциянинг демографик аҳамиятининг ошиши; ноқонуний миграциянинг ўсиши; миграция оқимлари таркибидаги юқори малакали ишчиларнинг кўпайиши; мажбурий миграциянинг ўсиши ва халқаро миграция сонидаги аёллар улушининг ошиб бораётганлигида намоён бўлади.

Бундан ташқари, агарда қабул қилувчи мамлакатларда яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш режими ва мигрантлар ҳаракатлари назорати кучайтирилса, у ўз навбатида бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, мазкур жараён қалбаки рўйхатга олишни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ коррупцион хавф-хатарларни оширади; мигрант болаларнинг болалар боғчалари ва мактабларга жойлаштирилишини мураккаблаштиради ёки умуман болаларни ўқитилмаслигига олиб келади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқилса, яқин келажакда шубҳасиз, миграция оқимининг ҳажми ортади ва ҳозирги ҳолатга қараганда камаймайди. Бунга учта сабабни санаб ўтиш мумкин: биринчидан, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги давом этаётган тафовут ҳали ҳам кўп одамларни яхши турмуш даражасини излаш учун яхшироқ жойга кўчиб ўтишга ундайди; иккинчидан, бир қатор минтақалардаги сиёсий ёки этник можаролар қочқинларнинг кенг тарқалишига олиб келади, учинчидан, янги эркин савдо зоналарини яратиш ҳам ишчи кучининг ҳаракатчанлигига имкон беради.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Шкваря Л.В. Международная экономическая интеграция в мировом хозяйстве. Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2019. – 315 с.

2. World Migration Report 2022 // URL: https://publications.iom.int/books/world-migration-report-2022;

3. Бахриев Б., Ризоён Ш. Центральная Азия перед вызовами интеллектуальной миграции: тенденции и перспективы. Мировая экономика и международные отношения. – 2022. – Т. 66. – № 7. – С. 117-126. https://doi.org/10.20542/0131-2227-2022-66-7-117-126.

4. Хахалкина Е., Погорельская А. Содействие развитию или управление миграцией? (Анализ европейского подхода). Мировая экономика и международные отношения. – 2022. Т. 66. – № 2. – С. 80-89. https://doi.org/10.20542/0131-2227-2022-66-2-80-89

5. Антропов В.В. Международная трудовая миграция: современные тенденции и экономические последствия. Социально-трудовые исследования. – 2020; – №. 41(4). – С. 155-167. DOI: 10.34022/2658-3712-2020-41-4-155-167.

6. Рахманов Ш.Н., Отажонов А.А. Правовое регулирование процессов трудовой миграции в Республике Узбекистан // Теневая экономика. – 2022. – Том 6. – № 3. – С. 145-156. – doi: 10.18334/tek.6.3.116140.

7. Джолдосова С. Дж. Ўзбекистонда миграция соҳасини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш. Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. .. – Т., 2022. – Б. 260.

8. Қулматов Ш., Ишанходжаев С. Ўзбекистон Ресбуликасининг «Ташқи меҳнат миграцияси» қонунининг қабул қилиш зарурати // Ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш – давр талаби: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристлар малакасини ошириш маркази, 2022. – Б.7-10.

9. Ишанходжаев С.А. Халқаро ҳуқуқда миграция жараёнларини тартибга солишнинг

универсал нормалари // Қонунчилик муаммолари Ахборонтномаси. Илмий-амалий журнал. – № 1. – Б. 38-41.

10. Сводка основных показателей деятельности по миграционной ситуации в Российской Федерации за январь - июнь 2022 года // URL: https://мвд.рф/dejatelnost/statistics/migracionnaya/item/31389675/.

11. Отажонов А. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир айрим масалалар //Юрист Ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 116-121.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари // URL: https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/33526-o-zbekistonda-shahar-hududida-doimiy-aholi-soni-ko-p;

13. 2022 йилда Ўзбекистонга рекорд даражада — 16,9 млрд доллар жўнатилди // // URL: https://www.gazeta.uz/uz/2023/01/26/transfers/.

14. Кейси Вандер Плойг. История иммиграционной политики в Канаде // Мировой опыт миграционной политики: ретроспектива и новейшие тенденции // Под ред. Г.Витковской; Бюро МОМ в России. – М.: Гендальф, 2004. – С.75-102.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ҚУЧҚАРОВ Хамидулло Абдурасулович
Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ – МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ҚУЧҚАРОВ Х.А. Янги меҳнат кодекси- меҳнат муносабатларини тартибга солишда замонавий механизмлар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 58-63.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-9

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилиши ва Янги Меҳнат кодекси қабул қилиниши натижасида меҳнат муносабатлари соҳасида сақланиб қолаётган қатор тизимли муаммоларга ҳуқуқий ечим топилганлиги, меҳнат соҳасидаги норматив ҳужжатлар, айниқса идоравий ҳужжатлар сони кескин камайиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари балансини таъминлай оладиган мукаммал ҳуқуқий база яратилганлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, муаллиф томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган янги ҳуқуқий механизмлар, уларни амалиётга тадбиқ этиш масалалари, ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўришда низоларни муқобил ҳал этиш механизми сифатида медиация институтининг аҳамияти, меҳнат муносабатларида вужудга келаётган муаммоларни бартараф этишга оид муаллифнинг таклифлари илгари сурилган.

Калит сўзлар: Ходим, иш берувчи, ишсизлик, меҳнат низолари, суд, медиация, медиатив келишув, тиббий хулоса, меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз, давлат сирлари, муайян ишни бажаришга доир рухсатнома, лицензия.

КУЧКАРОВ Хамидулло Абдурасулович
Доцент Центра повышения квалификации юристов,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

НОВЫЙ ТРУДОВОЙ КОДЕКС – СОВРЕМЕННЫЕ МЕХАНИЗМЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье за последние годы в результате реализации ряда реформ, направленных на правовое регулирование трудовых отношений в нашей стране, а также принятия Нового Трудового кодекса найдено правовое решение ряда системных проблем. В сфере трудовых отношений резко сократилось количество нормативных документов в сфере труда, особенно ведомственных документов, создана эффективная правовая база, способная обеспечить баланс интересов работадателей и работников. Также, автором выдвинуты новые правовые механизмы, направленные на регулирование трудовых отношений, вопросы их реализации,

значение института медиации как альтернативного механизма разрешения споров при рассмотрении дел в суде о восстановлении, а также авторские предложения по устранению проблем, возникающих в трудовых отношениях.

Ключевые слова: Работник, работодатель, безработица, трудовые споры, суд, посредничество, медиативное соглашение, медицинское заключение, полная нетрудоспособность, государственная тайна, разрешение на выполнение определенной работы, лицензия.

KUCHKAROV Hamidullo
Associate professor at Lawyers' Training Centre,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: kuchkarovk@bk.ru

NEW LABOR CODE - MODERN MECHANISMS IN REGULATING LABOR RELATIONS

ANNOTATION

In this article, in recent years, as a result of the implementation of a number of reforms aimed at the legal regulation of labor relations in our country and the adoption of a New Labor Code, a legal solution to a number of systemic problems has been found. in the field of labor relations, the number of regulatory documents in the field of labor, especially departmental documents, has sharply decreased, and employees and labor noted that a perfect legal framework has been created that can balance the interests of providers. The author also put forward new legal mechanisms aimed at regulating labor relations, issues of their implementation, the importance of the institution of mediation as an alternative mechanism for resolving disputes when considering reinstatement cases in court, as well as the author's proposals for eliminating problems arising in labor relations. connections.

Keywords: Employee, employer, unemployment, labor disputes, court, mediation, mediation agreement, medical opinion, complete disability, state secret, permission to perform certain work, license.

Дунё иқтисодиётида энг юқори кўрсаткичларга эга мамлакатларнинг тажрибасига эътибор берилса, уларнинг асосий йиллик даромадлари ялпи ички махсулотларнинг мамлакатнинг йиллик даромадида айнан уларнинг мамлакат экспортидаги ўрни юқори эканлигини ва бу кўрсаткичлар импорт ҳажмига қараганда бир неча баробар кўплигини кўришимиз мумкин.

Бу ҳолат албатта ушбу мамлакатларда меҳнат муносабатлари тўғри йўлга қўйилганлиги, иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи механизмлар амалиётга уйғунлаштирилганлиги, амалдаги қонунчилик нормалари мавжуд муаммоларни тартибга солиш имконига эгалиги билан изоҳланади. Шу билан бирга аксарият Европа мамлакатлари меҳнат муносабатларида келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган энг муҳим муаммоларни доимий сабаблари ва амалиёти таҳлили асосида уларни бартараф этишга оид дастурлар ҳамда илмий ва амалий таҳлиллар ишлаб чиқилиши натижасида ходим ва иш берувчига муносиб шароитлар яратишга асосланган.

Хаттоки, COVID-19 пандемияси миллионлаб инсонларнинг меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишни хавф остига қўйган, инсониятнинг нормал ҳаёти ва одатдаги турмуш тарзини издан чиқариб, ишсизликнинг сони ортган, жумладан, 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигида 400 миллион иш жойлари қисқарган, [1] жаҳон ҳамжамияти томонидан COVID-19 пандемиясининг иқтисодий оқибатларини камайтиришга қаратилган тавсияларни илгари сурётган [2] бир вақтда Ғарбий Европада келгусида ишчи кучини танқислигини олдини олиш ишлаб чиқариш узликсизлигини таъминлаш юзасидан бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Масалан, хорижда амалга оширилган таҳлиллар натижасига кўра 2030 йилга келиб Германияда 5 млн., Швейцарияда 400 минг ишчи-ходим танқислиги вужудга келади [3, Б.57-65].

Улар томонидан ушбу муаммони ишчи кучи танқислиги мавжуд бўлмаган давлатлардаги ходимларни ёллаш орқали ҳал этишга оид дастурларни ишлаб чиқилмоқда ва бу борадаги ҳуқуқий механизмларни соддалаштириш юзасидан таклифлар илгари сурилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда ҳам мавжуд муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, меҳнат муносабатларини қонун доирасида амалга ошириш, шунингдек фуқароларни меҳнатга жалб этишнинг янги шаклларини ҳуқуқий асосларини яратиш, иш жараёнида ходимларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш, адолатли ва хавфсиз шароитларида ишлаш ҳамда ишсизликдан ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган “Инсон қадри” ғоясини амалда давлат томонидан кафолатлаш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда меҳнатга оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қатор ислоҳотлар натижасида Янги Меҳнат кодекси қабул қилиниб, меҳнат ва у билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий жамоат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчилик ва номувофиқликлар бартараф этилди, меҳнат муносабатлари соҳасида сақланиб қолаётган қатор тизимли муаммоларга ҳуқуқий ечим топилди, жумладан, меҳнат соҳасида норматив ҳужжатлар, айниқса идоравий ҳужжатлар сони кескин камайиб, ходимлар ва иш берувчиларнинг манфаатлари балансини таъминлай оладиган мукаммал ҳуқуқий база яратилди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида “адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллаши” эътироф этилмоқда [4], фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ролини ошириш, суд жараёнларида тенглик ва тортишув тамойилларини тўлиқ жорий қилиш [5] каби муҳим вазифалар белгиланмоқда.

Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида янги муносабатларнинг вужудга келиши, меҳнат бозорининг кенгайиши ва ўсиши, хусусий секторнинг юзага келиши ва ривожланиши меҳнат муносабатлари субъектлари саналган иш берувчи ва ходимлар манфаатлари ўртасидаги янги турдаги низоларнинг вужудга келишига ва уларни келгусида меҳнат низоларини судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Айниқса, сўнгги вақтларда ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларининг асоссиз бекор қилиниши каби ҳолатларнинг тез-тез юз бераётганлиги йилдан-йилга судларда кўрилаётган меҳнат низоларининг сони тобора ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2019 йилнинг 9 ойи давомида судда даъво тартибида кўриб тамомланган 98080 та фуқаролик ишидан 1165 таси (1,2 фоизи) ишга тиклаш тўғрисидаги ишларни ташкил қилган бўлса, 2022 йилда меҳнатга оид низоли ишларнинг умумий сони 11 113 тани ташкил этиб, 2021 йилга қараганда 6 083 тага кўпайган. 2022 йилда биринчи инстанция тартибида туманлараро судларда кўрилган меҳнат низоларининг 3151 таси ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар ҳисобланиб, бу кўрсаткич 2021 йилда 2606 тани ташкил этган [6]. Таҳлиллар ишга тиклаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўришда тарафларнинг амалда тенг ҳуқуқлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш, ушбу тоифадаги низоларни кўриш ва ҳал этиш тартибини белгиловчи меҳнат ва фуқаролик процессуал қонун нормаларини такомиллаштириш, иш бўйича суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш ҳамда унинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишининг самарали механизмларини жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Меҳнатга оид муносабатларда меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ ҳолатлар ушбу муносабатларнинг катта ва ҳал қилувчи қисмини ташкил этади. Чунки бошқа муносабатларнинг қонунчилик талаблари асосида ташкил этилганлиги (меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, меҳнат шартларини белгилаш, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари)га доир шартлар айънан ушбу босқичнинг якунига қараб баҳоланади ва аксарият ҳолларда иш берувчи ушбу натижаларга қараб ўзининг хато ва камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги муносабатларнинг амалдаги қонуний тартиби ходимни ҳам, иш берувчини ҳам қониқтирмайди, десак муболаға бўлмайди. Ишдан бўшатишда ходимларнинг ҳуқуқлари кўпинча бузилади ва етарлича ҳимоя қилинмай қолиб кетади. Ўз навбатида, иш берувчининг ҳам ишлаб чиқариш манфаатларидан келиб чиқиб кадрлар таркибини шакллантириш имкониятлари маълум даражада чекланган.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат муносабатлари субъектлари манфаатлари турлича бўлиб, ушбу манфаатлар қонун олдида тенг бўлиши ҳамда амалда таъминланиши лозим. Ижтимоий антагонизм, яъни зиддиятдан қочиш учун ходим ва иш берувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мақбул мувозанатни топиш зарур.

Биргина Давлат меҳнат инспекциялари томонидан 2021 йил 2-чораги якунлари бўйича 26 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган [7].

Бу статстик маълумотлар албатта меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ бўлмасада бироқ ҳар бир қонунбузилиши ортида ходимнинг меҳнат қилишга доир ҳуқуқи туради. Айтиб ўтиш керакки мазкур ҳолатда ходимнинг бузилган ҳуқуқларини судга қадар ҳимоялаш механизмларининг мавжудлиги ушбу низоларнинг аксарияти ваколатли давлат органлари томонидан судга қадар ҳал этилишига эришилмоқда. Бу борада яна бир янги механизм якка меҳнат низоларини медиация тартиб-таомили асосида ҳал этишнинг қонунчиликда мустаҳкамлангани келгусида меҳнатга оид низоларни судга қадар ҳал этишда алоҳида ўрин эгаллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4754-сон қарорида [8] ҳам ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлиги тақозо этилаётганлиги алоҳида таъкидланган. Қарор билан ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланиши эътироф этилди.

Мамлакатимиз Янги Меҳнат кодексининг бир қатор моддаларида, жумладан, 545, 554, 560, 570, 573, 574, 575, 579-моддаларида медиация тартиб-таомилини қўллаш ва медиаторнинг ҳуқуқ мажбуриятларига доир нормаларнинг “Медиация тўғрисида”ги қонунга нисбатан аниқлаштирилганлиги бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш ва меҳнат низоларида медиатор кўмаги асосида ечим топишга хизмат қилади.

МДҲ давлатларидан Қозоғистон қонунчилик тажрибасида ҳам меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни воситачи (медиатор) иштирокида ҳал қилиш таомилларини меҳнат қонунчилиги ҳамда махсус қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, Қозоғистоннинг 2011 йил 28 январдаги “Медиация тўғрисида”ги Қонуни медиацияни қўллаш доираси деб номланувчи 1-моддасида жисмоний ва (ёки) юридик шахслар иштирокидаги фуқаролик, меҳнат, оилавий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, шунингдек жиноий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жиноий иш юритиш жараёнида кўриб чиқиладиган низолар (низолар) медиация соҳасидир, деган норма мустаҳкамлаб қўйилган [9]. Кўриб турганимиздек, ушбу давлатлар қонунчилигида меҳнатга оид низоли ишлар, жумладан ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларга нисбатан медиация институтини жорий этишда чекловлар мавжуд эмас.

Бироқ айрим мутахассислар меҳнатга оид айниқса ишга тишлаш тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда муқобил усулларга нисбатан суд тартибида ҳал этиш самарали ва ишончли эканлигини таъкидлайдилар. Жумладан, рус олими Л.А.Ломакина “тан олиш керакки, низоларни ҳал этишда суд тартиби бошқа муқобил усулларга нисбатан самарали ва ишончли саналиб, фуқаронинг ҳуқуқларини амалга оширилишини таъминлаш ва ижронинг мажбурийлиги каби механизмларига эгалиги билан ажралиб туради” деган қарашни илгари суради [10].

Бизнингча Л.А.Ломакинанинг фикри амалий жиҳатдан тўғри бўлса-да, бироқ, ишга тиклаш тўғрисидаги низо субъектлари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ёки жамоа шартномасида низони судгача ҳал этиш тартиби белгиланган бўлса бу тарафларга қўшимча имконият сифатида баҳоланиши лозим, чунки “Медиация тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси бешинчи қисмида медиацияда иштирок этганлик факти айбни тан олиш далили бўлиб хизмат қилиши мумкин эмаслиги белгиланган ва бу тарафларнинг келгусида судда иштироки жараёнида уларнинг эркинлигини таъминлайди.

Бироқ шуни эътибордан четда қолдирмаслик керакки, медиатив келишув аҳолининг ҳуқуқий онгининг нечоғли юқорилиги билан ҳам чамбарчас боғлиқдир, чунки медиация-тартиб таомилининг иштирокчилари ҳуқуқни суиистеъмол қилмаслиги муҳим саналади. Бу борада ҳуқуқни суиистеъмол қилишнинг ҳозирча олдини олишда суд қарорлари ва унинг ижросига қўйилган талабларгина томонлар манфаъатига жавоб бера олади.

Суд ҳал қилув қарори ва уни ижросига қўйилган талабларнинг асосий мақсади бу келгусида асоссиз даъволар қўзғатилиши ёки суд қарорларига нисбатан шикоят ва

претестлар келтирилишини олдини олишдан иборатдир.

Айнан янги меҳнат кодексимиз меҳнат низоларини олдини олишга хизмат қиладими, амалда мавжуд бўлган нормаларга нисбатан мавжуд камчиликларни бартараф эта оладими, келгусида суд қарорларини ижросини таъминлашда ушбу кодекс нормаларининг ўрни ва аҳамияти нималардан иборат тарзида саволлар кўп учрайди. Тўғри янги меҳнат кодексида амалда бўлмаган янги институтларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган янги механизмлар белгиланди, бироқ шуниси аҳамиятлики амалдаги меҳнат кодексида мавжуд бўлган меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган механизмларнинг такомиллаштирилгани ва мавжуд муаммоларнинг бартараф этилганлиги алоҳида эъборга лойиқ. Бироқ ҳали амалга киритилмаган бўлсада янги меҳнат кодексининг айрим нормалари бизнингча бахсли саналади.

Масалан, янги қабул қилинган Меҳнат кодексининг 144-моддаси учинчи қисми ҳамда 168-моддасининг бешинчи ва олтинчи қисмларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади. Таклифимизни қуйидагича асослашга ҳаракат қиламиз. Меҳнат кодекси 144-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, иш берувчи учун мажбурий бўлган, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда ходимни бошқа ишга ўтказишда ушбу Кодекс 168-моддаси биринчи қисмининг 4 ёки 5-бандига кўра ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ходимни бошқа ишга ўтказиш тегишинча мазкур Кодекс 168-моддасининг бешинчи ёки олтинчи қисми талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Янги Меҳнат кодексининг 168-моддаси биринчи қисми 4 ёки 5-бандида меҳнат шартномасини тарафларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра бекор қилиш асослари сифатида ишга қабул қилишга доир белгиланган қоидаларнинг бузилганлиги, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этиш имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса, қонунчиликка мувофиқ меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги (ходимнинг белгиланган тартибда берилган тиббий хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги, шунингдек, давлат сирларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, агар бажарилаётган иш шундай фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилса, муайян ишни бажаришга доир рухсатномадан ёки лицензиядан маҳрум этилганлиги ва бошқалар) каби асослар белгиланган.

Ушбу модданинг бешинчи ёки олтинчи қисми талабларида агар иш берувчи томонидан ходимнинг ёзма розилиги билан уни иш берувчида мавжуд бўлган бошқа ишга ўтказиш бўйича чоралар кўрилган, лекин ходим бундай ўтказишни рад этган бўлса, ишга қабул қилишнинг белгиланган қоидалари ходимнинг айбисиз бузилган ҳолларда меҳнат шартномасини ушбу модда биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилишга йўл қўйилади. Эътибор берилса, қонун чиқарувчи бу ўринда асоссиз равишда иш берувчига юқоридаги иккита категориядаги ходим малака талабларига жавоб бермаса (соғлиги ҳолатига ҳам кўра)да уларни иш билан таъминлаш, уларга бошқа иш ўрни таклиф этиш мажбуриятини юкламоқда. Бу эса, келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган ноаниқликлар (коррупциявий омиллар) натижасида ҳам иш берувчи ҳам ходим томонидан (ишга тиклаш) судга мурожаат қилишини кафолатлайди ва асоссиз даъво ишларини ортишига олиб келади. Мазкур муаммони олдини олиш мақсадида янги Меҳнат кодексининг 168-моддаси биринчи қисми тўртинчи ва бешинчи бандларини қуйидагича:

4) ишга қабул қилишга доир белгиланган қоидаларнинг бузилганлиги, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этиш имкони бўлиб ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилмаса;

5) қонунчиликка мувофиқ меҳнатга оид муносабатларни давом эттиришга монелик қиладиган ҳолатлар юзага келганлиги (ходимнинг белгиланган тартибда берилган тиббий хулосага мувофиқ меҳнат фаолиятига тўлиқ қобилиятсиз деб эътироф этилганлиги, шунингдек давлат сирларидан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, агар бажарилаётган иш шундай фойдаланиш ҳуқуқини талаб қилса, муайян ишни бажаришга доир рухсатномадан ёки лицензиядан маҳрум этилганлиги ва бошқалар) иш берувчининг меҳнатни ташкил этишга оид ҳуқуқларини чекламаса ва меҳнатни ташкил этишга оид умумий талабларга зид бўлмасагина" мазмунда ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, амалдаги кодекснинг 150 моддасига мувофиқ, ходимнинг аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у ўн икки ойлик давр мобайнида

жами уч ойдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ушбу тартиб янги меҳнат кодекси 241-моддаси, иккинчи қисмига мувофиқ, Ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охирги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги кераклиги белгиланди. Бу ерда муаммо шундаки узлукли тарзда олинган иш ҳақи сақланмаган таътиллар бунда жамлашга киритилмайдими? Қолаверса ходим календар йили даъвомида олишлиги назарда тутилмоқда, унда ходим 2023 йил ноябрь ойидан декабрь ойи охирига қадар иш ҳақи сақланмаган таътил олса, кейинги 2024 йил янги календар йили бошланиши муносабати билан яна январдан март ойига қадар иш ҳақи сақланмаган таътил олиши мумкин бўладими деган савол пайдо бўлади. Мазкур ҳолатда норманинг умумий қоидасига таянамиз, чунки иш ҳақи сақланмаган таътил бериш иш берувчининг ҳуқуқи саналади, уни беришга мажбур эмас, ходимни талабини асослантирилган ёзма жавоб бериш орқали ҳал этиши мумкин. Лекин қатъий берилмайди деган хулоса келиб чиқмайди бу ҳолатда иш берувчи меҳнатни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олиши лозим бўлади. Лекин ходимнинг мазкур ҳуқуқдан фойдаланишни амалга ошириш мақсадида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Ушбу модданинг учинчи қисмига мувофиқ, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, карантин чоралари амалга оширилаётган, фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда ва бутун аҳолининг ёки унинг бир қисмининг ҳаётига ёхуд нормал яшаш шароитларига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда ходимнинг ёзма аризасига кўра иш ҳақи сақланмайдиган таътилнинг узлуксиз ёки жамланган давомийлиги кўпайтирилиши, бироқ кўпи билан олти ойгача кўпайтирилиши мумкинлиги белгиланган бўлиб бу механизм амалдаги меҳнат кодексида мавжуд эмасди, бундан англашиладики иш ҳақи сақланмаган таътилларнинг муддати алоҳида ҳолларда олти ойгача узайтирилиши мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. ХМТ, Монитор ХМТ: COVID-19 ва меҳнат соҳаси. Бешинчи нашр. Маълумотлар ва таҳлилларнинг янгиланиш вақти 2020 й. июнь // URL: https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/dgreports/dcomm/documents/briefingnote/wcms_749399.pdf.

2. Жаҳон банки гуруҳи. Ижтимоий ҳимоя ва COVID-19 шароитида бандлик борасидаги чора-тадбирлар: давлатлар томонидан кўрилаётган долзарб чоралар умумлашмаси (2020 й. июль). // URL: http://documents1.worldbank.org/curated/en/454671594649637530/pdf/Social.

3. Хижняк В.С. Трудовая миграция и человеческий капитал в условиях глобализации: пролемы конституционно-правовой политики / Государство и право. 2022. № 9.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: http://uza.uz/oz/politics/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // URL: https://lex.uz/docs/4872355.

6. Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2019 йил 9 ойидаги фаолиятига оид статистик маълумотлар // URL: https://stat.sud.uz/fib.html.

7. Давлат меҳнат инспекциясининг фаолиятидаги асосий кўрсаткичлари // URL: https://mehnat.uz/uz/services/davlat-mehnat-inspekciyasining-faoliyatidagi-asosiy-kursatkichlari-2021-yil-2-chorak-yakuni-buyicha

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги “Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4754-сон қарори // URL: https://lex.uz/docs/4859436.

9. Закон Республики Казахстан “О медиации” (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2021 г.) // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30927376.

10. Ломакина Л.А. Судебная защита трудовых прав граждан при увольнении по собственному желанию / Государство и право, С. 193-198. 2022, № 10.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХОЖАБЕКОВ Муфтулла
Старший преподаватель кафедры Трудового права
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: Muftulla_khojabekov@mail.ru

ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ РАБОТЫ ПО СОВМЕСТИТЕЛЬСТВУ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХОЖАБЕКОВ М. Вопросы правового регулирования работы по совместительству // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 64-70.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-10

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена проблемным вопросам, связанным с заключением, изменением и прекращением трудового договора с совместителями, а также проблемам при организации их труда. В частности, не редко возникают вопросы, касательно максимальной продолжительности рабочего времени совместителей, об особенностях их оплаты труда, а также выплата пособий по временной нетрудоспособности, нюансы при прекращении трудового договора с совместителями и т.д. Автор анализируют различные подходы по совместительству в науке трудового права и на практике, отмечая при этом отдельные противоречия в законодательстве. В ходе изучении основной упор безусловно был направлен на проблемные нормы трудового законодательства касательно труда по совместительству. С целью повышения эффективности правового регулирования по совместительству предложены варианты корректировок некоторых норм в трудового законодательстве.

Ключевые слова: работа по совместительству, максимальная продолжительность рабочего времени совместителей, особенности оплаты труда совместителей, выплата пособий по временной нетрудоспособности, нюансы при прекращении трудового договора с совместителями.

XOJABEKOV Muftulla
Toshkent davlat yuridik universiteti
Mehnat huquqi kafedrasi katta o‘qituvchisi
E-mail: Muftulla_khojabekov@mail.ru

O‘RINDOSHLIK ASOSIDAGI MEHNATINI HUQUQIY TARTIBGA SOLISH MASALALARI

ANNOTATSIYA

Maqola o‘rindoshlik asosida xodimlar bilan mehnat shartnomasini tuzish, o‘zgartirish va bekor qilish bilan bog’liq muammoli masalalarga, shuningdek ularning ishini tashkil etishdagi muammolarga bag‘ishlangan. Xususan, o‘rindoshlarning maksimal ish vaqti, o‘rindoshlik asosida ishlayotgan xodimlarga mehnat haqqini to`lashdagi xususiyatlar, vaqtincha mehnatga layoqatsizlik nafaqalarini to’lash, o‘rindoshlik asosida ishlayotgan xodimlar bilan mehnat shartnomasini bekor qilishdagi nuanslari va boshqalar. Muallif mehnat huquqi fanida va amaliyotda o`rindoshlarning ish vaqtiga turlicha yondashuvlarni tahlil qilib, qonunchilikdagi ayrim qarama-qarshiliklarni qayd etadi. O‘rindoshlar mehnatini o‘rganish jarayonida, albatta, asosiy e’tibor mehnat qonunchiligining

muammoli normalariga qaratildi. O‘rindoshlik asosida ishlayotgan xodimlar ish vaqtini huquqiy tartibga solish samaradorligini oshirish maqsadida mehnat qonunchiligining ayrim normalariga o`zgartish va qo‘shimchalar kiritish variantlari taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: o‘rindoshlik, o‘rindoshlarning maksimal ish vaqti, o‘rindoshlik asosida ishlayotgan xodimlarga ish haqini to‘lashdagi xususiyatlar, vaqtincha mehnatga qobiliyatsizlik nafaqalarini to‘lash, o‘rindoshlik asosida ishlayotgan xodimlar bilan mehnat shartnomasini bekor qilishdagi nyuanslar.

KHOJABEKOV Muftulla
Senior lecturer at Tashkent State University of Law
E-mail: Muftulla_khojabekov@mail.ru

ISSUES OF LEGAL REGULATION OF PART-TIME WORK

ANNOTATION

The article is devoted to problematic issues related to the conclusion, amendment and termination of an employment contract with part-time workers, as well as problems in the organization of their work. In particular, questions often arise regarding the maximum working hours of part-time workers, about the features of remuneration for part-time workers, as well as the payment of temporary disability benefits, the nuances of terminating an employment contract with part-time workers, etc. The author analyzes various approaches to part-time work in the science of labor law and in practice, noting some contradictions in the legislation. In the course of studying part-time work, the main emphasis was certainly directed to the problematic norms of labor legislation regarding the work of part-time workers. In order to improve the efficiency of legal regulation of part-time employment, options for adjusting some norms of labor legislation are proposed.

Keywords: part-time work, maximum working hours of part-time workers, features of remuneration for part-time workers, payment of temporary disability benefits, nuances when terminating an employment contract with part-time workers.

Учитывая во внимание не только экономический рост страны, но и уровень социальной жизни граждан в Узбекистане, в последние годы наблюдается весьма повышенный интерес к работе по совместительству. В таком виде занятости заинтересованы не только работники, но и сами работодатели. Объясняется такой подход тем, что в определенных случаях работодателям представляется выгодным принимать на работу по совместительству (например, юрисконсультов либо бухгалтеров).

В обществе институт по совместительству характеризуется как взаимовыгодное условие труда: с одной стороны, эффективно использовать трудовой потенциал работника, а с другой — повысить общий уровень материальной обеспеченности человека [1, С.79].

Несмотря на специфическую позицию, которую представляет собой совместительство, у него есть и принципиальные особенности, а также проблемные моменты, требующие более полного и конкретного правового регулирования. В частности, одним из актуальных проблем на сегодняшний день является возможность совместителей работать на полной ставке. При этом, трудовым законодательством установлено, что продолжительность работы по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени.

Помимо этого, в статье затрагивается вопрос относительно оплаты труда по совместительству. Безусловно данный момент уже имеет четкое законодательное обоснование в Положении о порядке работы по совместительству и совмещения профессий и должностей, утвержденное Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18.10.2012 г. № 297 (далее Положение о совместительстве), однако на практике кадровыми специалистами не редко допускается случай неверного толкования [2, С.3].

В соответствии со ст. 37 Конституции Республики Узбекистан каждый имеет право на труд, что позволяет гражданам без каких-либо притеснении и ограничении осуществлять свою трудовую деятельность. Большинство работников безусловно заинтересована в дополнительном источнике дохода, наиболее распространенный способ – дополнительная работа [3, С.6].

Трудовым законодательством в качестве дополнительных работ установлены

«совместительство», «совмещении профессий и должностей», «увеличение объема работ», «расширение зоны обслуживания», в случаях временного отсутствия работника, который выполнял эти обязанности, без освобождения от своих собственных обязанностей [4, С.310].

Максимальная продолжительность рабочего времени совместителей.

Чаще всего на практике применяется работа по совместительству, которая имеет свои особенности. Очевидно, что многим совместителям, за исключением врачебного персонала организаций системы здравоохранения установлена продолжительность рабочего времени, не превышающая половину нормы рабочего времени. Такое законодательное утверждение вызывает вопросы у определенной группы лиц, заинтересованные в работе по месту совместительства на полной ставке в целях улучшения своего материального состояния, в частности:

1.Какова максимальная продолжительность работы по совместительству?

Трудовым законодательством продолжительность работы по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников на работе по совместительству. При этом закон не запрещает работнику заключить несколько трудовых договоров по совместительству (в том числе с одним и тем же работодателем) при условии, что по каждому из них работник будет работать не более чем на 0,5 ставки. Аналогичная норма установлена в ст. 437 нового Трудового кодекса [5, С.712].

Следует отметить, что ограничения в пункте 7 Положения о совместительстве не распространяется на врачебный персонал организаций системы здравоохранения. Однако, в соответствии с абзацем 9 подпункта «а» пункта 1 Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию сферы культуры и искусства» от 02.02.2022 г. № ПП-112 разрешено принимать на работу по совместительству на должность учителя по предмету «Музыка» и руководителя практического кружка по музыке общего среднего образовательного учреждения на полную ставку специалистов, имеющих документ о профессиональном или высшем образовании по музыкальному искусству, владеющих навыками исполнения мелодий как минимум на трех национальных музыкальных инструментах, в свободное от их основной работы время и с сохранением условий оплаты труда по основному месту работы [6, С.2].

1. Если предельная норма работы по совместительству не должна превышать половины от нормального рабочего времени, то возможно ли работать по совместительству на полной ставке, работая на 0,5 ставке по основному месту работы?

Как уже ранее отметили, продолжительность работы по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников на работе по совместительству.

Нельзя допускать оформления совместителя на полную ставку, поскольку это считается неправомерными и будут иметь чреватые последствиями. В случае обнаружения такого нарушения трудового законодательства сотрудником государственной инспекции труда работодатель может быть привлечен к ответственности на основании ст. 49 Кодекса об административной ответственности [7, С.17].

2. Если работник берет отпуск без сохранения зарплаты на 3 месяца. Может ли он в этот период работать либо устроится на работу по совместительству на полную ставку?

Отметим, что трудовым законодательством данный вопрос прямо не урегулирован, следовательно, целесообразно тщательно изучить такой вид деятельности. Для начало необходимо отметить, что под совместительством понимается выполняемая работником, помимо своей основной работы, другая оплачиваемая работа на условиях трудового договора, в свободное от основной работы время. Детальный анализ определения работы по совместительству позволяет полагать, что такая работа может выполнятся в свободное от основной работы время. Учитывая, что работник находится в отпуске без сохранения заработной платы означает, что он на протяжении всего этого периода является свободным от основной работы. Следовательно, предлагается внести изменение в ст. 437 нового Трудового кодекса и изложить ее в следующей редакции: «Продолжительность рабочего времени по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников при работе по совместительству (за исключением врачебного персонала организаций системы здравоохранения и иных случаев, предусмотренных законодательством).

Совместителям допускается работать на полной ставке в период их нахождения в отпуске без сохранения заработной платы».

3. Допускается ли работа по совместительству на полной ставке, если работник находится в длительном оплачиваемом отпуске (например, в период творческих отпусков либо в отпусках по уходу за ребенком и т.д.)

Трудовое законодательство не даёт конкретного ответа на данный вопрос. Если оценивать эту проблему по общим правилам трудового права, то можно выяснить для себя, что работника нельзя трудоустроить по совместительству на полную ставку, если по основному месту работы оформлен отпуск. При этом не важно какой отпуск – ежегодный оплачиваемый или за свой счет. Основанием служит пункт 7 Положения о совместительстве продолжительность работы по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников на работе по совместительству (за исключением врачебного персонала организаций системы здравоохранения).

Преобразование совместительства в основную работу

Не редко на практике с совместителями прекращается трудовой договор, после которого актуальным становится дальнейшая судьба договора по второму месту работы [8, С.20]. Ошибочно думать, что при прекращении трудового договора по основному месту совместителя, договор по второму месту работы автоматически станет основным. Как известно, при заключении трудового договора сторонам необходимо уточнить вид занятости (основная работа либо работа по совместительству). Иными словами, все условия и основные моменты договора должны быть согласованы сторонами. Следовательно, ни о какой автоматической трансформации договора совместительства речи быть не может. Преобразование трудового договора по совместительству в основное место работы должен осуществляться в строгом соответствии со ст. 96 Трудового кодекса Республики Узбекистан.

Гарантии при направлении внешнего совместителя на командировку.

Очередное отличие встречается так же при направлении работника на командировку в пределах и за пределами Узбекистана.

При командировке в пределах Узбекистана лицам, совмещающие профессий и внутренним совместителям гарантировано сохранение среднего месячного заработной платы, в то время как внешним совместителям такая командировка может навредить его доходу.

Известно, что в августе 2022 года было принято новое Положение о служебных командировках в пределах Республики Узбекистан, утвержденное Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 02.08.2022 г. № 424. В соответствии с пунктом 12 данного Положения командировка работника осуществляется путем достижения согласия между работодателями. Однако, среднемесячная заработная плата за работником сохраняется лишь по основному месту работы [9, С.8].

Основным регулятором командировки работников за пределами Узбекистана является Положение о порядке выдачи средств на командировочные расходы при командировках работников министерств, ведомств, предприятий и организаций за пределы Республики Узбекистан. Однако, данное Положение хоть и не содержит специальной нормы, касательно сохранения заработной платы совместителя при направлении его на командировку за пределы Узбекистана, можно сделать вывод, что состояние совместителя никак не изменится по сравнению с внутренней командировкой [10, С.7].

Текущее положение внешних совместителей по сравнению с внутренними совместителями имеет ряд осложнений, учитывая, что последние могут не беспокоится по поводу сохранения за ними заработной платы при направлении на командировку [11, С.31]. Иными словами, направляясь на командировку, единственное на что может рассчитывать внешний совместитель - сохранение среднемесячной заработной платы в организации, направившая его. В связи с этим стоит внимательно изучить данный вопрос с точки зрения, как работника, так и работодателя.

Если исходить с позиции внешнего совместителя, то надо учитывать, что он заключил отдельный трудовой договор, следовательно, по идее должен он владеть всеми правами, что и основные работники. Тем самым, представляется уместным внести в трудовое законодательство норму, которая гарантирует внешним совместителям сохранения среднемесячной заработной платы и по основному месту работы, и по месту совместительства при направлении на командировку. Однако, это всего лишь предположение.

Но с другой стороны надо принять во внимание положение работодателя тоже. Поскольку,

сохранить среднемесячную заработную плату за работником, который был направлен на командировку в интересах работодателя по основному месту работы выглядит несправедливо в отношении работодателя по месту совместительства.

Право на получение пособий по временной нетрудоспособности.

Трудовым законодательством совместителям предоставлено право на получение пособий по безработице, а женщины, кроме того, пособия по беременности и родам.

Рассматривая вопрос о выплате пособий по временной нетрудоспособности необходимо изучить отдельно позицию внутреннего и внешнего совместителя. При внутреннем совместительстве работнику достаточно получить один лист о нетрудоспособности и предоставить его работодателю. В то время как внешний совместитель должен получить лист и предоставить заверенную копию листка нетрудоспособности, выданного учреждением здравоохранения. Работодатель обязан оплачивать на основании больничного листа период временной нетрудоспособности. Поэтому сотрудники, работающие по совместительству в организации, имеют полное право на получение пособия по временной нетрудоспособности.

Как мы уже ранее отметили, женщинам, работающим по совместительству предоставляется право на получение не только пособий по нетрудоспособности, но и пособие по беременности и родам. Данное пособие выплачивается при получении совместителем отпуска по беременности и родам. Следовательно, для начало необходимо уточнить порядок предоставления этих отпусков.

Ежегодный основной отпуск как отмечено в ст. 143 действующего ТК РУз за первый рабочий год предоставляется по истечении шести месяцев работы.

Однако, существует и отдельная категория лиц, отпуска которым предоставляются до истечения шести месяцев. В их число относятся совместители тоже, которым отпуска предоставляются одновременно с отпуском по основному месту работы с оплатой пропорциональной времени работы по совместительству. Данная статья, обязывает работодателей предоставить совместителям отпуска по их письменной просьбе.

Для получения женщинами-совместителями отпуска по беременности и родам необходимо предъявить копию листка о нетрудоспособности. Лишь этот документ является основанием для предоставления отпуска по беременности и родам. Учитывая такие затраты, работодатели возможно предпочитают воздержаться от их приема на работу, однако, трудовым законодательством эти вопросы довольно подробно рассмотрены. Например,

Если работодатель откажет работникам в приеме на работу, то в соответствии со ст. 78 ТК РУз, его действия будут признаны неправомерными, а это в свою очередь грозит привлечением к административной ответственности по ст. 49 Кодекса об административной ответственности. Но если работодатель принял на работу беременную женщину, которая по истечении определенного времени вышла в отпуск по беременности и родам, и отказывается платить пособие по уходу за ребенком, то в соответствии со ст. 49^3 КоАО в отношении него будет применено наложение штрафа от десяти до пятнадцати базовых расчетных величин [7, С.18]. То же правонарушение, совершенное повторно в течение года после применения административного взыскания, влечет наложение штрафа от пятнадцати до тридцати базовых расчетных величин.

Порядок предупреждения совместителя при увольнении.

Известно, что в соответствии со ст. 102 ТК РУз не предусмотрен срок предупреждения совместителей о прекращении трудового договора. В целом, такой подход не сильно вредит совместителям, однако все же является ущемлением их прав. Изучение зарубежного опыта, в частности трудового законодательства Российской Федерации показывает, что при увольнении совместителей в качестве срока предупреждения установлено двухнедельный срок [12, С.24]. Однако, в соответствии со ст. 441 нового Трудового кодекса в случае приема на данную работу работника, для которого эта работа будет являться основной, о чем работодатель в письменной форме предупреждает совместителя не менее чем за две недели до прекращения трудового договора либо выплачивает ему соразмерную денежную компенсацию.

Подводя итог рассмотрению актуальных проблем работы по совместительству, сформулируем следующие предложения, направленные на устранение существующих недостатков трудового законодательства и повышение эффективности правового регулирования совместительства.

Во-первых, при наличии у работника свободного от основной работы времени, он может

официально устроится на другой работе в качестве совместителя. График работы в этом случае формируется индивидуально. В большинстве случаев не допускается прием на работу совместителей на полную ставку. Основанием, для данного утверждения является пункт 7 Положения о совместительстве, согласно которому продолжительность работы по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников на работе по совместительству;

Во-вторых, пункт 7 Положения о совместительстве позволяет врачебному персоналу организаций системы здравоохранения работать на полной ставке и по месту совместительства. Кроме того, в соответствии с абзацем 9 подпункта «а» пункта 1 Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию сферы культуры и искусства» от 02.02.2022 г. № ПП-112 право работать по совместительству на полной ставке предоставляется также учителям по предмету «Музыка» и руководителя практического кружка по музыке общего среднего образовательного учреждения, имеющих документ о профессиональном или высшем образовании по музыкальному искусству, владеющих навыками исполнения мелодий как минимум на трех национальных музыкальных инструментах;

В-третьих, вопрос о наличии либо отсутствии права у совместителей работать на полную ставку в период отпуска без сохранения заработной платы не урегулирован трудовым законодательством Республики Узбекистан. Основываясь на определении термина «совместительства» стоит обратить внимание на право совместителей осуществлять дополнительную работу в свободное от основного работы время. Однако, для более конкретного законодательного регулирования данного вопроса представляется необходимым внести в трудовое законодательство норму, позволяющая совместителям работать на полную ставку в обозначенный период. Предлагается внести изменение в ст. 437 нового Трудового кодекса и изложить ее в следующей редакции:

«Продолжительность рабочего времени по совместительству не может превышать половину нормы рабочего времени, установленной для данной категории работников при работе по совместительству (за исключением врачебного персонала организаций системы здравоохранения и иных случаев, предусмотренных законодательством).

Совместителям допускается работать на полной ставке в период их нахождения в отпуске без сохранения заработной платы»;

6. Раҳмонқулов Ҳ. Гражданство - это предмет, метод и принципы права. - Ташкент: ТДЮИ, 2003.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ТОШПУЛАТОВ Акром Икромович
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси (DSc),
юридик фанлар номзоди
E-mail: a.toshpulatov4@gmail.com

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ ПРИНЦИПИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА АКС ЭТИШИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШПУЛАТОВ А.И. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида акс этиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 84-89.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-13

АННОТАЦИЯ

Тенглик принципи жиноят қонунчилигида фақат бир жиҳатда, яъни жиноят содир қилган шахсларнинг бир хилда жиноий жавобгарликка тортилиши зарурлигида намоён бўлади. Шу билан биргаликда, ушбу принцип бир хилда жавобгар бўлиш ва жазоланишни, яъни жиноий жавобгарликнинг ва жазо тайинлаш чегаралари ва мазмуни бир хиллигини англатмайди. Мақолада тенглик принципининг жиноят қонунида акс этиши ва унинг амалда қўлланилишига оид назарий қарашлар, амалиёт ўрганилган. Бунда шахснинг жинси, ёши, хизмат мавқеига қараб фарқлар бўлиши мумкин. Тадқиқот натижалари асосида ушбу принципни жиноят қонуни нормасида ифодаланиши ва амалиётда қўлланиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фуқаро, қонун, принцип, тенглик, жиноий жавобгарлик, жазо.

ТОШПУЛАТОВ Акром Икромович
Самостоятельный соискатель Ташкентского государственного
юридического университета (DSc), кандидат юридических наук
E-mail: a.toshpulatov4@gmail.com

РЕАЛИЗАЦИЯ ПРИНЦИПА РАВЕНСТВА ГРАЖДАН ПЕРЕД ЗАКОНОМ В УГОЛОВНОМ КОДЕКСЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

АННОТАЦИЯ

В Уголовном кодексе принцип равенства проявляется только в одном: в все лица, совершившие общественно-опасное деяние подлежат уголовной ответственности. Вместе с тем, этот принцип не означает их равной ответственности и наказания, то есть общность пределов и содержания уголовной ответственности и наказания. Различие может заключаться, исходя из некоторых различий пола, возраста, и служебного положения. В статье рассматриваются теоретические взгляды, практика реализации принципа равенства в уголовном праве и его практического применения. По результатам исследования были разработаны предложения по закреплению этого принципа в нормах уголовного права и его применению на практике.

Ключевые слова: гражданин, закон, принцип, равенство, уголовная ответственность, наказание.

TOSHPULATOV Akrom
Independent researcher (DSc) of Tashkent State University of law PhD in law
E-mail: a.toshpulatov4@gmail.com

REFLECTION OF THE PRINCIPLE OF EQUALITY OF CITIZENS BEFORE THE LAW IN THE CRIMINAL CODE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ANNOTATION

In the Criminal Code, the principle of equality is manifested in only one thing: that all persons who have committed a socially dangerous act are equally subject to criminal liability. At the same time, this principle does not mean their equal responsibility and punishment, that is, equal limits and content of criminal responsibility and punishment. The difference may lie, for example, in the sex or age of the person, and in the official position. The article deals with theoretical views, the practice of reflecting the principle of equality in criminal law and its practical application. Based on the results of the study, proposals were developed to consolidate this principle in the norm of criminal law and its application in practice.

Keywords: citizen, law, principle, equality, criminal liability, punishment.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги белгиланган.

Жиноят кодексининг (ЖК) 5-моддасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи «жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар» деган таҳрирда баён этилган.

Конституцияда барча фуқаролар тенглиги ҳақида сўз юритилган бўлса, ЖК 5-моддасида жиноят содир қилган шахсларнинг тенглиги назарда тутилган.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан ушбу принципни жиноят қонунига киритиш шартми, бу принцип Конституцияда акс эттирилган ва у қонунда кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслигидан қатъий назар барча ҳуқуқ соҳалари учун мажбурий бўлади, деган қарашлар мавжуд. Шунингдек, ЖК да белгиланган тенглик принципи фақат жиноят содир қилган шахсларнинг тенглигини кафолатлаб, бошқа шахслар ушбу принцип доирасидан четга чиқиб қолганлигини таъкидланиб, ушбу принципни ЖКдан чиқариб ташлаш таклифларини билдиришган» [1. Б.20].

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи номи ва матни бир-бирига мос эмаслигини таъкидлаган И.Э.Эвечаровский жиноят субъектлари сифатида нафақат фуқаролар, балки фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий фуқаролар ҳам бўлишини билдирган ҳолда, ушбу принцип номидан «фуқаролар» сўзини чиқариб ташлашни таклиф қилган» [2. Б.50].

Айрим муаллифлар фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи номидаги фуқаролар сўзи ушбу принципнинг моҳиятига тўғри келмаслиги билан бирга, қонунийлик принципини ҳам бузилишига олиб келишини таъкидлашган. Чунки қонунийлик принципи белгиланган моддада жиноят қонунини аналогия бўйича қўллаш тақиқи ҳам мавжуд. ЖКда фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахсларнинг ҳам тенглигини белгилайдиган норма мавжуд эмас. Шу сабабдан ҳам барчанинг тенглигига оид конституциявий нормани (РФ Конституциясида фуқароларнинг тенглиги эмас, балки барчанинг тенглиги белгиланган) қўллаш учун, ҳоҳлайсизми йўқми, аналогияга мурожаат қилишга тўғри келади. Бу эса ЖКнинг 3-моддасидаги қонунийлик принципига зид ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам бу ҳолатдан чиқиш учун ЖК 4-моддаси номидаги «фуқароларнинг» сўзини чиқариб ташлаш орқали ечим топиши мумкин [3. Б.37].

Н.Ф.Кузнецова эса фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги принципи масаласини таҳлил қилар экан, модданинг номида барча фуқароларнинг тенглиги кўрсатилган бўлса, модда матнида фақат жиноят содир қилган шахслар ҳақида сўз юритилганлигини билдиради. Аслида тенглик жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг барча иштирокчилари, яъни жиноят содир қилган шахслар, жабрланувчилар, қонунни қўлловчи шахслар учун ҳам қўлланилиши керак [4. Б.70-71].

Албатта, ушбу принцип мазмунига кўра фақат жиноят содир қилган шахслар тенглиги

ҳақида сўз юритилар экан, принцип номидаги барча фуқароларнинг тенглиги қандай таъминланади, деган савол очиқ қолади.

Шу билан биргаликда тенглик принципини мутлақ ўзгармас принцип сифатида ҳам қараш керак эмас. Жумладан, жазо тайинлашда вояга етмаганлар, аёллар ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ўзига хос енгилликларни ҳам ушбу принцип мазмунига зид ҳолат сифатида баҳоламаслик керак. Т.Р.Сабитов ушбу масалага эътибор қаратиб, РФ ЖКда ўлим жазоси аёлларга нисбатан қўлланилмаслиги ҳамда суд томонидан жарима жазосини қўллашда нафақат қилмишнинг ижтимоий хафлилиги, балки судланаётган шахснинг ва уни оиласининг моддий аҳволи, судланган шахснинг ойлик маоши ёки бошқа даромад олиш имконига қараб тайинланишини ҳам тенглик принципига тўғри келмайди, деб ҳисоблаган [5. Б.249].

1999 йилдаги Россия жиноят ҳуқуқи дарслиги муаллифлари эса, тенглик принципи жиноят содир қилган шахсларнинг ҳар қандай ўзига хос хусусиятларини йўққа чиқариб уларни тенглаштириб қўяди, деб ҳисоблашади. Ўз фикрларининг исботи сифатида Жиноят кодекси Махсус қисмида мансабдор шахсларнинг қилмишни квалификация қилувчи белги сифатида кўрсатилиши, РФ ЖКнинг 11-моддасида белгиланган дипломатик ва бошқа иммунитетга эга шахслар жавобгарлигига оид қоидаларни келтиришган [6. Б.48].

Бундай қарама-қаршиликларни бартараф қилиш учун олимлар томонидан бир қанча таклифлар билдирилган. В.В.Мальцев «фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи» деган номни «қонун ва суд олдида тенглик принципи» деб ўзгартиришни ва матнини «Барча шахслар қонун ва суд олдида тенг. Тенглик ижтимоий ҳаётнинг барча субъектларининг бир хил манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, ижтимоий хавфи ва даражаси бир хил бўлган жиноятларни содлир қилган шахсларнинг бир хил жавобгарликка тортилиши орқали таъминланади» деган таҳрирда баён қилишни таклиф қилган [1. Б.151].

Н.Г.Иванов эса, тенглик принципи жиноят қонуни доирасида нафақат декларатив хусусиятга эга бўлиб, балки ортиқча ҳам ҳисобланади, чунки у қонунийлик ва айб принципларини такрорлаб, барчанинг ЖК олдида тенглиги ҳақида иллюзияни вужудга келтиради, деб таъкидлаган [7. Б.20].

Т.Р.Сабитов ҳам В.В.Мальцев фикрларига қўшилган ҳолда, ЖКда фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги принципини белгилаш шарт эмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ушбу принцип жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга эмас, у моҳиятан конституциявий нормани такрорлайди.

Юқорида билдирилган фикрлар бўйича эътирозларимизни қуйидагича асослашга ҳаракат қиламиз:

биринчидан, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги конституциявий принципни такрорлаганлиги учун уни ЖКда белгилаш керак эмас деб ҳисоблайдиган бўлсак, қолган конституциявий принципларни ҳам (масалан, қонунийлик, демократизм) ЖКга киритиш зарурати бўлмасди;

иккинчидан, жиноий жазо тайинлашда айрим тоифадаги шахсларга нисбатан берилган ўзига хос енгилликларни тенглик принципини бузилиши сифатида баҳолаш мумкин эмас, чунки қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик принципларига мувофиқ ҳар бир шахснинг ёши, жисмоний имкониятлари ва бошқа ўзига хос хусусиятлари жазо тайинлашда ҳисобга олинишини кафолатлайди;

учинчидан, тенглик принципи жиноят қонунчилигида фақат бир жиҳатда, яъни жиноят содир қилган шахсларнинг бир хилда жиноий жавобгарликка тортилиши зарурлигида намоён бўлади. Шу сабабдан ҳам бу принцип, барчанинг бир хил жавобгар бўлиши ва жазоланишини англатмайди;

тўртинчидан, вояга етмаган шахслар ўз ёшига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда катта ёшдаги жиноят содир қилган шахслар биан бир хилда жавобгар бўлишлари мумкин эмас, шунинг учун ЖКда вояга етмаганлар жавобгарлиги хусусиятлари ажратилиб берилган;

бешинчидан, тенгликни мутлақ принцип сифатида тушуниш субъектларни ёши доирасига қараб бир неча турларга бўлинишини ҳам мантиқсиз қилиб қўйишига олиб келган бўлар эди;

айрим турдаги мансабдор шахсларга оид жавобгарликнинг ўзига хосликлари ҳам тенглик принципи мазмунига зид келмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, жинот қонунида тенглик фақат жиноят содир қилган барча шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишида тенгликни англатади.

Шу ўринда, бугунги кунда гендер тенглик масалалари долзарб бўлиб турган ҳолда, эркаклар

ва аёлларнинг тенг жиноий жавобгарлиги бўлиши ҳақида турли масалалар кўтарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир қанча моддаларида аёлларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида эркакларга нисбатан бир қанча енгилроқ ёндашув борлигини кузатишимиз мумкин.

Жумладан, Жиноят кодекси 50-моддасининг тўртинчи қисмида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга нисбатан қўлланилмаслиги, олтинчи қисмида озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилаётган аёлларга тайинланадиган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Жиноят кодексининг 51-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга нисбатан тайинланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 72-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ, ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган эркакларга нисбатан шартли ҳукм қўлланилмаслиги белгиланган бўлса, бундай тақиқ аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

Бундан ташқари, Жиноят кодексида ҳомиладор аёлнинг жиноят содир қилиши жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши ва аксинча ҳомиладор аёлга нисбатан жиноят содир қилиниши жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланиши ҳам белгилаб қўйилган.

Хўш бу нормалар гендер тенглик масалалари бўйича қандай таҳлил қилиниши керак, тенглик иккала жинс вакиллари учун ҳам тенг жавобгарликни назарда тутмайдими? деган саволлар келиб чиқаради.

Аёлларнинг жиноятга қўл уришлари сабаблари ва уларнинг жавобгарлиги масалалари мамлакатимиз олимлари Қ.Р.Абдурасулова, З.С.Зарипов, И.Исмоилов, М.Усмоналиев, С.Ниёзовалар томонидан таҳлил қилинган бўлиб, улар аёлларнинг жиноят содир қилиши сабаблари ва олдини олиш учун қандай чоралар кўрилиши кераклиги бўйича тадқиқотлар олиб боришган, ўз тадқиқотларида аёлларнинг жиноий жавобгарлиги масаласидаги ўзига хосликни уларнинг ҳимояси учун хизмат қилишларини таъкидлашган.

С.Ниёзова аёллар жиноятчилиги сабаблари сифатида жамиятдаги қийинчиликлар, эртанги кунга ишончсизлик, аёлнинг оилада ягона боқувчи бўлиб қолиши, оиладаги қадриятларнинг ўзгариши, ижтимоий ҳуқуқсизликни кўрсатган [8].

Шу билан биргаликда, аёллар жиноятчилиги эркаклар жиноятчилигидан сон жиҳатидан ҳам, содир қилинган жиноятлар турлари жиҳатидан ҳам фарқ қилинишини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг статистик маълумотларига кўра 2022 йилнинг 9 ойи давомида судланган эркаклар 37924 нафарни, аёллар эса 4802 нафарни ташкил қилган (умумий судланганларнинг деярли 13%), яъни судланган эркаклар сони судланган аёллар сонига нисбатан 8 баравар кўпроқни ташкил қилади [9].

Кўриниб турибдики, биринчидан, аёллар жиноятчилиги эркаклар жиноятчилигидан бир неча баробар кам, иккинчидан, аёлларнинг жиноят содир этиши мотивлари эркакларнинг жиноят содир этиш мотивларидан фарқ қилади, учинчидан, аёлларнинг жамиятда, оилада тутган ўрни уларнинг кўпроқ жабрланувчи бўлиб қолишига сабаб бўлади ва шу сабабдан уларни жиноятлардан ҳимоя қилишга оид қоидаларнинг жиноят қонунчилигида бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Жиноят кодексида белгиланган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи барчанинг тенг жавобгарлигини ва тенг жазо чораларини қўллашни эмас, балки жиноят содир қилган барча шахсларнинг кимлигидан қатъий назар бир хилда жавобгар бўлишини назарда тутади.

Жазо тайинлашда аёлларнинг, вояга етмаган шахсларнинг, қарияларнинг жинсга оид, ёш ва жисмоний хусусиятларини ҳисобга олиниши тенглик принципини бузиш эмас, аксинча маълум бир маънода тенг имкониятга эга бўлмаган шахсларни кучлироқ муҳофаза қилишни назарда тутади.

Шу сабабдан ҳам, аёлларнинг жиноий жавобгарлиги бўйича жиноят қонунида белгиланган ўзига хос хусусиятлар гендер тенглик тамойилларига зид эмас, деб ҳисоблаймиз.

Албатта биз, ЖКнинг 5-моддасида белгиланган тенглик принципи идеал деб ҳисоблашдан йироқмиз ва уни такомиллаштириш зарурати мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Энг аввало 5-модда номидаги «фуқароларнинг» ва модда матнидаги «жиноят содир этган шахсларнинг» деган жумлалар бир-бирига тўғри келмаслиги яққол кўриниб турибди. Бу принцип конституциядан олинган бўлиб, Конституциянинг 18-моддасида

айнан фуқароларнинг тенглиги ҳақида сўз юритилган, деб эътироз билдириш мумкин. Ҳақиқатда ҳам Конституциянинг 18-моддасида айнан фуқароларнинг тенглиги белгиланган. Фикримизча, Конституцияда фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан шундай йўл тутилган, чунки Конституциянинг 19-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлиги белгиланган.

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар борасида Конституцияда фуқаро эмас, балки ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари кафолатланганлигини кўришимиз мумкин. Чунки, Конституциянинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи **ҳар бир инсоннинг** узвий ҳуқуқи эканлиги, 25-моддасида **ҳар ким** эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги; **ҳеч ким** қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши мумкин эмаслиги; 26-моддасида жиноят содир этганликда айбланаётган **ҳар бир шахснинг** иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган **шахсга** ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши, **ҳеч ким** қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги, **ҳеч кимда** унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги; 27-моддасида **ҳар ким** ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгалиги, **ҳеч ким** қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги; 29-моддасида **ҳар ким** фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, **ҳар ким** ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгалиги; 31-моддасида **ҳамма учун** виждон эркинлиги кафолатланиши, **ҳар бир инсон** хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Демак бу ҳуқуқларни таъминлашни Конституция нафақат фуқароларга нисбатан, балки барчага нисбатан кафолатламоқда.

Бундан ташқари, ЖКнинг 8-моддасида **ҳеч ким** айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги, 10-моддасида қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган **ҳар бир шахс** жавобгарликка тортилиши шартлиги белгиланган. Шунингдек. ЖКнинг ҳудуд бўйича амал қилишига оид қоидаларни белгилаган 11 ва 12-моддаларида, жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган 16-моддасида, жиноят субъекти масалалари очиб берилган 17-моддада ҳам фуқаро эмас, балки **шахс** ҳақида сўз юритилган.

ЖК 5-моддаси ва матнидаги номувофиқлик масаласи бўйича ўтказилган сўровда суриштирувчи ва терговчиларнинг фикри ҳамда судьялар фикрида фарқлар борлиги кузатилди.

ЖКнинг 5-моддаси «Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи» деб номланади. Модданинг матнида эса «... шахслар» қонун олдида тенглиги белгиланган. 5-модда номини «Қонун олдида тенглик принципи» деб ўзгартириш фикрига қандай қарайсиз деган саволга суриштирувчи ва терговчиларнинг 48 фоизи ижобий қарайман, фуқаро ва шахс икки хил тушунча бўлганлиги сабабли 5-модда номи ҳам ўзгартирилиши керак деб, 51 фоизи салбий қарайман, уни ўзгартириш ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас деб фикр билдиришган бўлса, Судьяларнинг 87 фоизи ЖК 5-моддаси номини ўзгартиришни қўллаган бўлса, 13 фоизи ушбу таклифни қўлламаслигини билдиришган.

Хорижий тажрибага мурожаат қилсак, Россия ЖК 4-моддасида фуқароларнинг қонун олдида тенглиги барча жиноят содир қилган шахслар қонун олдида тенглиги ва кимлигидан қатъий назар жиноий жавобгарликка тортилиши мазмунида, Беларусь ЖКнинг 3-моддаси ҳам айнан шу мазмунда белгиланган. Озарбайжон ЖКнинг 6-моддаси қонун олдида тенглик деб номланиб, унинг биринчи қисми барчамизга маълум бўлган ирқ, жинс, миллат каби фарқланадиган хусусиятлардан ташқари сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларига мансублигидан қатъий назар тенглиги белгиланиб, иккинчи қисмида эса биринчи қисмда кўрсатилган ҳолатларни асос қилиб ҳеч ким жавобгарликка тортилмаслиги ва жазоланмаслиги ёки жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгиланган.

Тожикистон ЖКнинг 5-моддаси қонун олдида тенглик принципи деб номланиб, у бир қисмдан иборат ва Озарбайжон ЖКнинг 6-моддаси биринчи қисми билан айнан бир хил.

Қирғизистон ЖКнинг 4-моддаси фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи деб номланиб, мазмунан мамлакатимиз ЖК 5-моддаси мазмунига ўхшаш, аммо унда тенгликни

билдирадиган умумий тушунчалар (ирқи, жинси, миллати ва ҳ.к.) билан бирга дискриминация учун асос бўладиган бошқа ҳолатлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

МДҲ давлатлари учун Намунавий жиноят кодексининг 6-моддасида ҳам жиноят содир қилган шахслар қонун олдида тенглиги ва жинси, ирқи, миллати, келиб чиқиши, мулкий ва хизмат мавқеи, динги муносабати, эътиқоди, жамоат ташкилотларига мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъий назар жиноий жавобгарликка тортиладилар, деб белгиланган.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қилган ҳолда, ЖКнинг фуқароларинг қонун олдида тенглиги принципи номини ўзгартириш ва мазмунига аниқлик киритиши керак деб ҳисоблаймиз.

Жиноят кодексининг 5-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

«**5-модда. Қонун олдида тенглиги принципи**

Жиноят содир этган шахслар қонун олдида тенг бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортиладилар».

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мальцев В. В. Принципы уголовного права. – Волгоград, 2001. – 264 с.

2. Звечаровский И. Э. Современное уголовное право России. – М.: 2008. – 97 с.

3. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть: учеб. / под ред. А. И. Рарога. – М., 2001.

4. Курс уголовного права. Общая часть. Т. 1. Учение о преступлении: учеб. / под ред. Н. Ф. Кузнецовой, И. М. Тяжковой. – М., 1999.

5. Сабитов Т.Р. Уголовно-правовые принципы: понятие, система и виды. Дис. ... док. юрид. наук. – Екатеринбург, 2019.

6. Уголовное право. Общая часть: учеб. / под ред. В. Н. Петрашева. – М., – 1999.

7. Иванов Н. Г. Модельный уголовный кодекс. Общая часть. Опус № 1. – М., 2003.

8. Ниёзова С. Аёллар нега жиноятга қўл урадилар? http://hudud24.uz/ayollar-nega-jinoyatga-%D2%9B%D1%9El-uradilar/

9. https://stat.sud.uz/file/2022//18-10/%D1%81%D0%B0%D0%B9....pdf.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

МАМАНОВ Сардоржон Собир ўғли
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
Академияси мустақил изланувчиси
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги етакчи инспектори

ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА СТАНДАРТ ВА ТАВСИЯЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАМАНОВ С.С. Халқаро ҳужжатларда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бўйича стандарт ва тавсиялар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б 90-97.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-14

АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг профилактик чоралари сифатида “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва зарурий элементлари миллий амалиёт ва халқаро стандарт, тавсиялар мисолида кўриб чиқилди. Айтиш лозимки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишга доир давлат сиёсати коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган сабабларни бартараф этишга қаратилган янги профилактик чораларни кўришдан иборат бўлмоқда. Ушбу йўналишда миллий амалиётимизда қўлланилаётган профилактик чоралардан бири бу давлат ташкилотларида жорий этилаётган “комплаенс-назорат” тизимининг самарадорлиги натижасида халқаро доирада эришилаётган ютуқлар илмий қарашлар орқали ёритиб берилди. Шунингдек, “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этувчи зарурий элементлар халқаро тавсиялар ва олим, экспертларнинг қарашлари орқали таҳлил қилинди. Бунда аксарият ҳолатларда ушбу тизимни ташкил этишдаги асосий эътибор коррупцияга қарши курашиш дастури ва совға, меҳмон-дўстликлар сиёсати, манфаатлар тўқнашуви, контрагентларни аниқлаш, давлат харидлари шаффоф амалга ошириш ташкил этиши аниқланди. “Комплаенс-назорат” тузилмалари фаолиятини ташкил этиш, бунда халқаро ҳужжатларнинг ўрни хусусида муаллифнинг хулосалари ва илмий қарашлари тақдим этилди.

Калит сўзлар: “комплаенс-назорат”, халқаро конвенция, стандарт ва тавсиялар, давлат ва хусусий сектор.

МАМАНОВ Сардоржон
Самостоятельный соискатель Правоохранительной академии Республики Узбекистан
Ведущий инспектор Агентства по противодействию коррупции Республики Узбекистан

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ ПО ВНЕДРЕНИЮ СИСТЕМЫ АНТИКОРРУПЦИОННОГО «КОМПЛАЕНС-КОНТРОЛЯ» В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

АННОТАЦИЯ

В статье, на примере отечественной практики, международных стандартов и рекомендаций рассмотрены особенности и необходимые элементы внедрения системы «комплаенс-

контроль», как превентивной меры борьбы с коррупцией в деятельности государственного и частного сектора. Следует сказать, что в последние годы государственная политика Узбекистана по борьбе с коррупцией была ориентирована на принятие новых превентивных мер, направленных на устранение причин коррупции, а не последствий коррупционных проявлений. В этом направлении одной из превентивных мер, применяемых в отечественной практике является эффективность системы «комплаенс-контроль», внедренной в государственных организациях, а достижения, достигнутые в международных рамках, освещены через научные взгляды. Также были проанализированы необходимые элементы, составляющие систему «комплаенс-контроль», через международные рекомендации и мнения ученых и экспертов. В большинстве случаев было установлено, что основным направлением в организации данной системы является антикоррупционная программа и прозрачная реализация подарков, политика гостеприимства, конфликты интересов, идентификация контрагентов, государственные закупки. В заключении представлены авторские выводы и научные взгляды на организацию деятельности структур «комплаенс-контроля», и роль международных документов.

Ключевые слова: «комплаенс-контроль», международная конвенция, стандарт и рекомендации, государственный и частный сектор.

MAMANOV Sardorjon
Independent researche of the Law
Enforcement Academy Republic of Uzbekistan
Lead inspector of the Anti-Corruption Agency of the Republic of Uzbekistan

INTERNATIONAL STANDARDS AND RECOMMENDATIONS FOR THE IMPLEMENTATION OF THE COMPLIANCE CONTROL SYSTEM FOR ANTI-CORRUPTION

ANNOTATION

In the article, on the example of domestic practice and international standards and recommendations, the features and necessary elements of the implementation of the “compliance control” system as a preventive measure to combat corruption in the activities of the public and private sectors are considered. It should be said that in recent years, the state policy of Uzbekistan in the fight against corruption has been focused on the adoption of new preventive measures aimed at eliminating the causes of corruption, and not the consequences of corruption. In this direction, one of the preventive measures used in our domestic practice is the effectiveness of the the “compliance control” system implemented in government organizations, and the achievements achieved in the international framework were highlighted through scientific views. The necessary elements that make up the the “compliance control” system were also analyzed through international recommendations and opinions of scientists and experts. In most cases, it was found that the main direction in the organization of this system is the anti-corruption program and the transparent sale of gifts, hospitality policy, conflicts of interest, identification of counterparties, public procurement. At the end of the article, the author’s conclusions and scientific views on the organization of the activities of the “compliance control” structures, the role of international documents are presented.

Keywords: “compliance control”, international convention, standards and recommendations, state and private sector.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда **давлат хизматига ҳалоллик стандартларини** жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган **сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга асосий эътибор қаратилган** ва ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Бу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан

давлат органлари ва ташкилотлари кесимида **коррупцияга қарши ички назорат (“комплаенс”)** тизимини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга доир чоралар кўрилмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сонли Қарори асосида 2021 йил 1 октябрдан бошлаб **барча давлат органлари ва ташкилотлари,** шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш норматив жихатдан белгиланди.

Бугунги кунга келиб, **117 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан банкларда **1520 нафар** штат бирликларидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиши таъминланди.

Маълумот учун: 55 та Республика давлат бошқарув органлари ва улар таркибидаги ташкилотлар, 28 та хўжалик бошқарув органлари, 13 та тижорат банклари, 11 та маҳаллий ҳокимликлар ва 10 та бошқа давлат ташкилотлари улушига тўғри келади [1].

Айтиш лозимки, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган мамлакатларда давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибида **коррупцияга қарши “комплаенс-назорат”** тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Бугунга келиб, мазкур тизимнинг давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупциявий хавфларни минималлаштиришдаги жихатлари нафақат маълум бир давлат ёки компания мисолида балки айнан халқаро даражада ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган стандарт ва тавсиялар қабул қилинган.

Шунга кўра, қуйида ушбу йўналишда бир қатор стандарт ва тавсияларнинг илмий мунозара нуқтаи-назаридан кўриб чиқишимиз ўринли бўлади.

Биринчи ҳужжат, БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенция”си. Халқаро ҳамжамиятнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги энг муҳим ютуғи БМТнинг “Коррупцияга қарши конвенцияси” **(United Nations Convention against Corruption)** қабул қилинганлиги ҳисобланади. Конвенция Бош Ассамблеянинг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4 резолюцияси билан қабул қилинган.

Конвенциянинг миллий қонунчилигимизда имплементация қилиниши Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни асосида ратификация қилинган [2].

Конвенция ва ундаги талаблар ҳам коррупциявий жиноятларнинг олдини олишда бир қатор самарали профилактик чораларни ўзида мужассам этганлиги ҳам унинг ўзига хослигини белгилайди.

БМТ томонидан конвенциянинг қабул қилиниши, нафақат давлат идоралари, балки бир ўринда хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни янада мустаҳкамлаш заруриятини **халқаро даражада қатъий қилиб қўйилди.**

Хусусан, хусусий сектор иштирокчилари фаолиятида коррупцияга қарши курашишнинг тавсиявий чораларини белгилаб ўтади, яъни конвенциянинг 12-модда “Хусусий сектор”, 21-модда “Хусусий секторда пора эвазига оғдириш”, 22-модда “Хусусий секторда мулкнинг талон-торож қилиниши”, 39-модда “Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик” каби моддаларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, олдини олишнинг профилактик чоралари амалга ошириш бўйича тавсиялар келтирилган. Уларнинг халқаро даражада акс этиши хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ошиб бораётганлиги билан боғлиқлигини кўрсатади [3].

Масалан, ташкилот раҳбарининг уставда белгиланган вазифаларига қатъий риоя этиши лозим бўлсада, бироқ фаолият жараёнида ўзига шахсий мулки бўлмаган ташкилот ресурсларидан шахсий манфаатлари йўлида мақсадсиз ёки бошқа шахсларнинг фойдасига тасарруф этиши ҳамда коррупциявий мақсадларда ташкилот манфаатларига зид бўлган ҳаракатларни содир этиши натижасида ушбу тоифадаги ҳуқуқбузар-ликларнинг юзага келишига асос бўлаётганлиги каби ҳолатлардир.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида конвенциянинг 12-моддасида “ҳар бир иштирокчи давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, **бухгалтерия ҳисоботи ва ички аудит стандартларини** кучайтириш, тегишли ҳоллатларда мазкур чораларга риоя қилинмаслиги

учун самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш тартибларини белгилайди" дея кўрсатилган.

Бу каби мақсадларга эришиш учун конвенцияни ратификация қилган давлатлар томонидан коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштиришга оид аниқ тавсиялар келтириб ўтади.

Булар қуйидагилардан иборат:

- коррупцияга оид жиноятларга қарши курашишда давлат ва хусусий сектор иштирокчилари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш чораларини йўлга қўйиш;
- фаолиятда **очиқлик ва шаффофликни** меъёрларини таъминлаш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган стандартлар яратиш ва ушбу тадбирларни рағбатлантириш;
- давлат ташкилотларидаги мансабдор шахсларнинг **тижорий фаолият** юритиши орқали юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви олдини олиш;ташкилот фаолиятида **ички идоравий** назорат механизмларини жорий этиш, уларнинг иқтисодий фаолияти ва молиявий ҳисоботларига нисбатан аудитлаш ва сертификатлаш тартибларини жорий этиш [3].

Умуман олганда, конвенция ҳар қандай шаклдаги ташкилот фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар минималлатиришда устувор вазифалар сифатида бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ошкоралигини таъминлаш, бухгалтерия стандартлари, ички аудит ва уларни умумлаштирган ҳолда **ички идоравий назорат механизмаларини** тартибга солиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтади.

Фикримизча, корррупцияга қарши курашиш йўналишидаги устувор халқаро ҳужжат ҳисобланувчи конвенция ва ундаги тавсиявий талаблар иштирокчи давлатлар томонидан фаолиятда коррупцияга қарши превентив чораларни жорий лозимлиги айтиб ўтади, бунда коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали ва таъсирчан чораларидан бири фаолиятда **ички идоравий назорат тизимларини** жорий этиш орқали ривожлантиришни назарда тутади.

Конвенциянинг бу каби нормалари коррупцияга қарши "комплаенс-назорат" тизимини қамраб олувчи таркибий элементлари ҳисобланади.

Айтиш лозимки, бугунга келиб Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати коррупциявий ҳолатларнинг оқибати билан эмас, балки уларни олдини олишга қаратилган превентив механизмларни жорий этиш ҳисобланмоқда.

Бунга яққол мисол сифатида, давлат секторида коррупцияга қарши курашишдаги асосий механизм сифатида белгиланаётган "комплаенс-назорати"ни келтириш мумкиндир.

Бу орқали, мамлакатимиз конвенциянинг ушбу йўналишдаги тавсияларини босқичма-босқич тўлиқ жорий этиб келмоқда, ўз навбатида мазкур жараён мамлаткатнинг **халқаро рейтингларда** устувор аҳамият касб этиши, инвестицион жозибадорлигини ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат қилишига асос бўлмоқда.

Хусусан, **Transparency International** халқаро ташкилоти томонидан 2022 йил учун эълон қилинган "Коррупцияни қабул қилиш индекси"нинг янгиланган рейтингида **Ўзбекистон** 2021 йилга нисбатан **14 поғонага** кўтарилиб, 180 мамлакат орасида 31 баллик натижа билан **126-ўринни** эгаллади (2021 йил натижаларига кўра 140-ўринни эгаллаган эди) [3].

Иккинчи ҳужжат, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (кейинги ўринларда - ИҲТТ) томонидан қабул қилинган стандарт ва тавсиялар. Коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солишга қаратилган халқаро стандартларнинг кейинги тоифаси бу ИҲТТ томонидан қабул қилинган Европа конвенцияси ва халқаро тавсиялардан иборатдир.

Шунга мувофиқ, мазкур ҳужжатлардаги коррупцияга қарши курашиш йўналишида айнан "комплаенс-назорати" тизимини ташкил этувчи асосларни қуйидаги халқаро стандарт ва тавсиялар мисолида илмий таҳлил қилиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ИҲТТнинг соҳани такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тавсиявий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Бу ўринда айнан "комплаенс-назорат" тизимига оид энг яхши амалиёт ва тажрибаларни ўзида мужассам этга**н** "Ички назорат, этика ва комплаенс бўйича Йўриқнома" **(Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance)**ни улардан бири сифатида келтириш мумкиндир.

Олимлар **Жой Мурпфу ва Донна Боэҳмеларнинг** "Ички назорат, этика ва комплаенс бўйича йўриқномага илмий шарҳ"лар **(Commentary on the oecd good practice guidance on internal controls, ethics and compliance)** номли илмий мақоласида хусусий сектор фаолиятида жорий этилиши керак бўлган коррупцияга қарши барча турдаги чораларни кўрсатиб ўтади.

Жумладан, совға ва меҳмондўстликлар (hospitality), турли кўнгилочар дастурлар, ҳомийлик ҳаражатлари, маъмурий ҳаражатлар (facilitation payments), коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар бериш сиёсати каби қоидаларни айнан "комплаенс-назорат" тизимининг асосий тавсифларидан бири сифатида келтириб ўтади. Бунда, ташкилот ўз тизимида мазкур профилактик тизимни жорий этиш жараёнида айнан ушбу жихатларни инобатга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади [4].

Уз навбатида, ўзбек олимлари **Б.Исмаилов ва И.Насриевларнинг** "Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалар" номли дарслигида давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олишдаги асосий воситалардан бири сифатида "комплаенс-назорати" тизимининг самарадорлигини таъминлаш назарда тутадилар.

Бу ўринда, ушбу тизимнинг таркибий элементлар йиғиндиси сифатида эса коррупцияга қарши курашиш ва совға сиёсати, манфаатлар тўқнашуви, контрагентларни аниқлаш, давлат харидларини шаффоф амалга ошириш эканлигини алоҳида илмий ёндашув орқали келтириб ўтадилар [5].

Бизнингча, олимларнинг "комплаенс-назорат" тизимини ташкил этишдаги омилларни келтиришда, аввало, давлат секторида энг кўп коррупциявий омиллар юзага келадиган жихатлари инобатга олингандир, яъни минимал қоидалар белгиланган.

Бироқ, бунда ҳар бир ташкилотни ўзида комплаенс қоидаларни жорий этиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча тадбирларни белгилаши мумкин бўлади.

Учинчи ҳужжат, 2011 йилда эса халқаро миқёсда фаолият юритадиган Коррупцияга қарши ҳамкорлик ташаббуси билан "Коррупцияга қарши курашнинг глобал принциплари. Йўриқнома" **(Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption)** қабул қилинди.

Йўрикномада "порахўрлик, товламачилик, пора бериш ва олишга қарши курашиш" дея номланиб, унда коррупцияга қарши курашишда қуйидаги жиҳатлар алоҳида кўрсатилади:

1. Давлат ҳокимиятида мансабдор шахслар ва хусусий сектор ўртасидаги коррупция мақсадидаги ҳамкорликни чеклаш.

2. Пора бериш учун учинчи шахсларнинг кучидан фойдаланишни тақиқлаш.

3. Маъмурий тўловларни тақиқлаш ёки энг қуйи даражада минималлаштириш.

4. Due Diligence – учинчи томон шахсларнинг ишончлилигини баҳолаш.

5. Коррупция хавф-хатарларга қарши курашишга оид **комплаенс дастурларни** ишлаб чиқиш.

6. Фаолият очиқлиги ва жамоатчилик олдидаги мунтазам ҳисобдорлик.

7. Сиёсий фаолиятни ноқонуний молиялаштиришни тақиқлаш [6].

Таъкидлаш лозимки, бу каби коррупцияга қарши курашиш дастурларни ишлаб чиқиш ИҲТТдан олдинроқ бошланган бўлиб, жумладан, **Жаҳон банки (2010) ва Халқаро савдо палатаси (2011)** [7] томонидан юқорида таҳлил қилинган ҳужжатга қиёсий Йўрикномалар ишлаб чиқилган. Бунда Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти **(The Organization of the Petroleum Exporting Countries, OPEC)** томонидан 2007 йилда Бизнес фаолиятдаги компаниялар Коррупцияга қарши аҳлоқ кодекси кабилардир.

Шу ўринда, "комплаенс-назорат"ни ташкил этувчи мазкур элементнинг илмий таҳлилини келтириб ўтиш ўринли бўлади. Хусусан, аксарият ҳужжатларда давлат ёки хусусий йўналишларда давлат хизматчиси ва ходимларнинг коррупцияга қарши курашишда даставвал улардаги юритиш, одоб-аҳлоқ қоидалари риоя қилиши энг асосий тартиблардан бири ҳисобланади.

Олима Г. Бочаеванинг мавзуга доир илмий мақоласида одоб аҳлоқ кодекси ташкилот фаолиятининг барча йўналишларини тартибга солишга қаратилган кенг муносабатларни қамраб олади ва ички доирадаги иштирокчилар учун норматив-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган умумбелгиланган мажбурий аҳамиятдаги аҳлоқ қоидаларини белгилайди [8, Б.630-634] дея таъкидлаб ўтади.

Мисол учун, манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган аниқ қоидалар, раҳбар ва ходим ўртасидаги муносабатлар, совғаларга доир тартиб қоидалар, коррупцияга қарши қоидалари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш механизмалари каби аниқ тартиб нормативлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Ёки, комплаенс масалалари бўйича юридик маслаҳатчи, **"Буюк келажак" эксперти**

Г.Мухамедова илмий мақоласида жаҳон тажрибасида коррупцияга қарши кураш бўйича ўзини оқлаган бир қатор усуллар мавжуд бўлиб буни олдини олишда жазо чоралари самараси унча муҳим эмас. Коррупцияга қарши курашда асосий эътибор уни олдини олиш чораларига қаратилиши керак. Масалан, давлат хизматчиларининг ўз фаолияти давомида аниқ белгиланган одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилиши ёки ушбу йўналишдаги ишлар мактаб ёшидан одоб-ахлоқ бўйича мақсадли таълим дастурлари орқали босқичма-босқчи аҳолига етказиб бориши, натижада эса шахс давлат хизматига кирганда бу каби аниқ тартибларга риоя қилиш руҳида тайёр бўлиши лозимлигини таъқидлаб ўтади.

Бунда, давлат хизматида коррупцияни олидини олишда албатта умумбелгиланган хулқ-атвор ва аҳлоқ қоидаларини ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб ўтади [9].

Шунга кўра, ахлоқ кодекси давлат ва хусусий сектор иштирокчилари фаолиятининг жамоавий юриш-туриш қоидаларини белгиловчи ички меъёрий ҳужжати эканлигини тушуниш мумкиндир. Бу орқали, иштирокчилар аниқ қоидалар доирасида ўз фаолиятини юритадилар, агарда бу доирадан чиқиб кетилганда маълум бир таъмир чоралар ёки жазолаш қоидалари билан чегараланиши мумкин.

Тўртинчи ҳужжат, давлат ва хусусий секторда коррупция ҳолатларни олдини олишга қаратилган яна бир кенг тарқалган халқаро ҳужжатлардарн бири Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гуруҳи **(Partnering Against Corruption Initiative)** томонидан 2004 йилда ишлаб чиқилган Коррупцияга қарши курашиш халқаро принциплари (**Global Principles for Combating corruption)** ҳисобланади. Халқаро ҳужжат дунёнинг йирик иқтисодий салоҳиятидаги Жахон иқтисодий форумининг аъзолари, TI вакиллари **(Texas Instruments Incorporated is an American technology company)** ва Базел бошқарув институти (Basel Institute on Governance) [10] вакилларини ўз ичига олади.

Коррупцияга қарши ҳамкорлик ишчи гуруҳи томонидан 2013 йилда халқаро бозор талабларига мувофиқ ушбу халқаро принциплар (Principles of PACI) қайта кўриб чиқилди. Бунда фаолияти бизнесга йўналтирилган компаниялар учун “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг 6 та асосий принципларини ўз ичига олган.

1. Tone at the tope - компания рахбарияти томонидан коррупцияга нисбатан муросасизлик истаги ва интилишларини шахсий намуна асосида жамоага намойиш этиш.

2. Zero tolerance to corruption - коррупция ҳолатлар юзага келишига нисбатан “0 (нол)” даражадаги чидамлилик маданиятини шакиллантириш.

3. Transparency - корпоратив шаффоф фаолиятнинг таъминланиши ошиши.

4. Compliance - компания фаолиятининг барча соҳаларида максимал қонунга риоя этилишини таъминлаш.

5. Counterparty - юқори ахлоқий, коррупцияга қарши курашиш стандартларига риоя этувчи бизнес ҳамкорлар билан муносабатни йўлга қўйиш.

6. Мунтазам коррупцияга қарши курашиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш [11].

Тўртинчи ҳужжат, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини тартибга соладиган яна бир халқаро стандартлардан бири, Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган “Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида” (янги таҳрирдаги) ги **(Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision)** ҳужжати ҳисобланади.

Мазкур тавсиялар банк ва кредит ташкилотлари фаолиятига таалуқли бўлиб, унда коррупция хавфларини камайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг фаолиятини ўрнатилган қонун ва стандартларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Базел тавсиялари ўзида коррупция хавфини юридик жиҳатдан ўрнатилган ёки давлат органлари томонидан қўлланадиган молиявий санкция сифатида баҳолайди.

Базел тавсиялари ўзида “комплаенс-назорати” тузилмаси фаолиятини юритиш давомида унинг ваколат доирасига кирувчи масалаларнинг қатор рўйхатини белгилайди: қонунлар, ички ўрнатилган қоидалар, ҳулқ-атвор стандартларига мувофиқ ҳаракат қилиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, фаолият шаффофлигини жамоатчилик назорати элементлари асосида ташкил этиш, каби фаолият йўналишлари белгиланган.

Базел қўмитасининг 2005 йил апрелида қабул қилинган **“Банклардаги комплаенс ва комплаенс функция тўғрисида”ги** ҳужжатидаги тавсияларда банк ва компанияларда комплаенс назорат тизимини ташкил этиш ва “комплаенс-назорат” тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ташкил этишда қуйидаги **тавсиялар келтириб ўтилади:**

a) “комплаенс-назорати” тузилмасининг мақомини, ваколат ва вазифалар доирасини аниқ белгилаш;

b) “комплаенс-назорати” тузилмаси фаолиятининг мустақиллигини таъминловчи механизмларни яратиш;

c) “комплаенс-назорати” тузилмаси банкдаги бошқа таркибий тармоқлари ўртасидаги аниқ муносабатлар доирасини ички ҳужжатлар асосида белгилаш, масалан, ички аудит хизмати ўртасида;

d) “комплаенс-назорати” тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш ва ходимларининг коррупцияга оид маълумотларни тақдим этилишидаги ҳамкорлик қилиш мажбурияти белгилаб олиш;

e) “комплаенс-назорати” тузилмасининг коррупциявий ҳолатлар юзасидан зарурий ҳужжатларни ҳеч қандай тўсиқларсиз ижро органларига эркин тақдим этиш ва ошкор қилиш ҳуқуқини таъминлаш;

f) “комплаенс-назорати” тузилмаси мавжуд коррупция ҳолатлари ҳақида мунтазам равишда раҳбариятга ҳисобот тақдим этиши;

g) “комплаенс-назорати” тузилмасининг фақатгина раҳбариятга бўй-суниш мақомини белгилаш қатор устувор вазифалар тавсия сифатида келтириб ўтилган [12].

Умуман олганда, Базел қўмитаси томонидан ташкилий шаклидан қатъий назар барча шаклдаги ташкилот, корхоналар тизимида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этишда тақдим этилаётган юқоридаги қоидалар унинг ўзига хослигини ҳам кўриш мумкиндир. Чунончи, ҳужжат ушбу тавсиялар максимал даражада ихтисослашув асосида “комплаенс-назорат” тизимини самарали ташкил этишни назарда тутади.

Бироқ, шу ўринда таъқидлаш лозимки, Базел қўмитасининг ушбу ҳужжати орқали “комплаенс-назорат” тузилмаси фаолиятини ташкил этишдаги бир қатор ижобий ва самарали қоидаларни ўзида акс этган бўлишига қарамай, ҳужжат моҳиятан **тавсиявий аҳамиятга** эга эканлиги билан чекланиб қолган.

Юқоридагиларга кўра, коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимига оид халқаро стандарт ва тавсияларнинг умумбелгиланган нормаларининг илмий-қиёсий таҳлилига якун ясар эканмиз, булардан **қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:**

биринчидан, халқаро стандарт ва тавсияларнинг аксариятида коррупцияга қарши курашиш сиёсати акс этган бўлиб, улардан самарали восита сифатида ички идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш орқали амалга ошириш лозим эканлиги кўрсатилган;

иккинчидан, ҳужжатларда коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали профилактик чоралари сифатида бухгалтерия ҳисоботини юритиш устидан назорат ва аудит стандартларини кучайтириш, ички идоравий назорат механизмларини такомиллаштиришни ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳабар бериш (whistle blowing policy) яратишни назарда тутади;

учинчидан, ҳужжатларда хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши энг самарали чораларидан бири сифатида ўз фаолиятида “комплаенс-назорат” тизимини ташкил этиши тавсия этилади;

тўртинчидан, ҳужжатларда “комплаенс-назорат” тузилмасини жорий этишга оид аниқ тавсиялар келтирилган бўлиб, унинг мустақиллиги тўла таъминланиши ва фаолиятини амалга оширишда устувор вазифаларга эга бўлиши ҳамда биринчи раҳбарга ҳисоб берувчи самарали жиҳатлар асосида тизим яратиш лозимлиги келтирилган;

бешинчидан, ҳужжатларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ҳабар беришнинг мукаммал тизими яратиш лозимлиги аниқ тавсиялардан бири сифатида келтириб ўтилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайтидаги расмий маълумот // URL: https://anticorruption.uz/uzc-/item/Rasmiy+nutq+va+bayonotlar;

2. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 июлдаги “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни // URL: https://lex.uz/docs/1369505;

3. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайтидаги расмий маълумот // URL: https://anticorruption.uz/uzc-/item/

Rasmiy+nutq+va+bayonotlar;

4. Joe Murphy and Donna Boehme “Commentary on the oecd good practice guidance on internal controls, ethics and compliance” – Rutgers Journal of Law & Public Policy, Spring 2012 // URL: https://rutgerspolicyjournal.org/sites/jlpp/files/9-4_Murphy_RTPv2.pdf;

5. Б.И.Исмаилов, И.И.Насриев Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш масалалари//Ўқув-услубий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби. 2020.-272 б. // URL: https://213.230.96.:8090/files/ebooks Yurisprudentsiya/Коррупцияга%20қарши%20курашиш%20бўйича%20идоравий%20чоратадбирларнинг%20самарадорлигини%20ошириш%20масалалари.pdf;

6. Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 // URL: http://www3.weforum.org-/docs/WEF_PACI_Global_Principles-_for_Corruption.pdf;

7. World Bank Group Integrity Compliance Guidelines 2010 // URL: https://wallensteinlaw.com;

8. Г.В. Бочаева, “Кодекс корпоративного поведения как элемент системы корпоративного управления” // Текст: непосредственный // Молодой ученый. -2016. - № 10 (114) // URL: https://moluch.ru/archive/114/30047;

9. Г.Муҳамедова “Коррупция билан қандай курашиш лозим? Самарали усуллар ва хорижий тажриба” Франция тараққиёт агентлигининг (ФТА) комплаенс масалалари бўйича юридик маслаҳатчи, “Буюк келажак” эксперти // URL: https://interkomitet.uz/bosh-sahifa-kir/korrupcija-bilan-andaj-kurashish-lozim-samarali-usullar-va-horizhij-tazhriba/?lang=oz;

10. Basel Committee on Banking Supervision - Guidelines on the corporate governance principles for banks // URL: https://assets.kpmg.com/content/dam/kpmg/pdf /2016/05/Corpo rate-Governance-Principles.pdf;

11. Partnering Against Corruption Initiative Global Principles for Combating corruption. World Economic Forum, May 2016 // URL: http://www3.weforum.org/docs-/WEF_PACI_Global_Principles.pdf;

12. Compliance and the compliance function in banks The Basel Committee on Banking Supervision // URL: https://www.bis.org/publ/bcbs113.pdf.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ПРИМОВ Обиджон Мусирманович
Независимый соискатель Университета общественной
Безопасности Республики Узбекистан (PhD)

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕГЛАМЕНТАЦИИ КОНФЛИКТА ИНТЕРЕСОВ КАК МЕРА ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ПРИМОВ О.М. Зарубежный опыт регламентации конфликта интересов как меры противодействия коррупции // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) С. 98-102.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-15

АННОТАЦИЯ

В статье проанализирован зарубежный опыт правовой регламентации конфликта интересов как меры противодействия коррупции, рассмотрены особенности, формы и методы противодействия конфликту интересов. Поскольку, интенсивная работа над проблемами коррупции в последнее время привела большинство исследователей к мнению о том, что одни только «карательные операции», опирающиеся на суровые санкции уголовного закона, приводят лишь к обострению проявлении коррупции. Как показывает зарубежный опыт борьбы с коррупцией, даже четко разработанной системы превентивных мер подчас бывает недостаточно. По результатам исследования сформулированы предложения по совершенствованию национального законодательства.

Ключевые слова: коррупция, зарубежный опыт, правовая регламентация, конфликт, борьба с коррупцией, профилактика.

ПРИМОВ Обиджон Мусирманович
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустакил тадқиқотчиси (PhD)

МААНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ - КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАСИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада коррупцияга қарши чора сифатида манфаатлар тўқнашувини ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий тажрибаси таҳлил қилинади, ҳамда манфаатлар тўқнашувига қарши курашишнинг хусусиятлари, шакллари ва усуллари кўриб чиқилади. Чунки коррупция муаммолари бўйича олиб борилган жадал ишлар сўнгги пайтларда аксарият тадқиқотчиларни фақат жиноят қонунчилигининг қаттиқ санкцияларига асосланган «жазо чоралари» коррупциянинг намоён бўлишини кучайтиришга олиб келади, деган фикрга олиб келди. Коррупцияга қарши кураш бўйича хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ҳатто профилактика чораларининг яхши ишлаб чиқилган тизими ҳам баъзан етарли эмас. Ўрганиш натижаларига кўра миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: коррупция, хориж тажрибаси, ҳуқуқий тартибга солиш, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши кураш, олдини олиш.

PRIMOV Obidjon
Independent researcher at University of Public Safety (PhD)

FOREIGN EXPERIENCE IN REGULATION OF A CONFLICT OF INTEREST AS A MEASURE TO COUNTER CORRUPTION

ANNOTATION

The article analyzes the foreign experience of legal regulation of the conflict of interest as an anti-corruption measure, considers the features, forms and methods of countering the conflict of interest. Since, intensive work on the problems of corruption has recently led most researchers to the opinion that only “punitive operations”, based on the harsh sanctions of the criminal law, only lead to an aggravation of the manifestation of corruption. As foreign experience in the fight against corruption shows, even a well-developed system of preventive measures is sometimes not enough. Based on the results of the study, proposals were formulated to improve national legislation.

Keywords: corruption, foreign experience, legal regulation, conflict, fight against corruption, prevention.

Коррупция – универсальная проблема. Она была опасна для государств, которых уже нет, и опасна для современных государств. Поэтому точнее будет сказать, что это – универсальное свойство любого государства, свойство, которое потенциально, в определенных условиях социального бытия может привести к появлению проблем, ставящих под сомнение само существование государства. Существенное значение коррупции для стран мира заставляет с особым напряжением разрабатывать оптимальную стратегию спасения государства от коррупции.

Интенсивная работа над проблемами коррупции в последнее время привела большинство исследователей к мнению о том, что одни только «карательные операции», опирающиеся на суровые санкции уголовного закона, приводят лишь к обострению этого явления.

Однако, как показывает опыт борьбы с коррупцией, даже четко разработанной системы превентивных мер подчас бывает недостаточно. Реформирование сферы услуг, снижение силы мотивов чиновников для вступления в коррупционные отношения, расширение прозрачности государственной деятельности следует признать наиболее очевидными целями борьбы с коррупцией. Низкий уровень заработной платы чиновников, закрытость или даже секретность финансирования являются далеко не самыми существенными условиями коррупции. Гораздо существеннее, когда коррупция основана на законе, когда сам закон способствует её возникновению.

На законодательном уровне постоянно идет поиск баланса правового регулирования наиболее результативных мер борьбы с данной коррозией общественных, государственно-управленческих отношений. Одной из граней многогранного явления, борьбы с коррупционными проявлениями, является разрешение проблемы **«конфликта интересов»** в публичной сфере.

Исследование проблемы «конфликта интересов» в нашей стране имеет небольшую историю. Несмотря на наличие исследовательских трудов касающиеся противодействия коррупции в отечественной науке, стоит отметить, что вопрос проблемы «конфликта интересов» остается проблемным, нерешенным и весьма интересным. Вместе с тем, правовая регламентация конфликтов интересов, возникающих на публичной сфере, нашла свое отражение в международных правовых актах, послуживших ориентиром для отечественного законодателя. Необходимость введения в отечественное законодательство термина «конфликт интересов» вытекало из принятых на себя Узбекистаном международных обязательств, следующих из Конвенции ООН против коррупции (2003 г.) [1].

Опыт зарубежных стран демонстрирует большое разнообразие подходов не только к определению термина «конфликт интересов», но и к предотвращению, выявлению и разрешению данного конфликта. Однако, как верно отмечают авторы Руководства Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР) по разрешению конфликтов интересов на государственной службе пока государственные должностные лица имеют законные интересы, вытекающие из их статуса как отдельных граждан, конфликта интересов нельзя избежать простым запретом [2].

Нормы современного права, регулирующие конфликт интересов, различаются как субъектным составом ограничений, так и их масштабом.

Более того, в некоторых странах, например, в Эстонии, чиновникам прямо разрешается заниматься предпринимательством. Так, согласно ст. 72 Закона Эстонской Республики «О публичной службе» от 25 января 1995 г., государственный чиновник может заниматься предпринимательством с разрешения назначившего его на должность лица или казенного учреждения. При этом оговаривается, что предпринимательство не должно служить препятствием для выполнения служебных обязанностей и наносить вред престижу службы.

Говоря о масштабе ограничений, мы имеем в виду то, что все ограничения можно подразделить на три вида в соответствии с теми тремя способами связи государства и общества. Первый вид – это ограничения, накладываемые на чиновника, когда он еще является таковым, второй адресуется бывшим чиновникам, или чиновникам в отставке, а третий связан с ограничениями участия в политической жизни общества. В различных странах, таким образом, в зависимости от использования одного вида ограничений или всех сразу налицо различный масштаб ограничений, связанных с публичной службой.

В Великобритании, например, ограничения касаются только чиновников в отставке. Согласно нормативным ограничениям, существующим в этой стране, служащие высших ступеней в течение двух лет после отставки имеют право поступить на работу вне государственного аппарата только с разрешения правительства, причем для высших двух рангов решение принимается на уровне комитета советников при премьер-министре. Служащие более низких рангов тоже обязаны получать разрешения, если они намерены поступить на работу в фирмы, с которыми были ранее связаны по службе либо имели доступ к конфиденциальной информации о конкурентах своих потенциальных нанимателей. Так, между 1985 и 1990 годами за такими разрешениями обратилось 114 человек, в том числе 39 сотрудников министерства обороны [3, С.129].

В США ограничения носят более масштабный характер, а регулируются – огромным количеством нормативных документов. Основным источником в данном отношении является Раздел 18, глава 2 «Дача взятки, подкуп и конфликт интересов» Свода законов США, ст. ст. 201-208, а также кодексы этики, имеющие юридическую силу и закон Хэтча 1939 года с изменениями 1993 года. Согласно положениям, изложенным в Своде законов, получение жалования на стороне, равно как выплаты чиновнику за представительство интересов третьей стороны запрещается, а научная и преподавательская деятельность ограничивается. Второй вид ограничений более мягок, чем в Великобритании. После отставки, чиновник не имеет права в течение двух лет представлять интересы третьих лиц перед тем органом власти, в котором он проходил службу (18 U.S.C. § 207 (a)-(d)). Исполнительным приказом 12834 от 20 января 1993 г. Президент Клинтон ужесточил данное требование для высших руководителей, обязав их воздерживаться от отношений с любым государственным органом в течение пяти лет.

И, наконец, в отношении третьего вида ограничений американцам опять-таки есть чем гордиться. Еще в 1939 году принимается закон Хэтча (Hatch act), согласно которому чиновники не имели права участвовать в любом качестве в избирательных кампаниях, включая сбор пожертвований и пропаганду, а также использовать своё служебное положение для действий в пользу какой-либо политической партии.

Однако в 1993 году Конгресс изменил закон Хэтча: теперь государственным служащим разрешается принимать участие в политической жизни в любых формах (начиная от наделения правом выставлять свою кандидатуру и заканчивая возможностью носить знаки отличия определенной партии на работе). Вместе с тем масштаб изменений был существенно ограничен. Во-первых, он затронул статус только федеральных государственных служащих. Во-вторых, прежние ограничения остались в силе для тех чиновников, которые проходят службу в некоторых агентствах и службах (например, сотрудники ЦРУ, Департамента юстиции, Службы Высших Руководителей, судей административного права (см. Code of Federal Regulations, Part 733, § 733.105).

Во Франции чиновник, даже после выхода в отставку, хранит в отношении государства обязательства сдержанности и беспристрастности, что выражается в запрете на занятие определенными видами частной деятельности. Существует также общий запрет на совместительство [3, С.220].

Наиболее строгие правила, регулирующие вопросы конфликта интересов, существуют в

ФРГ [4, С.220]. Государственный служащий для того, чтобы получить возможность заниматься любой другой работой помимо основной, должен запросить специальное разрешение высшей служебной инстанции. Разрешение не требуется для осуществления обязанностей опекуна, ухода за больными или немощными, обязанностей по исполнению завещания, отправления свободной профессии, управления собственным имуществом, деятельности, связанной с обучением и исследованиями в научных институтах и учреждениях. Государственные служащие не вправе заниматься какой-либо предпринимательской деятельностью лично или через доверенных лиц, в том числе участвовать в деятельности правления, наблюдательного совета или в ином органе общества, товарищества или предприятия любой иной правовой формы.

Источником нормативных актов, регулирующих конфликт интересов, являются акты федерального правительства. Согласно постановлению Правительства ФРГ от 12 ноября 1987 г. побочной является всякая деятельность, не входящая в основной круг обязанностей, независимо от того, осуществляется ли она по месту службы или вне его. Кроме того, побочной деятельностью считается и деятельность в интересах федерации или земли как публично-правовых образований, а также юридических лиц публичного права. К ней приравнивается побочная деятельность:

- в объединениях, учреждениях, на предприятиях, капитал которых принадлежит публичному собственнику;
- в межгосударственных учреждениях, в деятельности которых принимает участие юридическое лицо публичного права;
- в организациях, которые обеспечивают охрану интересов субъекта публичного права.

Побочная деятельность в подобных учреждениях допускается только в том случае, если его задачи не совпадают с задачами, выполняемыми по месту основной службы. Вознаграждение за неё по общему правилу не выплачивается (вознаграждением считаются любые материальные преимущества).

Постановление содержит также правила, ограничивающие «эффект шлепанцев». Если после окончания служебных правоотношений работа государственного служащего (бывшего говорить нельзя, так как статус государственного служащего принадлежит индивиду пожизненно) связана с той деятельностью, которую он осуществлял в предыдущие пять лет, находясь в служебных отношениях с государством, он обязан уведомить последнюю высшую инстанцию. Она может запретить ему осуществлять текущую деятельность в том случае, если есть опасения, что в результате его занятий наносится ущерб служебным интересам. Запрет теряет силу через пять лет после окончания служебных правоотношений.

Неизбывность коррупции, её функциональный характер, порождают подозрение в том, что она укоренена в государственном аппарате. Это подозрение находит свое подтверждение в наиболее общем и наиболее распространенном определении коррупции. Согласно ему коррупция – это злоупотребление публичной властью в личных интересах. Институциональные корни коррупции – в отношении между государством и чиновником, которое и позволяет чиновнику злоупотреблять использованием ресурсов государства в двух формах: либо непосредственно в своих интересах (например, в виде казнокрадства), либо за ренту, в интересах других индивидов и их групп (с помощью взятки и т.д.). Другими словами, поскольку сущность государства допускает конфликт интересов, постольку существует коррупция. Следовательно, коррупцию нельзя рассматривать всего лишь как симптом плохого управления. Цель борьбы с коррупцией – не в её искоренении, а в её минимизации. Отсюда следует также призрачность успеха борьбы с коррупцией методом «сильной руки».

На данный момент Законодательная палата Олий Мажлиса Узбекистана на пленарном заседании 25 октября сразу во втором и третьем чтениях приняла Закон «О конфликте интересов» разработанный Министерством юстиции. Теперь его должен рассмотреть Сенат. Документ сфокусирован на механизмах предотвращения и регулировании конфликтов интересов, связанных с деятельностью государственных органов и их сотрудников [5].

Документ даёт определения понятий «конфликт интересов», «связанные лица», «личные интересы», «близкие родственники». Под связанными лицами понимаются юридические лица, акциями или долями уставного фонда (уставного капитала) (за исключением до 10% акций, находящихся в публичном обращении) которых владеют или являются членами органа управления и наблюдательного совета сотрудники госорганизаций и (или) их родственники.

В законе определены задачи уполномоченных органов в области предотвращения конфликта интересов в деятельности госструктур: Агентства по противодействию коррупции, комиссий по этике, отделов кадров и внутренних антикоррупционных структур в госорганизациях.

Принятие этого закона будет способствовать созданию условий для формирования стабильных профессиональных кадров госслужбы; упорядочению законодательной базы в области правового регулирования госслужбы и устранению имеющихся в законодательстве пробелов и разночтений; предупреждению коррупции и иных злоупотреблений на госслужбе; разработке единой системы прав, обязанностей и ограничений, связанных с деятельностью госслужащих всех уровней [6].

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Rakhmanov, S. (2019). Конфликт интересов в публичной сфере: понятие, признаки и нормативное закрепление // Сборник материалов Республиканской научно-практической конференции на тему: «Правовые аспекты противодействия коррупции и легализации доходов от преступной деятельности». ТГЮУ, 2019.

2. Кененова Ирина Павловна. Регулирование конфликта интересов: типология зарубежного опыта // Конституционное и муниципальное право, № 2-2021.

3. Оболонский А.В. Реформа государственной службы в Великобритании// Государство и право. 1996, № 10.

4. Государственная служба. Под ред. А.В. Оболонского. М. 1999.

5. Депутаты приняли закон о конфликте интересов // URL: https://www.gazeta.uz/ru/2022/10/25/conflict-of-interest/

6. Юсупов Ю. Административная реформа— что она включает? URL: https://www.gazeta.uz/ru/2019/03/14/administrative-reform/

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

БАРАТОВА Дилноза Одилжон қизи
Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш Бошқармаси Тергов бўлими
Назорат ва таҳлил бўлинмаси катта суруштирувчиси

НОҚОНУНИЙ МИГРАЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БАРАТОВА Д.О. Ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши ва ривожланиши // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 103-110.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-16

АННОТАЦИЯ

Мақолада аҳолининг миграция жараёнлари ва у билан боғлиқ ўрнатилган тартиблар ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарликнинг қандай пайдо бўлганлиги, тарихий-ҳуқуқий шаклланиши ва ривожланиши таҳлил қилинган ҳамда ушбу ҳодисани бугунги ҳолати ва келгусидаги ривожлантиришнинг истиқболлари белгиланган. Тарихий жараёнлардаги миграция оқимлари ҳамда ноқонуний миграцияга олиб келган сабаблар ўрганилган. Шунингдек, мақолада, ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларининг ривожланиши ва ноқонуний миграцияга оид қилмишлар учун жавобгарлик ўрнатишнинг кодификациялаштирилмаган ва кодификациялаштирилган даврларига ажратилиши асосланган ҳамда миграция жараёнларининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва жавобгарлик ўрнатишнинг инқилобдан олдинги, совет даври ва шаклланиш босқичида бўлган замонавий давр каби учта тарихий босқичларга ажратилган ҳолда ўрганилиб, тегишли хулосалар қилинган.

Калит сўзлар: Қадимги Шарқ мамлакатлари, Авесто, Ҳидоя, Ясо қонуни, Тимур тузуклари, Жиноят кодекси, жазо, жавобгарлик, миграция, ноқонуний миграция, иммиграция, меҳнат ресурслари.

БАРАТОВА Дилноза
Старший дознаватель Следственного отдела при Управление координации
деятельности органов внутренних дел Мирзо-Улугбекского района

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ ПРАВОВОЙ БАЗЫ В БОРЬБЕ С НЕЛЕГАЛЬНОЙ МИГРАЦИЕЙ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются миграционные процессы населения и связанные с этим установленные процедуры, а также, историко-правовое становление и развитие ответственности за их нарушение, и обсуждается текущее состояние и перспективы дальнейшего развития миграционных процедур. Были изучены исторические аспекты миграции, и причины возникновения нелегальной миграции. Также, статья основана на разработке правовых основ на некодифицированный и кодифицированный периоды их установления борьбы с незаконной миграцией и распределении ответственности за действия,

связанные с незаконной миграцией, и изучено правовое регулирование миграционных процессов, установление ответственности, на основе чего, сделаны соответствующие выводы, разделённые на три исторических этапа, таких как дореволюционный, советский и современный периоды на стадии становления.

Ключевые слова: Страны Древнего Востока, Авесто, Хидайя, Законы Ясо, Уложение Тимура, Уголовный кодекс, наказание, ответственность, миграция, нелегальная миграция, иммиграция, трудовые ресурсы.

BARATOVA Dilnoza
Senior investigator of the Investigative department under the Office of Coordination activities of internal affairs bodies Mirzo-Ulugbek region

FORMATION AND DEVELOPMENT OF A LEGAL FRAMEWORK TO COMBAT ILLEGAL MIGRATION

ANNOTATION

The article analyzes the migration processes of the population and the associated established procedures, as well as the historical and legal formation and development of responsibility for their violation, and discusses the current state and prospects for further development of migration procedures. The historical aspects of migration were studied, as well as the causes of illegal migration. Also, the article is based on the development of legal foundations for uncodified and codified periods of their establishment of the fight against illegal migration and the distribution of responsibility for actions related to illegal migration, and also the legal regulation of migration processes and the establishment of responsibility were studied and relevant conclusions were drawn, divided into three historical stages, such as the pre-revolutionary, Soviet period and the modern period at the stage of formation.

Keywords: The countries of the Ancient East, Avesta, Hidaya, the Laws of Yas, the Code of Timur, the Criminal Code, punishment, responsibility, migration, illegal migration, immigration, labor resources.

Ноқонуний миграция учун жавобгарлик белгилашнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш, уни тегишли жиноят-ҳуқуқий нормада акс эттиришга оид ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ҳамда келгусида унинг учун жавобгарлик белгилаш ва такомиллиштириш чораларини белгилаш, уни тарихий-ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилишни тақозо этади.Наинки, ҳар қандай ҳуқуқ тармоғи жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Миграция жараёнлари ва ноқонуний миграция учун жавобгарлик масалалари ҳам айни пайтда бундан мустасно эмас. Зеро, муайян ҳуқуқий норманинг юзага келиш шарт-шароитини тадқиқ этиш ва унга у ёки бу даражада баҳо беришни назарда тутади. Хусусан, «ҳар қандай ҳодисани ретроспектив усулда кўриб чиқиш, яъни у қандай пайдо бўлганлиги, қайси босқичларни қай тарзда босиб ўтганлигини билиб олиш, ушбу ҳодисани бугунги ҳолати ва келгусида ривожлантиришнинг истиқболларини аниқлашга имкон беради» [6, Б.3; 2].

Миграция жараёнларини ҳуқуқий тартибга солиш ва ноқонуий миграция учун жавобгарлик ҳақидаги қарашларнинг шаклланиш тарихи таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу ижтимоий ҳодиса ҳақидаги қарашлар жиноят тўғрисидаги таълимот пайдо бўлиши билан бир вақтда шаклланган.

Жамият ривожининг ҳар қандай даврида шахсларнинг турли сабабларга кўра, ўз яшаш жойини ташлаб бошқа жойга кўчиб ўтиши билан боғлиқ бўлган жараёнлар доимий равишда рўй берган. Хусусан, ноқонуний миграция аҳолининг ноқулай экологик муҳит, сиёсий босим, тартибсизлик ва харбий тўқнашувлар туфайли мажбурий кўчиш ҳам аҳоли бир қисмининг миграция жараёнини тартибга солувчи қоидаларга риоя қилишни истамаслиги ҳамда ушбу қоидаларга риоя қилишнинг қийинлиги ёки имконсиз эканлиги туфайли рўй берди. Шу билан бирга тарихий нуқтаи назардан аҳоли миграциясининг мазмуни, ривожланиши ва табиатига мамлакатнинг географик, иқлимий, демографик ҳолати, унинг ижтимоий-сиёсий ривожланиш тарихи, халқнинг шаклланган миллий психологик турмуш тарзи сезиларли

даражада таъсир қилди. Шу жиҳатдан ҳам миграция жараёнларини тартибга солиш ва бу борада белгиланган тартибни бузганлар учун жавобгарлик белгиланиши мамлакатда олиб борилган сиёсий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

Бинобарин, ноқонуний миграция учун жавобгарлик масаласи миллий давлатчилигимиз ривожланишида ўзига хос хусусиятга эга бўлди. Жумладан, ҳозирги бизнинг ҳудудларда мавжуд бўлган Қадимги Шарқ мамлакатларида аҳолининг эркин ҳаракатланиши ҳуқуқига мустасно қоида сифатида қаралган, одамларнинг жамоавий тарзда кўчиши иқтисодий зарар келтириб чиқариладиган бўлса, уларни яшаш жойларига мажбурий тарзда қайтариб келтириш билан боғлиқ чоралар кўрилган. Масалан, Қадимга Парфияда озод ер эгалари жамоаси аъзолари расман эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлсалар ҳам, амалда давлатнинг аграр сиёсати уни ўз ерини ташлаб бошқа жойга кўчиб кетганлиги ёки томорқасидан унумли фойдаланмаганлиги учун жарима солишни тақозо этган. Бунда белгиланган жариманинг ярми шоҳ ғазнасига, ярми эса ўша ер эгалари жамоасига ўтказилган [4, Б.52].

Шунингдек, Марказий Осиёда ҳудудида милоддан аввалги 539 йилда Кир II подшолиги даврида «Умумжаҳон эркинлиги ва кўчирилган ҳалқларнинг ўз ерларига қайтиш имкониятлари тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилган. Айни пайтда мазкур ҳужжат цилиндрга ёздирилган бўлиб, «Кир II цилиндири» деб ҳам номаланади. Мазкур ҳужжатда инсоннинг яшаш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи, виждон эркинлиги ҳуқуқи билан бирга шахсларнинг бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш, мамлакатга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқлари ҳам тартибга солинган. Хусусан, мазкур масалада француз тарихчи олими, файласуф ва диншунос Жерар Израэль мазкур ҳуқуқий ҳужжатда инсон шахсига нисбатан мутлақо янги қараш, асосий қадриятлар тенглиги, худони истаганидек номлаш, виждон эркинлиги, мулкка эгалик қилиш, тинч яшаш каби принциплар мустаҳкамланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтган [3, Б.248].

Алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиёда қадимги ҳалқларнинг одат ҳуқуқи ёзма бўлмаганлиги туфайли оғиздан-оғизга ўтиб келган ижтимоий расм-русумлар, қонун-қоидалар йиғиндисидан иборат бўлган. Шу сабабли ушбу ҳалқларнинг кўплаб ёзма манбалари бизгача етиб келмаган. Бироқ, ўзбек давлатчилиги ривожланишида, Ўзбекистоннинг милоддан аввалги бир минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи илк ёзма манбаси ҳисобланган «Авесто» муҳум ўринга эгадир. Авестода биринчи бўлиб, ушбу заминда яшаган элатлар, халқлар, афсонавий қаҳрамонлар, подшолар ҳамда давлатлар, давлатларнинг бошқарув тизими, жиноят ва жазо масалалари баён этилган. Хусусан, Авестонинг «Ясна» номли бўлимида ёзилишича, жамиятдаги фуқаролар мақоми тўрт тоифага, яъни коҳинлар, жангчилар, чорвадорлар ва ҳунармандларга бўлинган. Шунингдек, унда ёзилишича жамият тўрт босқичли: 1) нманья (оила); 2) вис (уруғ); 3) занту (қабила); 4) дахью (мамлакат) бўлган [5, Б.34] ҳамда Авестонинг «Никадум» (Nokrdum) бўлими жиноят процессуал кодексини ифода этган бўлиб, шахс ва унинг эркинлигига қарши жиноятлар, хусусан хорижий фуқароларнинг жиноий қилмишлари ёки уларга нисбатан тажовуз қилишни жазоланиши хусусида сўз юритилган [4, Б.54].

Шу билан бирга, қадимга туркий ҳалқларнинг одат қоидаларига кўра, қочоқ мақомидаги шахсларни ҳеч ким ўтовига қўйиши мумкин бўлмаган. Уларга нисбатан «остракизм» жазоси қўлланилган, яъни улар қум-саҳроларга қувиб юборилган, бу эса кўпинча ўлим жазоси билан тенг бўлган [8, Б. 49].

Кейинчалик, миграцияга доир алоҳида масалалар Бурҳониддин Марғинонийнинг 1178 йилда ёзиб тугатилган «Ҳидоя» асарида алоҳида қайд этилди. Хусусан, унга кўра, чет эл фуқаросини мусулмон мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ қолишига рухсат берилмайди, чунки у даромадининг ўндан бир қисми миқдорида тўлайдиган солиқ бир йил учун мўлжалланган бўлиб, у қайта ҳудудга қайтиб келиши билан яна шунча миқдорда келаси бир йил учун солиқ тўлаши лозим бўлади [1, С.89]. Шунингдек, агарда бошқа дин вакили Ислом динини қабул қилиб, мусулмон мамлакат ҳудудига кўчиб келса, бундай ҳолда у аввалги никоҳини бекор қилиши талаб этилади ҳамда она фарзанди билан бирга бошқа бегона юртга кўчиб кетиши мумкин бўлмаган. Ажрашган аёл ўз фарзанди билан бошқа жойга кўчиб кетиши ҳам мумкин эмас, лекин никоҳи расмийлаштирилган ўз юртига қайтиб келиши қонуний ҳисобланган [1, Б.186, 335].Қолаверса, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудлари ва Ўрта Осиёда XII аср бошларида мўғуллар ҳукмронлик қилган ва шу даврда ҳуқуқнинг асосий манбалари қаторида Чингизхон ёсунлари билан бирга, ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларда шариат қонунлари, кўчманчи аҳоли ҳудудида одат ҳуқуқи нормалари амал қилди. Шу боисдан, жиноятларни аниқлаш ва унга жазо тайинлаш ҳамда бу билан боғлиқ

масалаларни бутун мамлакат ҳудудида бир хилда ҳал этиш, жазолаш тизимини умумий шартларини яратиш мақсадида, 1206 йилда Ясо қонуни қабул қилинди [16, Б.97].

Ўз навбатида Ясо кўрсатмаларини бажармаганлик учун айғоқчилар, сохта гувоҳлик берувчилар, жодугарлар, ахлоқсизлар, табиатни ифлослантирувчилар, вазифасидан фойдаланиб пора олувчилар, фоҳишаларга ҳамда қачоқ қулни хўжайинига қайтармаслик ёки қочоққа била туриб бошпана бериш жиноий қилмиш сифатида белгиланиб, уларни содир этганларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилди. Муғул империяси ҳудудида кўчиб юриш учун дастлабки сафар ҳужжатлари ва рухсатномалар юқори мартабали шахслар томонидан берилган [8, Б.139].

Мўғуллар ҳукмронлигидан сўнг Темурийлар даврида (XIV–XVI) ҳам миграция масалалари мусулмон ҳуқуқи, «Темур тузуклари», Марказий Осиё ва бу минтақада яшаётган халқларнинг урф-одат, ҳуқуқлари ва бошқа манбаларга асосланиб ҳал этилди. Жумладан, «Темур тузуклари» жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи – жиноятчиларга жазо бериш, ёлғон гувоҳлик учун жазо тайинлаш, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш, ўз қўл остидаги шахсларнинг содир этган жиноятларини яширганлик учун амалдорларни жазолаш ва бошқа масалаларни ўз ичига олди [7, Б.67]. Темур тузукларида мансабдор шахсларнинг мамлакат ҳудудига кириб келган сайёҳлар, савдогарларга нисбатан қароқчилик қилмишлари ижтимоий хавфли деб топилган ҳамда уларни хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тегишли чора кўрмаслик ҳолатлари жазоланган. Мазкур қоидалар XIII–XIX асрларда Ўрта Осиё халқлари орасида давлатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи ҳамда алоҳида шакл ва характерга эга бўлди [12, Б.119].

Таъкидлаш керакки, миграция жараёнлари, унинг ҳуқуқий таркибий қисми таҳлили, узоқ ўтмишда маълум даражада тартибга солинадиган бошқа давлатлар билан шартномавий муносабатларга эга бўлди. Масалан, 1216 йилда Чингизхон ҳузурига Баҳоуддин Fозий бошчилигида Ҳоразмшоҳ элчиларни юборади. Музокаралар натижасида икки мамлакат ҳудудларида савдогарларнинг эркин ҳаракатланишларига келишиб олинади [9, Б.168].

Ҳорижда ҳам миграция жиноятлари учун жавобгарликни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари ўзига хос тарзда ривожланди. Хусусан, Миграция хусусиятлари XVI-XIX асрлар давомида мажбурий миграция жараёнлари авж олган. Масалан, Ирландия XIX-XX асрларда аҳолининг катта миқдорда кўчиб кетиши бўйича уч даврни бошдан кечирган. Ушбу даврлар 1840-1900 йилларда қайд этилган бўлиб, унда мамлакат аҳолисининг мутлоқ сони 8,2 млн дан 4,5 млн кишига тушиб қолган. Бундан ташқари 10 минглаб негр қулларининг Африкадан Америкага зўрлаб олиб кетилган. Хусусан, янги тарихда биринчи бор ишчи кучининг оммавий тарзда кўчиши XVII асрда Африкадан Америкага қулларнинг олиб келинишида кўринди. АҚШда қулдорликнинг бекор қилиниши натижасида иккинчи бир катта оқимнинг Европадан АҚШга эмиграция қилиниши бошланди. Ушбу даврларда АҚШ ва Европада иммиграция қонунчилигида ривожланди.

Шу билан бирга, Россия қонунчилигида 1762 йилда Екатерина II ташаббуси билан «Мамлакатда чет элликларни эркин жойлаштириш тўғрисида»ги манифест [13] қабул қилинган. Мазкур ҳужжат мамалакатга келадиган барча хорижликларни ҳоҳлаган манзилига жойлашишларига имкон берган. Кейинчалик Россия империясининг 1845 йил 15 августдаги «Ахлоқ тузатиш ва жиноий жазолар тўғрисида» [14, Б.174-176]ги низомида миграция соҳасидаги жиноятларнинг маълум бир гуруҳи учун жавобгарлик белгиланган. Масалан, давлат чегараси орқали рухсатсиз ҳаракатланиш ва у билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликлар қаторида «Белгиланган тартибга зид равишда яшаш ва турар жойидан кетиш» (1181-1192-моддалар); «Белгиланган тартибга зид равишда яшаш жойини тарк этиш ва яшириниш» (1193-1205-моддалар); «Яшаш учун қалбаки рухсатномалар тайёрлаш ва қалбаки ҳужжатлар билан яшаш» (1210-1212-моддалар); «Яшаш учун рухсатнома бериш қоидаларини бузиш ва унинг бажарилишига риоя қилмаслик» (1213-1218-моддалар)ни санаб ўтиш мумкин.

Сўнгра 1885 йилда «Жиноий ва ахлоқ тузатиш жазолари тўғрисидаги Кодекс» IV бўлимида тўғридан-тўғри миграцияга оид қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ҳимоя объектига ишора қилиниб, уларнинг объекти сифатида бошқарув тартиби белгиланди. Ушбу кодекснинг IV бўлими 975-977-моддаларида чегардан ноқонуий ўтиш, паспорт, рухсатнома ёки бошқа ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик белгиланди ҳамда қалбаки ҳужжатларни расмийлаштирган ҳамда яшаш учун берилган рухсатномалар ижроси ва бузилиш ҳолатларини назорат қилишда қоидабузарликка йўл

қўйган мансабдор шахслар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар жойлаштирилди [21, Б.148]. Шунингдек, унда давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш ва мамлакат ҳудудида чет элликларнинг яшаш қоидаларини бузганлик ҳамда мамлакатга ноқонуний кирган чет элликларнинг яшаш рухсатномасисиз ёки муддати ўтган ҳужжатлар билан яшашлари учун ҳам жавобгарлик белгиланди [10, Б.98-99].

1917 йилда юз берган инқилобдан сўнг Туркистон ўлкасида Россия ҳукуматининг қонунлари амал қилиши натижасида ноқонуний миграция учун жавобгарлик масалалари алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, инқилобдан кейинги даврда ва кейинчалик миграция сиёсатида чет элликларнинг кириши, чиқиши ва яшаш жойини қатъий тартибга солиш устунлик қилди. Мамлакат ҳудудига чет элликларнинг киришига чекловлар ўрнатилди, мамлакатга кириш фақат сиёсий мақсадлар асосида, революция ва совет давлати тарфдорларига рухсат беришни назарда тутди [11].

Қонунчилик базаси йўриқномавий кўрсатмалар ва Бутуниттифоқ қонунлари ҳамда РСФСР кодекслари асосида шаклланди. Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш учун жавобгарлик 1922, 1926 ва йилларда янгидан қабул қилинган РСФСР жиноят кодексларида белгиланди.

Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи тарихида илк бор 1926 йил 16 июнда дастлабки Жиноят кодекси қабул қилинди [15, Б.279]. Ушбу кодексда миграция учун жавобгарлик масалалари ўзига хос тарзда қайд қилинди. Хусусан, мазкур Жиноят кодексининг 59.10-моддасида: «Мансабдор шахсларнинг тегишли рухсатномасиз давлат чегарасини кесиб ўтишга кўмаклашиши – мол-мулкнинг тўлиқ ёки бир қисмини мусодара қилиш билан камида бир йил муддатга қаттиқ изоляция қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш, оғирлаштирувчи ҳолатларда эса отиш билан жазоланади» [15, Б.257], деган норма белгиланди.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 70-моддасида халқаро буржуазияга ёрдам бериш учун тарғибот ва ташвиқот қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди ҳамда Кодекснинг 71-моддасида мамалакатга рухсатсиз қайтиш учун жавобгарлик назарда тутилди, 84-моддасида белгиланган паспорт ёки тегишли ҳокимиятнинг рухсатисиз чет элга чиқиш ёки ССР Иттифоқига кириш ва унинг 98-моддасида «паспортсиз ёки тегишли ҳокимият органининг рухсатисиз чет элга чиқиш ва мамлакатга кириш – олти ойгача мажбурий меҳнат ёки 500 рублгача жарима билан жазоланиши», қайд қилинди.

Таъкидлаш керакки, 1926 йилги Жиноят кодексида миграция билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар РСФСР Жиноят кодексининг 1922 йилдаги қоидаларини амалда такрорлади, фақат унда мазкур жиноятлар учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди ва «Бошқарув тартибига қарши жиноятлар» деб номланган II бобда жойлаштирилди.

1959 йил 21 майда Ўзбекистон ҳудудида навбатдаги Жиноят кодекси қабул қилинди ва у 1960 йил 1 январдан амал қила бошлади. Мазкур Жиноят кодексининг «Давлатга қарши жиноятлар» деб номаланган II-боби 73-моддасида «Чет элга ноқонуний чиқиш ва СССРга ноқонуний кириш» ва «Бошқарув тартибига қарши жиноятлар» деб номланган X-бобининг 198-моддасида «Чегара ва тақиқланган зона ҳудудига кириш, чиқиш ва у ерда яшаш қоидаларини бузиш», 198[1]-моддасида «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан СССР ҳудудида бўлиш ва СССР ҳудудидан транзит ўтиш қоидалари бузиш» ва 199-моддасида «Паспорт тизими қоидаларини бузиш» учун жавобгарлик белгиланди.

Кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жарима миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида»ги 751-XII-сон қонуни билан мазкур Кодекс «Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасддан бузганлик» мазмундаги 198-1-моддаси билан тўлдирилди. Яъни унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини қасддан бузиши, башарти, худди шу хатти-ҳаракатлар содир этганлик учун маъмурий жазо берилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёки энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш ҳиссаси миқдорида жарима солишга сабаб бўлди.

Шунингдек, мазкур Жиноят кодексининг 198-1-моддаси 198-2-моддаси деб ҳисобланиб, у қуйидаги мазмундаги таҳрирда баён этилди: 198-2-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш ва Ўзбекистон Республикаси

ҳудуди орқали ўтиш қоидаларини қасддан бузиши

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини қасддан бузиши, яъни Ўзбекистон Республикасида яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз яшаши ёки ҳақиқий деб ҳисобланмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ёки пропискадан ўтиш юзасидан белгиланган тартибга ёхуд турар жойидан кўчиш ва янги турар жой танлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилмаслиги, бу ерда яшаш учун белгиланган муҳлат тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиш қоидаларига риоя қилмаслиги, агар бундай шахслар худди шу қоидаларни бузганликлари учун бир йил давомида илгари ҳам маъмурий жазога тортилган бўлсалар, бир йилдан уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади» .

1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинди ва унда ноқонуний миграция билан боғлиқ жавобгарлик масалалари ўзига хос кўринишга эга бўлди. Жумладан, Жиноят кодексининг 223-моддаси «Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш» деб номланиб, унга кўра «Белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланди ҳамда ўша ҳаракатларнинг а) чегарани ёриб ўтиш йўли билан; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) чет элга чиқиши учун махсус келишув талаб қилинадиган мансабдор шахс томонидан содир этилганлиги қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида белгиланиб, беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши қайд қилинди.

Бундан ташқари, ушбу модданинг учинчи қисмида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган сиёсий бошпана ҳуқуқидан фойдаланиш учун кириш ҳужжатларини тегишли даражада расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жавобгарликдан озод қилинадилар», деган қоида назарда тутилди. Шу билан бирга мазкур Кодекснинг 224-моддасида «Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш» деб номланган мустақил таркибли жиноят таркиби белгиланди. Унга кўра, «Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ўтиш, прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланди.

Шунингдек мазкур модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида қуйидаги қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди:

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлиб, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, – энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги

ЎРҚ-345-сон қонуни билан Жиноят Кодекси 223-модда иккинчи қисмининг диспозицияси «такроран ёки хавфли рецидивист томонидан» мазмунидаги «в» ва «Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи белгиланган тартибда чекланган шахс томонидан содир этилган бўлса» мазмунидаги «д» банди билан тўлдирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-579-сон Қонуни билан Жиноят кодексининг 224-моддаси (Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш) декриминилазация қилинди.

Хулоса қилганда, миграция одамнинг доимий ёки вақтинчалик яшаш учун бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга кўчишини билдириб, ушбу жараёнларнинг келиб чикиши қадимги вақтга, яъни дастлабки меҳнат тақсимоти вужудга келиши ва чорвачиликнинг дехқончиликдан ажралиб чиқиши даврига бориб тақалади.

Тарихий-ҳуқуқий шаклланиш жараёнларида ноқонуний миграциянинг мазмуни чет эл фуқароларининг муайян мамлакат ҳудудига кириши, кўчиши ва яшаш жараёнини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган давлат чора-тадбирлари тизимини бузишдан иборат бўлган. Гарчи унинг учун жавобгарликнинг пайдо бўлиши қадимда миллий давлатчиликнинг ривожланиш жараёнларида тўғридан-тўғри ҳуқуқ нормаларида эмас, балки давлатлар ўртасидаги шартномавий муносабат ва келишувларда, одат нормаларида ҳамда умумий қоидалар таркибида тизимлаштирилмаган ҳолда давлат чегарасини бузиш, рухсатсиз кўчиш, мамлакатга ноқонуний кириш, мамлакатда бўлиш қоидаларини бузиш ҳамда рухсатсиз ўз яшаш жойини тарк этганлар жиддий равишда жазолаш тарзида шаклланди.

Кейинчалик XVII–XIX асрларда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши, мамлакатга вақтинча келадиган чет эл фуқаролари оқимининг кўпайиши билан ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасидаги қонунчиликда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу вақтда миграция жараёнларини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқ нормалари қабул қилинди ва шу билан бирга жиноий жавобгарлик чоралари ҳам белгиланди. XX-асрнинг охирларига келиб, у трансмиллий жиноятчиликнинг бир қисмига айланди ва ноқонуний миграцияни уюшган ҳолда содир этиш учун шароитлар юзага келди ва натижада унинг жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Ноқонуний миграцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини ривожланиши ва жавобгарлик ўрнатиш жараёнларини ноқонуний миграцияга оид қилмишлар учун жавобгарлик ўрнатишнинг кодификациялаштирилмаган (XIX аср якунига қадар бўлган давр) ва кодификациялаштирилган даврларини (XX аср ва ҳозиргача бўлган давр) босиб ўтди.

Шу жиҳатдан ҳам миграция жараёнларининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва жавобгарлик ўрнатишнинг учта тарихий босқичларини ажратиб кўрсатиш ўринли бўлади: биринчи босқич инқилобдан олдинги босқич бўлиб, унинг давомида миграция жараёнларини давлат ва ҳуқуқий тартибга солиш асослари шаклланди; иккинчи босқич совет даври, миграциянинг маъмурий тартибга солишнинг қаттиққўллик билан амалга ошириш жараёнларининг кучайтирилганли билан изоҳланади; учинчи босқич – бу шаклланиш босқичида бўлган замонавий давр ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, мамлакатимиз миллий жиноят қонунчилигида бугунги замонавий шароитларда ноқонуний миграция ва уни ташкил қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус жиноят-ҳуқуқий норма белгиланмаган. Шу боисдан ҳам бугунги кунда, ноқонуний миграция учун жавобгарлик белгилаш билан боғлиқ муаммоларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш муҳим долзарблик касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Бурханиддин Маргинани. Хидоя. Комментарии мусульманского права: в 2 ч. Ч. 1. Т. 1–11 / пер. с англ.: под ред. Н.И. Гродекова; отв. пед., авт. предисл., вступ. ст. и науч. комм. проф. А.Х.Саидов. – М., 2010. – 808 с.

2. Валиева А.Р. Историко-правовой анализ регулирования миграционных процессов в России // Современные научные исследования и инновации. 2019. № 5. // URL: https://web.snauka.ru/issues/2019/05/89219 (мурожаат санаси: 24.01.2023).

3. Gerard Israel. Gyrus le Grand: Fondateur de l'Empire perse. – Paris: Fayard, 1987. – 395 p.

4. Исоқов Л.Х. Миграция ҳуқуқи: шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари. Илмий монография / Сўз боши муаллифи ва масъул муҳаррир академик А.Ҳ.Саидов. – Т., 2022. – 196 б.

5. Исоқов М., Қудратов С., Қодирова Д. Ўрта Осиё илк шаҳарлари ва давлатлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 141 б.

6. Кривошеин П.К. Преступление. Историческое исследование. – Киев, 1993. – 72 с.

7. Маматов Х.Т. Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. Юрид. фан. номз. ... дис. – Тошкент, 2002. –Б. 67. (180 б.).

8. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Т., 2003. – 280 б.

9. Муҳаммаджонов А.Р. Ўзбекистон тарихи. – Т.: F.Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004. – 321 б.

10. Новое уголовное уложение, выс. утв. 22 марта 1903 г.: С прил. предм. алф. указ. – Неофиц. изд. – Санкт-Петербург: кн. маг. В.П. Анисимова, 1903. – 253 с.

11. О правилах въезда и выезда из России. Инструкция НКВД РСФСР от 21 декабря 1917 г // СПС «КонсультантПлюс» http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base

12. Отажонов А. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси соҳасида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир айрим масалалар // Юрист ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – №. 1.

13. Полное собрание законов Российской Империи с 1649 г. Т.16. С 28 июня 1762 г. по 1765 г. // Президентская библиотека. // URL: https://www.prlib.ru/item/358609

14. Российское законодательство X-XX веков. Том 6. Законодательство первой половины XIX века. – М., 1988. – 432 с.

15. Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР, 1917–1952 гг. / Под ред.: Голяков И.Т. – М.: Госюриздат, 1953. - 463 с.

16. Сборник летописей История Монголов сочинение Рашид эддина. История Чингизхана от восшествия его на престоль до кончины // русский перевод с применям И.Н. Березина. – СПб., 1988. – С. 97.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

МАХМУДОВ Суннатжон Азим ўғли
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

ЯРАШГАНЛИК МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАХМУДОВ С.А. Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш: назарий ва амалий масалалар // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) Б. 111-118.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-17

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормалари асосида ярашганлик муносабати жиноят ишини тугатиш тушунчаси, унинг ўзига хос жиҳатлари моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари орқали таҳлил этилди. Мақолада ярашувга асосан жиноят ишини тугатиш бўйича олимлар томонидан илгари сурилган илмий-назарий қарашлар орқали ушбу институтнинг қўлланиш доираси ўрганилди. Олимларнинг қарашлари ва илгари сурган ғояларидан келиб чиққан ҳолда, ярашувга асосан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш орқали жиноят ишини тугатиш масаласи илмий, назарий, амалий ва қонунчилик нормалари асосида таҳлил этилди. Мазкур мақолада олимларнинг жиноят ишини тугатиш бўйича илгари сурган фикрларини қиёсий таҳлил қилиш орқали ярашилганлик муносабати билан жиноят ишини тугатишнинг процессуал тартиби таҳлил этилди. Таҳлил натижалари юзасидан, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш бўйича илмий-назарий хулосалар ҳамда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: ярашув, жиноят ишини тугатиш, реабилитация, айблилик, жавобгарлик, етказилган зарар, айбини тан олиш, жабрланувчи, жабрланувчининг шикояти.

МАХМУДОВ Суннатжон
Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального права Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

ПРЕКРАЩЕНИЕ УГОЛОВНОГО ДЕЛА В СВЯЗИ С ПРИМИРЕНИЕМ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ

АННОТАЦИЯ

В данной статье были проанализированы отношения примирения понятие прекращения уголовного дела, его специфика через нормы материального и процессуального права

на основе норм уголовного и уголовно-процессуального права в ходе проведения судебно-правовой реформы. В статье исследуется сфера применения этого института посредством научно-теоретических взглядов, выдвинутых учеными на прекращение уголовного дела в соответствии с примирением. Исходя из взглядов и представлений ученых, вопрос о прекращении уголовного дела путем освобождения лица от уголовной ответственности на основе примирения анализировался на основе научных, теоретических, практических и законодательных норм. В данной статье проанализирован процессуальный порядок прекращения уголовного дела в связи с примирением путем сравнительного анализа высказываний ученых о прекращении уголовного дела. По результатам анализа разработаны научно-теоретические выводы о прекращении уголовного дела в связи с примирением, а также предложения и рекомендации, направленные на совершенствование законодательных актов.

Ключевые слова: примирение, прекращение уголовного дела, реабилитация, вина, ответственность, причиненный вред, признание вины, потерпевший, жалоба потерпевшего.

MAXMUDOV Sunnatjon
Lecturer at Tashkent State University of Law
E-mail: s.maxmudov@tsul.uz

TERMINATION OF A CRIMINAL CASE IN CONNECTION WITH RECONCILIATION: THEORETICAL AND PRACTICAL ISSUES

ANNOTATION

This article analyzed the relationship of reconciliation, the concept of termination of a criminal case, its specificity through the norms of substantive and procedural law on the basis of the norms of criminal and criminal procedural law in the course of the judicial reform. The article explores the scope of this institution through the scientific and theoretical views put forward by scientists on the termination of a criminal case in accordance with reconciliation. Based on the views and ideas of scientists, the issue of terminating a criminal case by releasing a person from criminal liability on the basis of reconciliation was analyzed on the basis of scientific, theoretical, practical and legislative norms. This article analyzes the procedural procedure for terminating a criminal case in connection with reconciliation by means of a comparative analysis of scientists' statements about the termination of a criminal case. Based on the results of the analysis, scientific and theoretical conclusions were developed on the termination of a criminal case in connection with reconciliation, as well as proposals and recommendations aimed at improving legislative acts.

Keywords: reconciliation, termination of the criminal case, rehabilitation, guilt, a responsibility, harm done, guilty plea, victim, victim's complaint.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини изчил амалга ошириш жараёнида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини адолат ва инсонпарварлик принципи асосида либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани амалиётга жорий этиш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини либераллаштириш ва такомиллаштиришнинг янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси [1] қабул қилинди.

Ушбу Концепцияда жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатини такомиллаштириш мақсадида айрим институтларни, шу жумладан ишни судга қадар юритиш (терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилиш) ва суд босқичларида ишларни кўриб чиқишда ярашув институтини қўллаш доирасини кенгайтириш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Зеро, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, жиноят процессида “ярашилганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилган ҳолда, жиноят ишини тугатиш” масаласини тадқиқ этиш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2001 йил 29 августдаги 254–II-сон Қонунига [2] асосан ярашув институти шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг алоҳида асоси сифатида амалдаги қонунчилигимизга киритилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: “амалиётга ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни янада мустаҳкамлашда ижобий омил бўлади” [3, Б.46] деб, таъкидлагани ҳам бежиз эмасдир.

Ярашув институтининг жорий этилиши натижасида аксарият фуқаролар “қамалган” деган тамғадан халос бўлиши билан бир қаторда, шахснинг манфаатлари ишончли ва самарали ҳимоя қилиниши таъминланди.

Д.Қаххоров тўғри таъкидлаганидек, бугунги кунда суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш ва демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ҳамда ярашув институтининг жорий этилиши халқимизнинг одиллик, инсонпарварлик ҳамда кечиримлилик хусусиятини тўла намоён қилди [4, Б.75].

Мазкур институт амалиётга киритилганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 26 та моддасида кўрсатилган 32 та жиноят таркиблари бўйича ушбу институтни қўллаш имконияти яратилган эди. Ярашув институти жорий этилганидан буён қонунчилик ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар орқали мазкур институт такомиллаштириб келинмоқда. Бунинг натижасида ярашув институтининг таъсир доираси янада кенгайиб, уни қўллаш тартиби соддалаштирилди. Бугунги кунга келиб, ярашув институтининг таъсир доирасига тушадиган **жиноий қилмишлар сони 46 та**га етганлиги ҳам фикримизга яққол далил бўла олади.

Ярашув институти ва уни қўллаш масаласи моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан чамбарчас боғлиқ. Чунки процессуал ҳуқуқ моддий ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва тартибини, уни ҳимоя қилиш шартларини мустаҳкамловчи нормаларни ифодалайди [5, Б.47]. Бунда, процессуал ҳуқуқ ярашув институтини қўллаш тартибини (процессининг қайси босқичида қўлланиши, ким томонидан амалга оширилиши, ярашув бўйича ариза бериш ҳуқуқи ва уни амалга ошириш тартиби, иш бўйича якуний қарор қабул қилиш шартларини) белгилаб беради.

Ярашилганлиги муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шахсни реабилитация қилмайдиган (шахсни оқламайдиган) асосга кўра жиноят ишини тугатиш деб номланади. Бундай вазиятда маълум ҳолатларга мувофиқ шахсни жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд бўлмайди: жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетиши, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлиши, айбдорнинг касаллиги, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотиши, **ярашув** ва бошқалар [6].

Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб (реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича) жиноят ишини тугатишнинг **13 та асоси** назарда тутилган [7] бўлиб, мазкур асослардан бири ярашувга асосан жиноят ишини тугатиш ҳисобланади.

Бугунги кунда, суд-тергов амалиётида жиноят ишини ярашувга асосан тугатиш орқали шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш юзасидан турли хил фикрлар илгари сурилади.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида ярашув айбдор шахс ва жабрланувчининг ўзаро келишувидир. Ярашув томонларнинг эркин хоҳиш-истаклари ва мажбурловисиз амалга оширилади. Бу жабрланувчи айбдор шахсни кечиришини ва шахсни содир этган қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Бунда, айбдордан ўз айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплаш талаб қилинади [6].

Д. Базарова ва Б. Шамсутдиновлар таъкидлаганидек, қонунчиликдаги нормалар гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан

жиноий жавобгарликдан озод қилишга имкон беради. Ярашув ҳақидаги ишлар судга юборилади ва уни расмийлаштирилиши учун бир нечта шартлар мавжуд бўлади [8, Б.61].

Е.В.Смахтин ҳам жиноят ишини ярашувга асосан тугатишда қуйидаги шартларни бажариш лозим деб ҳисоблайди:

– жабрланувчининг жиноят ишини тугатиш тўғрисида гумон қилинувчи (айбланувчи) билан ярашганлиги тўғрисидаги ҳамда гумон қилинувчининг (айбланувчининг) жабрланувчи билан ярашганлиги ва жиноят ишини тугатишга қарши эмаслиги тўғрисидаги аризасининг мавжудлиги;

– терговчи томонидан жабрланувчи томонидан берилган ярашув бўйича аризанинг ихтиёрийлигини текшириш (масалан, сўроқ қилиш йўли билан ёки жабрланувчи ва гумон қилинувчининг (айбланувчининг) шахсини, уларнинг ўзаро муносабатларининг характерини ўрганиш орқали);

– етказилган зарарнинг қопланганлик фактининг мавжудлиги тегишли ҳужжатлар (квитанция, тилхат) билан тасдиқланади [9, Б.205-205].

Е.В.Смахтиннинг ушбу фикрлари билан келишган ҳолда шуни айтиш мумкинки, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш ҳамда унинг ихтиёрий амалга оширилиши ярашувнинг асосий моҳиятини ташкил этади ҳамда ярашув бўйича юқоридаги шартлар бажарилиши лозим.

Амалдаги қонунчиликда ҳам ярашув институтини қўллашга оид бир нечта шартлар назарда тутилган. Қуйида мазкур шартларга тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, ярашув доирасига тушадиган жиноий қилмишлар доираси чекланган. Бунда, фақатгина Жиноят кодексининг 66^1-моддасида назарда тутилган жиноий қилмишлар бўйича ярашувга асосан жиноят ишини тугатишга йўл қўйилади. Мазкур моддада белгиланмаган жиноятлар бўйича (ҳозирда кунда 46 та таркибли жиноятлар мавжуд) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш орқали, жиноят ишини тугатишга йўл қуйилмайди.

Иккинчидан, жиноят содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ҳамда етказилган зарарни бартараф этган тақдирда жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жиноят содир этганлигини тан олиши ва бундай тан олиш ихтиёрий бўлиши керак. Жиноят-процессуал кодекси 585-моддасининг еттинчи қисмига асосан агар суд жиноят содир этганлигини тан олиш ихтиёрий эмас, балки босим остида олинганлигини аниқласа, у ҳолда ярашув рад этилади.

Ярашув ўзининг мазмуни бўйича амалда пушаймон бўлиш билан ўхшаш бўлиб, у билан бир хил белгиларга эга. Амалда пушаймон бўлишдан фарқли ўлароқ, ярашувда етказилган зарарни қоплаш ёки етказилган зарар жабрланувчи томонидан воз кечилишини талаб қилади.

Амалда пушаймон бўлишда бу роль суриштирув ёки дастлабки тергов органлари ва судга тегишли. Формал нуқтаи назардан амалда пушаймон бўлишнинг шартлари аниқ кўрсатилган ва уларнинг ҳатто биттасининг йўқлиги ушбу асосни қўллашга йўл қўймайди. Етказилган зарарни қоплаш инсон ҳаёти ва соғлиғига тажовуз пайтида саломатликка етказилган мулкий зарар ўрнини тўлдиришдан, шунингдек маънавий зарарни қоплашдан иборат бўлади [6].

Учинчидан, ярашув тўғрисидаги иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва унинг қонуний вакили эгадир. Бунда, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакилидан бошқа шахслар, жумладан, жиноят содир этган шахснинг ярашув тўғрисидаги аризасига асосан жиноят ишини тугатишга йўл қўйилмайди.

Ярашув бўйича иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳақида турли хил фикрлар билдириб келинмоқда. Бунда, қонуний вакил ҳам ярашув субъекти бўлиши мумкинми деган масала мавжуд. Айрим муаллифлар ўз илмий ишларида қонуний вакилнинг ҳам ярашув бўйича жиноят ишини тугатиш субъекти эканлигини қайд этишган [10], [11].

Биз ҳам Жиноят-процессуал кодексининг 582-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, юқоридаги олимларнинг фикрлари билан келишган ҳолда, қонуний вакилнинг ярашувга асосан жиноят ишини тугатиш субъекти бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашларни қўллаб-қувватлаймиз.

Тўртинчидан, ярашув тўғрисида ариза бериш ёки аризадан воз кечиш муайян муддат билан чегаралаб қўйилган. Ариза иш ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқилиши вақтида, яъни суриштирув ва дастлабки терговнинг, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин. Жиноят

ишини юқори инстанция судида (апелляция ёки кассация) кўриб чиқиш босқичида ярашув тўғрисида ариза бериш мумкин эмас.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 августдаги ПФ–6041-сон Фармонида шахсга эълон қилинган айблов, **жиноят иши суднинг қайси инстанциясида** кўрилаётганлигидан қатъи назар, **ярашув институтини қўллаш тартибини** жорий қилиш назарда тутилган. Демак, мазкур Фармонга асосан ярашув бўйича ариза беришда процесс босқичига ҳамда муддатларга оид ўрнатилган чекловни олиб ташлаш режалаштирилган.

Бешинчидан, жиноят иши бўйича барча жабрланувчилар билан ярашувга эришиш талаб этилади. Бунда, ярашув факти жабрланувчиларнинг ҳар биридан ярашганлик тўғрисида ёзма равишда ариза олиниши билан тасдиқланади. Айрим ҳолатларда ишда бир нечта (икки ёки ундан ортиқ) жабрланувчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам ярашувга йўл қўйилади. Фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришиш талаб этилади. Жабрланувчиларнинг ҳатто бирортасидан тегишли ариза олинмаган ҳолларда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолатларда иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича қисман ярашишга ҳам йўл қўйилади. Яъни жабрланувчи бир гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан муросага келиши ва бир вақтнинг ўзида бошқа бир шахсни жазолашни талаб қилиши мумкин. Бунда, ярашувга эришган гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан иш алоҳида юритувга ажратилади, жиноят ишининг қолган қисми бўйича иш юритиш умумий тартибда олиб борилади (ЖПК 584-моддасининг 4-қисми).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 ноябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сон қарорининг 2-банди тўртинчи хатбошисига мувофиқ агар жиноят ишида жабрланувчидан ташқари алоҳида фуқаровий даъвогар ҳам иштирок этаётган бўлса, бундай ҳолатда у билан ҳам ярашиш керак бўлади. Яъни ишда бир вақтнинг ўзида ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар иштирок этган ҳолларда ҳам, иккаласи билан ҳам ярашиш талаб этилади.

Олтинчидан, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилади. Унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозим.

Еттинчидан, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича ваколатли органлар ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтириши шарт. Яъни, агар иш бўйича ярашув амалга оширилган тақдирда кейинчалик иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш мумкин эмас.

Саккизинчидан, ярашув вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчида илгари оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати бўлмаслиги талаб этилади. Мазкур шарт ярашувни қўллаган ҳолда, жиноят ишини тугатишни қўллашни қайсидир маънода чеклайди. Бироқ, ушбу қоида жазо мақсади билан боғлиқ бўлиб, шахс содир этган қилмиши учун хулоса чиқариши лозимлигини ўзида ифода этади.

Қачонлардир содир этилган жиноят учун олиб ташланган ёки муддати ўтиб бўлган судланганлик юридик аҳамиятга эга бўлган жабрланувчи билан ярашув институтини қўллаган ҳолда, ишни тугатишга тўсиқ бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, ярашувни амалга оширишда белгиланган мазкур шарт, қайсидир маънода ярашувни амалга оширишни чекламоқда. Шунга асосан, юқоридаги нормадаги чекловни олиб ташлашга қаратилган айрим ислоҳотларни амалга ошириш лозим. Бунда, қўйилган айбнинг оғирлиги, айбдорнинг шахси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиб, айрим тоифадаги шахсларга (вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар) нисбатан юқоридаги қоидани қўллашни чеклаш лозим.

Д.Ю.Пайзиев [12] ва Қ.Р.Абдурасулова, [13, Б.75] каби мутахассислар ўз илмий ишларида ярашув институтини қўллашнинг айрим масалаларини таҳлил қилиб, ушбу олимлар ярашув фақат биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эканлигини қайд этишган.

Бироқ, мазкур олимларнинг фикрлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Чунки амалдаги

қонунчиликда белгиланган ярашув институтини қўллашга оид нормаларда шахс биринчи марта жиноят содир этган тақдирда ярашув қўлланишига оид қоида назарда тутилмаган. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ярашувнинг фақат биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланишига оид талаб, 2004 йилгача амалда бўлган. Ярашув доирасини янада кенгайтириш ҳамда жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда юритиш мақсадида ушбу талаб чиқариб ташланган.

Жиноят ишини ярашувга асосан тугатишнинг процессуал тартибига тўхталадиган бўлсак, Жиноят-процессуал кодексидаги тартибга мувофиқ ярашувни қўллаш 4 босқични: жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) томонидан ариза беришни, суриштирувчи ва терговчи томонидан қарор қабул қилишни, прокурор розилигини олишни ҳамда суд муҳокамасини қамраб олади.

Бугунги кунда ярашув тўғрисидаги ишларни ҳал этиш ва кўриб чиқишда икки хил тенденция илгари сурилмоқда.

1) жиноят ишини суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида тугатиш. Бунда, жиноят иши судга юборилмасдан **прокурорнинг розилиги** асосида суриштирувчи ёки терговчининг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори билан тугатилади;

2) суд муҳокамаси босқичида. Бунда **ярашув тўғрисидаги ариза суд** томонидан кўриб чиқилади ҳамда агарда ариза суд томонидан қаноатлантирилган тақдирда, **жиноят иши суд томонидан айблилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан** (амалда ҳам шу тартибда амалга оширилмоқда) тугатилади.

Бироқ, фикримизча, ярашувни қўллашда ишнинг судга юборилмасдан прокурор розилиги асосида тугатилиши бир қатор муаммоли ҳолатларни келтириб чиқаради. Жумладан:

Биринчидан, жиноят натижасида жабрланувчи ёки бошқа шахсларга **етказилган зарарни бартараф этиш чоралари ва уни ундириш масаласи** етарли даражада таъминланмайди. Оқибатда эса, ярашувга қўйилган асосий талаблардан бири, яъни жиноят натижасида **етказилган зарарни қоплаш мажбурияти бажарилмасдан** қолади.

Шунингдек, ушбу тартиб жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарар тўлиқ равишда қопланмаган ҳолларда ҳам, моддий манфаатдорлик натижасида суриштирувчи ёки терговчининг **таъсири остида жабрланувчидан** (фуқаровий даъвогардан) **мажбурий тарзда ариза ёздириб** олиш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида **прокурор розилиги асосида тугатилган** ярашув тўғрисидаги ишларда шикоят қилиш тартиби, **бир орган томонидан бир ишни қайта кўриб чиқишга сабаб бўлади**. Бу эса, ишни кўриб чиқишнинг холислигига таъсир қилиши билан бир қаторда, қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга оширишга, ортиқча вақт ҳамда ресурсларни сарфлашга олиб келади.

Шу билан бирга, ушбу тартиб **ярашув институтининг мазмун-моҳиятига зид** ҳисобланади. Чунки ярашувни қўллаш шартларидан бири кейинчалик келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг (иш тугатилганда мазкур иш бўйича шикоят қилиш ҳуқуқининг, яъни иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотилиши) бекор бўлишидир.

Учинчидан, прокурор розилиги асосида ярашув асосида жиноят ишини тугатишда жиноят ишининг суд томонидан кўриб чиқилмаслиги (назорат қилинмаслиги) **суд орқали ҳимояланиш ва одил судловни амалга ошириш принципларига** зид ҳисобланади.

Статистик маълумотларга юзланадиган бўлсак, 2021 йилда биринчи инстанция судларида жами **47 657 та** иш кўрилган бўлиб, шундан **12 898 та**си (**27 %**) ярашув асосида кўрилган ишларни ташкил қилади.

Бунда, ярашувга оид ишлар жами **жиноятларнинг 27%** ташкил этганлик ҳолати ҳам суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи принципининг амалда таъминланганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ярашувда ишларнинг соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилиши, муддатларнинг қисқа эканлиги, тарафлар ўртасида муайян даъво талабининг (етказилган зиённи бартараф этишнинг шартлиги) мавжуд бўлмаслиги ишни қисқа муддатда кўриб чиқиш имконини беради.

Қонунчилик бўйича ярашувни қўллаш масалаларини кўриб чиқишнинг умумий муддати **20 кун**ни (суриштирувчи ва терговчи – **7 кун**, прокурор – **3 кун**, суд – **10 кун**) ташкил қилади.

Тўртинчидан, ярашувга оид ишларни кўриб чиқишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларда **ишни кўриб чиқишдан моддий манфаатдорлик,** ишни кўриб чиқадиган ҳамда уни кўриб чиқиш натижасида берилган шикоятнинг бир орган (бунда жиноят

иши ярашувга асосан прокурор розилиги билан тугатилганда, ярашув бўйича тугатилган иш юзасидан берилган шикоят ҳам прокурор томонидан кўриб чиқилади) томонидан кўриб чиқилиши манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлиб, турли хил **коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқаради.**

Юқоридаги ҳолатлар ишни кўриб чиқиш натижасида қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишга салбий таъсир кўрсатиб, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ҳуқуқлари таъминланмаслигига ҳамда турли коррупциявий омилларнинг ортишига сабаб бўлади. Чунки бугунги кунда жиноятларнинг аксарият қисми ярашувга асосан кўриб чиқилмоқда.

Фикримизни статистик маълумотлар орқали асослайдиган бўлсак, 2022 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида биринчи инстанция судларида **жами 43 787 та** жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, шундан **10 427 таси (23,8 %)** ярашув асосида кўрилган ишларни ташкил қилади.

Тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят иши тугатишнинг асосий сабабларидан бири жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи)га нисбатан **жиноий таъқибни олиб борилишидан манфаатдор эмаслигида** намоён бўлади.

Таҳлил натижалари юзасидан, ярашув институтини қўллаган ҳолда жиноят ишини тугатиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, жиноят ишларида ярашув институти доирасини янада кенгайтириш мақсадида қуйидаги тартибларни жорий этиш мақсадга мувофиқ:

1) оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қоидани қўйилган айбнинг оғирлиги, айбдорнинг шахси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳам ҳисобга олиб, айрим тоифадаги шахсларга (вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар, олтмиш ёшдан ошган эркаклар) нисбатан қўлланилмаслигига оид қоидани бекор қилиш;

2) жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институтини юқори инстанция (апелляция ёки кассация) судларида ҳам қўллаш амалиётини жорий этиш. Бунда, шахсга нисбатан эълон қилинган айблов, ярашув доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда, юқори суд томонидан ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш;

3) Жиноят кодексида назарда тутилган ярашув доирасига тушадиган ишлар рўйхатига Жиноят кодекси 145-моддасининг биринчи қисмида (виждон эркинлигини бузиш), 192^1-моддасининг биринчи қисмида (хусусий мулк ҳуқуқини бузиш), 192^2-моддасининг биринчи қисмида (тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш), 192^3-моддасининг биринчи қисмидаги (тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш), 269-моддасининг биринчи қисмидаги (автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш қоидаларини бузиш) жиноий қилмишларни киритиш лозим. Мазкур таклиф этилаётган барча жиноятлар таркибининг санкцияларида маҳкумни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазолар билан бир қаторда, уч йилгача озодликдан маҳрум этишга доир жазо назарда тутилган.

Иккинчидан, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, турли коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида жиноят ишининг судга юборилмасдан прокурор розилиги асосида тугатиш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Учинчидан, суд орқали ҳимояланиш ва одил судловни амалга ошириш принципларига риоя этган ҳолда, **ярашув институтининг амалдаги тартибини** (ярашувни прокурор розилиги билан эмас, суд муҳокамасида амалга ошириш) **сақлаб қолиш**.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ярашув институтини қўллаш орқали жиноят ишининг тугатилиши жабрланувчи учун ҳам, жиноят содир этган шахс учун ҳам қатор ижобий жиҳатлардан ташқари, ишнинг одил судлов органларида кўрилишини қисқартириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат учун ташкилий, моддий харажатларни тежаш, оворагарчиликларни сезиларли даражада камайтириш, айни пайтда процесс иштирокчиларидаги ахлоқий-психологик зўриқишларнинг олдини олиш имкониятини берди.

Жабрланувчига айбдор шахс билан ярашиш ҳуқуқи берилганлиги жиноят процессидаги

диспозитив ўзгаришларни кенгайтиришга ёрдам беради, чунки тарафларда ўзининг ярашувга бўлган ҳуқуқини эркин тасарруф этиш имконияти юзага келади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // URL: https://lex.uz/docs/3735818.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 2001 йил 29 августдаги 254–II-сон Қонуни // URL: https://lex.uz/uz/docs/87124.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 2005 йил.

4. Қаххоров Д. Ўзбекистон Республикасида ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш // Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 74-79.

5. Абдурасулова. Қ., Тошпулатов А. Моддий ва процессуал ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги (жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи мисолида) // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 6 (2021). Б.43-50 // URL: https://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/138;

6. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: "Yuridik adabiyotlar publish", 2021. – 586-бет. // URL: https://library-tsul.uz/uzbekiston-respublikasining-zhinoyat-kodeksiga-shar-mahsus-ism-rustamboev-m-h-.

7. Махмудов С. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишнинг айрим жиҳатлари // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 6 (2020). Б.110-115. // URL: https://www.yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/article/view/150/126.

8. Жиноят-процессида айбланувчининг ҳуқуқлари [Матн]: қўлланма // муаллиф-тузувчилар Д. Базарова, Б. Шамсутдинов. -Тошкент: Baktria press, 2021. // URL: https://library-tsul.uz/zhinoyat-protsessida-ajblanuvchining-u-u-lari-bazarova-d-shamsutdinov-b-2021/

9. Смахтин Е.В. К вопросу о примирении сторон в уголовном процессе / Вестник пермского университета. Юридические науки. Выпуск 1 (19) 2013. // URL: http://www.jurvestnik.psu.ru/index.php/vypusk-1192013/22-2010-12-01-13-31-58/-1-19-2013/397-maxtinlarionova-k-voprosu-o-primirenii-storon-v-ugol.

10. Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм/М.Рустамбаев. – Тошкент: "ILM ZIYO", 2006. – 854-бет. // URL: https://library-tsul.uz/zhinoyat-u-u-i-umumij-ism-tuldirilga/

11. Сахаддинов С. Ярашув институти: илмий-назарий, жиноят-ҳуқуқий ва прцессуал асослари. Монография. – Тошкент. 2013. // URL: https://library-tsul.uz/yarashuv-instituti-ilmij-nazarij-zhinoyat-u-u-ij-va-prtsessual-asoslari-sahaddinov-s-2013/

12. Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич Институт примирения по законодательству Республики Узбекистан // Проблемы Науки. 2019. №10 (143). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/institut-primireniya-po-zakonodatelstvu-respubliki-uzbekistan (дата обращения: 06.03.2023).

13. Абдурасулова К.Р. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти: кечиримлилик ва бағрикенгликнинг ёрқин ифодаси // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари (Материалы Республиканской научно-практической конференции). Т.: Академия МВД РУз, 2015. С. 74-78.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ВЕСТНИК ЮРИСТА
LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ГАФУРОВА Нозимахон Эльдаровна
Заведующий кафедрой Международного права и прав человека
Ташкентского государственного юридического университета,
доктор философии по юридическим наукам(PhD), доцент
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

ТОШМАТОВА Висолахон
Самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета
E-mail: visolka1202@gmail.com

ЕВРОПЕЙСКАЯ ПРАКТИКА ЗАЩИТЫ ПРАВ ПАЦИЕНТОВ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ГАФУРОВА Н.Э., ТОШМАТОВА В.И. Европейская практика защиты прав пациентов в период пандемии COVID-19 // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2023) С. 119-131.

6 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2023-1-18

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению Европейской практики защиты прав пациентов в период пандемии COVID-19. Причиной научного интереса к данной тематике является тот факт, что на сегодняшний день региональные системы защиты прав человека, в том числе, прав пациентов показали свою наибольшую эффективность, нежели универсальные. Причиной тому служат разнообразные факторы: региональные международные механизмы наиболее приспособлены к решению локальных проблем, также их стандарты по правам человека в большей степени нашли отражение в их национальных законах. Кроме того, уже имеются уже конкретные прецеденты, которые могут служит источником права при решении судебных исков. К другим существенным достоинствам региональных систем является то, что санкции против государства-нарушителя внутри системы, возможно, будут более эффективны, чем на международном уровне. Отмечается, что именно в ЕСПЧ (Европейский суд по правам человека) в последнее время в связи с пандемией чаще всего поступают сообщения касательно нарушения прав пациентов, что значительно обогащает их практику, а также выявляет системные недостатки в этой области. Соответственно, целесообразным представляется изучение и применение практики ЕСПЧ в национальных судебных системах.

Ключевые слова: права пациентов, международные механизмы защиты прав пациентов, региональные механизмы по правам человека, Европейский союз, Совет Европы, Европейский суд по правам человека, пандемия COVID-19, универсальные и региональные стандарты прав пациентов, право на здоровье, охрана здоровья, потребители медицинских услуг, пациент, безопасность пациентов.

GAFUROVA Nozimaxon Eldarovna
Toshkent davlat yuridik universiteti “Xalqaro huquq va inson huquqlari” kafedrasi mudiri, yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

TOSHMATOVA Visolaxon Ikrom qizi
Toshkent davlat yuridik universiteti mustaqil izlanuvchisi
E-mail: visolka1202@gmail.com

COVID-19 PANDEMIYASI DAVRIDA BEMORLARNING HUQUQLARINI HIMOYA QILISH BO’YICHA EVROPA AMALIYOTI

ANNOTATSIYA

Mazkur maqola COVID-19 pandemiyasi davrida mijozlar huquqlarini himoya qilishning Yevropa amaliyotini o‘rganishga bag‘ishlangan. Ushbu mavzuga nisbatan ilmiy qiziqish oshganligining sababi shundan iboratki, hozirda inson huquqlarini, shu jumladan mijozlar huquqlarini himoya qilish bo‘yicha mintaqaviy tizimlar universal tizimlarga nisbatan o‘zining samaradorligini ko‘rsatmoqda. Bunday samaradorlik ko‘plab omillarga bog‘liq bo‘lmoqda: mintaqaviy xalqaro mexanizmlar mahalliy muammolarni hal qilishda nisbatan moslashuvchanlikni namoyon qilmoqda, shuningdek, inson huquqlari bo‘yicha standartlar ko‘p jabhada milliy qonunchilikda o‘z aksini topmoqda. Bundan tashqari, allaqachon sud ishlarini ko‘rishda manba sifatida aniq pretsedentlar ham shakllangan. Mintaqaviy tizimlarning yana bir muhim yutug‘i shundaki, ushbu tizim doirasida huquqbuzar davlatga nisbatan qo‘llaniladigan sanksiyalar xalqaro darajadagilarga nisbatan yanada samarali hisoblanadi. Qayd etish lozimki, aynan Inson huquqlari bo‘yicha Yevropa sudida (IHYS) so‘nggi vaqtlarda pandemiya bilan bog‘liq holda mijozlar huquqlarining buzilishiga taalluqli murojaatlar ko‘paymoqda, bu esa uning amaliyotini yanada boyitmoqda, shuningdek mazkur sohada tizimli muammolar aniqlanmoqda. Shunga ko‘ra, IHYSning amaliyotini o‘rganish va milliy sud tizimlarida qo‘llash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Kalit so‘zlar: bemorlarning huquqlari, bemorlarning huquqlarini himoya qilishning xalqaro mexanizmlari, inson huquqlari bo‘yicha mintaqaviy mexanizmlar, Evropa Ittifoqi, Evropa Kengashi, Inson huquqlari bo‘yicha Evropa sudi, COVID-19 pandemiyasi, bemorlarning huquqlarining universal va mintaqaviy standartlari, sog’liqni saqlash huquqi, sog’liqni saqlash, sog‘liqni saqlash iste’molchilari, bemor, bemorlarning xavfsizligi.

GAFUROVA Nozimakhon
Head of Department of International law and human rights of Tashkent State University of Law, Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate Professor
E-mail: gafurovanozimakhon@mail.ru

TOSHMATOVA Visolakhon
Independent researcher of Tashkent State University of Law
E-mail: visolka1202@gmail.com

EUROPEAN PRACTICE OF PROTECTING PATIENTS’ RIGHTS DURING THE COVID-19 PANDEMIC

ANNOTATION

This article is devoted to the study of the European practice of protecting the rights of patients during the COVID-19 pandemic. The reason for the scientific interest in this topic is the fact that today regional systems for the protection of human rights, including the rights of patients, have shown their greatest effectiveness than universal ones. The reason for this is a variety of factors: regional international mechanisms are mostly designed to solve local problems, and their human rights standards are more reflected in their national laws. In addition, there are already specific precedents that can serve as a source of law in resolving lawsuits. Another significant advantage of regional systems is that sanctions against the offending State within the system may be more effective than at the international level. Noting that the ECHR (European Court of Human Rights)

has recently received reports regarding violations of patients' rights in connection with the pandemic, which significantly enriches their practice, as well as reveals systemic shortcomings in this area. Accordingly, it seems appropriate to study and apply the practice of the ECHR in national judicial systems.

Keywords: patients' rights, international mechanisms for the protection of patients' rights, regional human rights mechanisms, European Union, Council of Europe, the European Court of Human Rights, the COVID-19 pandemic, universal and regional standards of patients' rights, the right to health, health protection, consumers of medical services, patient, patient safety.

На сегодняшний день региональные системы защиты прав человека, в том числе, прав пациентов показали свою наибольшую эффективность, нежели универсальные. Причиной тому служат разнообразные факторы: региональные международные механизмы наиболее приспособлены к решению локальных проблем, также их стандарты по правам человека в большей степени нашли отражение в их национальных законах. Кроме того, в практике региональных механизмов уже накопился достаточно богатая база конкретных прецедентов, которые могут служить вторичным источником права как при решении судебных исков, так и в медицинском праве в целом.

Специфика же регионального уровня состоит в том, что на законодательном уровне в ряде государств, располагающихся в одном географическом регионе (как правило, в единой материковой зоне), создаются контрольно-надзорные органы для проверки соблюдения данными государствами обязательств по защите прав человека. Видовая принадлежность такого документа может варьироваться в зависимости от той или иной региональной системы [1].

Необходимость возникновения региональных систем, по утверждению связана с тем, что на универсальном (международном) уровне защиты прав человека отсутствовал тот механизм, который способствовал бы противостоянию государственной власти, грозящей обрушиться на личность и похоронить под собой все те благие пожелания, которые выражены в правах. В силу чего региональные системы видятся наиболее эффективными в сфере привлечения государства-нарушителя к ответственности и восстановления нарушенных прав человека [2].

Преимущество региональной системы по сравнению с универсальной, состоит в том, что государства, располагающиеся в одном географическом регионе, имеют более схожие правовые системы, что, облегчает создание единого регионального документа. Помимо того, такие государства зачастую имеют и схожие исторические, культурные, экономические и политические особенности, что также облегчает создание и функционирование данной системы [3]. О других существенных достоинствах региональных систем говорит и то, что санкции против государства-нарушителя внутри системы, возможно, будут более эффективны, чем на международном уровне.

В период пандемии COVID-19 региональные системы защиты прав пациентов показали свою большую эффективность, нежели универсальные. Европейский Союз, Совет Европы и другие европейские механизмы внесли свою лепту в разработке нормативно-правовых директив для периода пандемии, как в качестве ограничительных мер, так и в качестве директив, которые были направлены на защиту прав пациентов в период принятия этих мер.

За быстрым распространением COVID-19 в Европе в последние недели, когда были зарегистрированы тысячи случаев заболевания, последовали отмена масштабных мероприятий, приостановка авиасообщения, временный запрет на проведение массовых мероприятий, переход на удаленный режим работы, закрытие школ и проч. По состоянию на 13 марта во всем мире зарегистрировано более 133 800 случаев заражения COVID-19 и более 4900 человек скончались (больше всего смертей зарегистрировано в Китае). В странах ЕС и Великобритании зафиксировано более 28 000 подтвержденных случаев и более 1100 человек скончались (только в Италии число смертей составило 1016).

***Европейский Союз*.** «Мы используем все имеющиеся в нашем распоряжении инструменты, чтобы европейская экономика преодолела эти трудные времена», — сказала Председатель Европейской Комиссии Урсула фон дер Ляйен по итогам прошедшей 10 марта видеоконференции с участием глав государств ЕС, на которой обсуждались меры по борьбе со вспышкой COVID-19. Тогда же Европейская Комиссия получила мандат на дальнейшую

активизацию ответных мер по всем направлениям и на координацию действий государств-членов. Поэтому Европейская Комиссия инициировала создание Инвестиционного фонда для борьбы с распространением коронавируса в размере 25 млрд евро для поддержки национальных систем здравоохранения, предприятий малого и среднего бизнеса, рынков труда и других уязвимых отраслей экономики. Помимо этого, ЕС предоставит 140 млн евро государственных и частных средств для финансирования перспективных исследований по поиску вакцины, разработке методов диагностики и лечения заболевания.

Координация с государствами-членами обеспечивается за счет использования различных платформ. Меры по обеспечению готовности, в том числе рекомендации в отношении поездок и скоординированных действий по пограничному контролю, обсуждаются еженедельно в рамках созданной Европейской Комиссией координационной группы COVID-19/ Corona Information Group – Borders. Кризисные ситуации в сфере здравоохранения, такие как потенциальная нехватка средств индивидуальной защиты, будут рассматриваться координационной группой Cross-border Health Threat Decision, в распоряжении которой имеется ускоренная процедура совместных закупок. Европейская Комиссия будет ежедневно проводить совещания по телеконференцсвязи с министрами здравоохранения и министрами внутренних дел стран ЕС для координации необходимых мер.

Другие меры, предпринимаемые Европейской Комиссией, включают создание группы эпидемиологов и вирусологов из разных государств-членов для выработки общеевропейских рекомендаций; инвентаризацию имеющихся в наличии средств защиты и дыхательных аппаратов, а также мощностей по их производству и распределению.

Ввиду ожидаемого сокращения воздушных перевозок ЕС введет временные меры, позволяющие авиакомпаниям сохранять за собой слоты (время, выделяемое рейсу в аэропорту для прибытия или отправления в конкретный день и час) в аэропортах. Это ослабит давление на авиационную отрасль и сократит вредные выбросы, поскольку авиакомпаниям не придется совершать так называемые рейсы-призраки (когда самолет летит почти пустым) для сохранения своих слотов.

Помимо мер, направленных на урегулирование кризиса внутри своих границ, ЕС поддерживает глобальные усилия по борьбе с распространением вируса по всему миру. 24 февраля Европейская Комиссия сообщила о новом пакете мер помощи в размере 232 млн евро «для повышения глобальной готовности, профилактики и сдерживания распространения вируса». Средства предназначены для поддержки ВОЗ (114 млн евро), проведения профилактических мер в Африке (15 млн евро), поиска вакцины и финансирования других исследований (100 млн евро), а также для покрытия расходов по эвакуации граждан ЕС из Ухани (3 млн евро).

После активации Механизма гражданской защиты ЕС в конце января Европейская Комиссия и государства ЕС совместно профинансировали доставку 56 тонн гуманитарной помощи в Китай. Отправленные туда средства индивидуальной защиты (маски, перчатки, защитная одежда и антисептические средства) были предоставлены Австрией, Венгрией, Германией, Италией, Латвией, Словенией, Францией, Чехией и Эстонией.

Кроме того, 515 граждан ЕС было эвакуировано из Китая и Японии. К настоящему моменту в рамках Механизма гражданской защиты ЕС было оказано софинансирование нескольким рейсам по эвакуации граждан, осуществленным различными европейскими странами — Францией, Германией, Великобританией и Италией [4].

Таким образом, одно из главных ограничений на территории ЕС также, как и везде – это ограничение свободы передвижения. Так, Договор о функционировании ЕС (ДФЕС) [5], в котором обеспечивается свободное передвижение товаров, лиц, услуг и капиталов. После вступления в силу Маастрихтского договора, содержание данной свободы обогатилось и неэкономическим аспектом – гражданством ЕС (статьи 20-25 ДФЕС). Существенную в развитии данной свободы в ЕС сыграли также Шенгенские соглашения 1985 и 1990 гг. Более подробная регламентация о свободе передвижения содержится в специальных директивах ЕС, например, Директива Европейского Парламента и Совета №2004/38/ЕС о праве граждан Союза и членов их семей свободно передвигаться и проживать на территории государств-членов. Кроме того, также приняты директивы, касательно передвижения граждан третьих стран в ЕС. Статья 29 Директивы Европейского Парламента и Совета №2004/38/ЕС предусматривает возможность введения возможность ограничений по мотивам сохранения общественного здоровья исключительно по причине потенциально эпидемиологических

заболеваний, которые определены в соответствующих документах ВОЗ и других организаций, а также иных инфекционных и паразитарных заболеваний, в том случае, если они выступают предметом проведения защитных мероприятий в государстве-члене в отношении своих собственных граждан. Такие же ограничительные меры содержат статьи 25-35 Шенгенского кодекса о границах [6]. С марта 2020 года с момента появления угрозы пандемии коронавируса государства-члены стали закрывать свои границы в одностороннем порядке, уведомляя при этом Европейскую Комиссию. Позже централизованные действия были предприняты самим Европейским Союзом. Так, 17 марта 2020 на видеоконференции Европейского Совета были определены основные приоритеты политики ЕС в борьбе с распространением COVID-19 в следующих направлениях: ограничение распространения вируса путем закрытия внешних границ, где также были учтены права трудящихся мигрантов и других иностранцев; обеспечение медицинским оборудованием; содействие научным-клиническим исследованиям в области вакцинации от коронавирусной инфекции; компенсации социально-экономических потерь, связанных с карантинными мероприятиями и закрытием границ [7].

17 апреля 2020 года была принята резолюция Парламента ЕС о скоординированных действиях по борьбе с пандемией COVID-19 и её последствиями (2020/2616 (RSP)), в которой подчеркивается, что государства-члены в этой борьбе должны действовать сообща, проявлять солидарность по вопросам здравоохранения и защищать демократию и верховенство права [8].

19 января 2021 года Европейская комиссия издала Коммюнике, в котором, содержащие в себе меры, необходимые при проведении вакцинирования и тестирования населения ЕС. Кроме того, государствам-членам ЕС рекомендовалось вводить ограничения на поездки на пропорциальной и недискриминационной основе в соответствии с рекомендацией Совета ЕС 2020/1475 от 13 октября 2020 года «о скоординированном подходе к ограничению свободы передвижения в ответ на пандемию COVID-19» [9].

Совет Европы. В качестве основными международных стандартов в области прав пациентов считаются в Европе необходимо отметить Европейскую хартию прав пациентов (2002 г.), Европейскую конвенцию о защите прав человека и основных свобод (1950 г.), Европейская социальная хартия (1960 г.), Хартия Европейского Союза об основных правах (2000/2009 г.), и др.

В начале 60х годов Совет Европы принял Европейскую социальную хартию для дополнения ранее закрепленных в Европейской Конвенции гражданских и политических прав. Европейская социальная хартия, (ETS No. 35), вступила в силу 26 февраля 1965 г. Европейская социальная хартия гарантирует социальные и экономические права, в их числе права на жилище, здоровье, образование, на трудоустройство, и социальную защиту. В январе 1998 года вступил в силу протокол, разрешающий ряду организаций приносить коллективные жалобы, основанные на процедурах МОТ. НПО и профсоюзы вправе направить жалобу в Комитет независимых экспертов, относительно нарушения прав, закрепленных в Хартии. Страны, подписавшие хартию, предоставляют периодические отчеты о ее исполнении специальному экспертному независимому органу – Европейскому комитету по социальным правам, которые наблюдает за соблюдением Хартии сторонами договора. В 1996 году Совет Европы открыл для подписания пересмотренную Социальную хартию, которая дополняет содержание Хартии. Европейская социальная хартия (пересмотренная), (ETS No. 163), вступила в силу 1 июля 1999 г. Дополнения включили расширения принципа недискриминации, расширенные права по защите при прекращении трудоустройства, и право на равные возможности для работников с семейными обязанностями. Пересмотренная Хартия постепенно заменит первоначальную Хартию. К началу 2001 года 24 государства ратифицировали первоначальную Хартию, и шесть государств стали участниками пересмотренной Хартии [10].

Европейская хартия прав пациентов, утверждена 15.11.2002 г. в Брюсселе (Бельгия). Задекларированной причиной создания данного документа стало то, что, по мнению его создателей, национальные системы здравоохранения стран Европейского союза (ЕС) ставят под угрозу одни и те же права пациентов, потребителей, их родственников, незащищенных групп населения и обычных людей. Невзирая на декларацию права на всеобщую доступность медицинского обслуживания, существуют факторы, ставящие под сомнение реальность этого права.

Целью создания Европейской хартии прав пациентов стало усиление степени защищенности прав пациентов и граждан, а также гармонизация национальных систем здравоохранения в этом направлении, несмотря на различия в обеспечении прав пациентов в различных странах ЕС. Это является важной задачей, принимая во внимание продолжающийся процесс расширения ЕС и свободу передвижения граждан по его территории [11].

В части I Европейской хартии прав пациентов четко обозначается то, что ее «отправной точкой» является Европейская хартия основных прав, провозглашающая ряд неотъемлемых всеобщих прав, которые не могут быть ограничены ни Европейским союзом в целом, ни отдельными государствами. Эти права не зависят от гражданства лица и принадлежат каждому как человеку.

В ст. 35 Европейской хартии основных прав право на охрану здоровья декларируется как «право доступа к профилактическому медицинскому обслуживанию и право пользоваться медицинской помощью в соответствии с условиями, установленными национальным законодательством и практикой». При этом указано, что Европейский союз должен гарантировать «высокий уровень охраны здоровья человека». В это понятие входит не только здравоохранение, но также индивидуальные и социальные блага. Тем самым устанавливается ориентир для национальных правительств: не останавливаться на уровне «минимальных гарантированных стандартов», но стремиться к наивысшему уровню, независимо от возможностей каждой отдельной страны.

Кроме ст. 35, Европейская хартия основных прав содержит и другие положения, прямо или косвенно относящиеся к правам пациентов:

— недопустимость нарушения человеческого достоинства (ст. 1) и права на жизнь (ст. 2);
— право на неприкосновенность личности (ст. 3);
— право на безопасность (ст. 6);
— право на защиту личных данных (ст. 8);
— право на свободу от дискриминации (ст. 21);
— право на культурное, религиозное и языковое многообразие (ст. 22);
— права ребенка (ст. 24);
— права пожилых людей (ст. 25);
— право на справедливые условия труда (ст. 31);
— право на социальную защиту и социальную помощь (ст. 34);
— право на охрану окружающей среды (ст. 37);
— право на защиту потребителя (ст. 38);
— свобода передвижения и выбора места жительства (ст. 45).

